Отанинг кўзига ёш тўлди. Бир киприк қоқса юзини юварди. Аммо бу ёшни ҳалитдан бери қаққайиб турган оқпадар ўғлига кўрсатишни истамади.

**МЕҲР ОШКОРА, МУРУВВАТ ПИНҲОНА БЎЛГАНИ МАҚБУЛ**

4-бет

**ТУТЗОРДА ОТИЛГАН ЎҚ**

Алим эса шу дамда милтиқнинг тепкисини кетма-кет босди. Кутилмаган ўқ овозидан қушлар «дув» кўкка кўтарилди.

12-бет

**ЎЗЛАШТИРИЛГАН КРЕДИТ**

**кимнинг ҳисобидан ундириламоғи лозим?**

Қонунбузарликларга қўл урилиши кредит олиш учун талаб этиладиган ҳужжатларнинг сохталаштирилишидан бошланган. Негаки, тақиқ солинган қаҳвахона гаров сифатида расмийлаштирилади.

13-бет

**ОДАМ ҚИЁФАСИДАГИ ЙИРТҚИЧ**

Совуқ, атроф коронғи. Хуриниса ая хонадонининг кўча эшиги аввал икки марта тепилиб, кейин кетма-кет муштланди.

14-бет


*Mustaqillik huquq demakdir*

# HUQUQ

YURIDIK GAZETA

# 07-08 (322-323)

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: info@huquq.uz


| Fevral | | | | |
|---|---|---|---|---|
| D. | 2 | 9 | 16 | 23 |
| S. | 3 | 10 | 17 | 24 |
| Ch. | 4 | 11 | 18 ✓ | 25 |
| P. | 5 | 12 | 19 | 26 |
| J. | 6 | 13 | 20 | 27 |
| Sh. | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ya. | 1 8 | 15 | 22 | 29 |

2004

## ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК

Кеча Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашитжон Қодиров Қозоғистон Республикаси Бош прокурори Рашид Тусупбеков бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда икки қўшни мамлакат Бош прокурорлари халқаро миқёсда терроризм, уюшган жиноятчилик, наркобизнес, одамларни сотиш ва бошқа хавфли жиноятлар кўлами тобора кенг ёйилиб бораётганидан ташвишда эканликларини билдирдилар ҳамда бу масалада прокуратуралар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва кучларни бирлаштириш зарурлигини таъкидладилар.

Шу боис мазкур жиноят ишлари юзасидан далилларни аниқлаш ва йиғиш бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдамни фаоллаштириш тўғрисида келишиб олинди.

Шунингдек, жиноятчиликка қарши кураш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, маълумотлар, услубий, ахборот-таҳлилий ва бошқа материаллар ҳамда прокурор назоратини амалга ошириш тажрибаси, ҳуқуқий соҳадаги ислоҳотлар тўғрисидаги ҳужжатлар билан доимий асосда ўзаро алмашиб туриш мувофиқлиги тўғрисида баённома имзоланди.

**Суратда: қабул пайти.**
**А.ТЎРАЕВ олган суратлар**

## ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

**11-февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни амалга киритилди.**

**Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг «2003 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди.**

**Тошкентдаги «Dedeman Silk Road» меҳмонхонасида «Ўзбекистон Республикасида жазони ижро этиш тизимини эркинлаштириш» мавзуида семинар бўлиб ўтди.**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Р.Ф.Файзуллаевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, коммунал хизмат кўрсатиш ва транспорт комплекси раҳбари этиб тайинлаш тўғрисида»ги Фармони матбуотда эълон қилинди.**

# ҚОНУНИЙЛИК ВА ФУҚАРОЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Бош прокурор Р.Қодиров раҳбарлигида ўтказилган мажлисда республика прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан 2003 йилги фаолияти якунлари ва келгусидаги вазифалари муҳокама қилинди.**

Мажлисда Бош прокуратурининг бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Ҳарбий ва Транспорт, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи, унинг ўринбосарлари, департаментнинг бошқарма ва бўлимлари бошлиқлари иштирок этдилар.

Прокуратура органлари ўзларига юклатилган назорат фаолиятини амалга оширишда доимий эътиборни иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунбузарликларнинг олдини олишга қаратди.

Шу мақсадларда, хусусан, ҳукуматнинг фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси асосида камрентабелли ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш, шартнома интизомини мустаҳкамлаш, тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусийлаштириш, биржалар фаолияти ва капитал қурилиши соҳаларида қонунийликни таъминлашга қаратилган тадбирлар изчиллик билан олиб борилди.

Фуқароларга иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида тўланиши, уларнинг иш билан таъминланиши ҳамда бошқа ижтимоий ҳуқуқларнинг кафолатланиши борасида йўл қўйилаётган қонунбузилишларни бартараф этишнинг зарур чоралари кўрилди. Мазкур соҳаларда ўтказилган текширишлар натижаларига кўра жами 157 мингдан зиёд прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, 82 минг та якиндмансабдор шахсларинтизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди.

Прокуратура органлари томонидан фуқаролар, тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини кўзлаб судларга жами 38,5 минг та, 65,4 млрд. сўмлик даъво аризаларикиритилди ҳамда уларнинг 52,7 млрд. сўмлиги қаноатлантирилди.

Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан аммуайянишларамалга оширилиб, бюджетга ҳисобланган қўшимча солиқ ва жарималарнинг 34,9 млрд. сўмлигини ундириш га эришилди.

Прокурор назоратининг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланган вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида ишлар кучайтирилди, қўлланилган 18 мингдан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари асосида мавжуд қонунбузилишларнинг бартараф этилиши таъминланди.

Вазирлар Маҳкамасиҳамдамаҳаллийҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга мунтазам равишда амалий-услубий ёрдам кўрсатиб борилди. Жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика қилишда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари, нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик мустаҳкамланди. Натижада мамлакатда криминоген вазиятнинг барқарорлиги таъминланиб, оғир ва ўта оғир жиноятларнинг, шу жумладан, қасдан одам ўлдириш, баданга оғир шикастетказиш, талончилик, босқинчилик сингари ижтимоий хавфи юқори бўлган жиноятларнинг сезиларли даражада камайишига эришилди.

Тергов ва суриштирув фаолияти устидан назорат олиб боришда асосий эътибор ушбу жараённинг тўлиқ ва холисона ўтказилиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши ҳамда жиноий жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонун талабларининг бажарилишига қаратилди. Кўрилган чора-тадбирлар жиноят ишлари бўйича суриштирув ва тергов ишларининг сифатини яхшилаш, тергов муддатларига қатъий риоя қилиш, эҳтиёт чораларини тўғри танлаш, жазонинг муқаррарлигини таъминлашимконини берди.

Судларда жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш фаолияти асосан фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилди.

Прокуратура органларида фуқароларни қабул қилиш, ариза ва шикоятларни қонунийҳал этишга доимий эътибор қаратилиб келинди. Келиб тушган ёзма мурожаатларнинг 34 мингтадан ошиғиҳал қилиниб, натижаларига кўра қонуний қарорлар қабул қилинди.

Прокурор назоратининг бошқа йўналишларида ҳам муайян натижаларга эришилди.

Шу билан бирга, ҳайъат мажлисида прокуратура органлари фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар танқид остига олинди, уларни бартараф этишга доир аниқ вазифалар белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида Президент Ислом Каримов томонидан кўрсатиб ўтилган устувор вазифаларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Масала юзасидан ҳайъат мажлиси тегишли қарор қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг матбуот маркази**

**JINOYAT FOSH ETILDI**

## ТЕРГОВЧИЛАР МУҲОКАМАСИДА

Самарқанд-Ғузор йўлидаги Чироқчи туманининг Аннадўст қишлоғи яқинида шахси номаълум кишининг жасади топилади. Ўз вақтида ўтказилган тезкор қидирув ҳаракатлари, жамоатчилик билан ҳамкорлик натижасида босқинчилик жиноятини яшириш мақсадида содир этилган қотиллик фош этилди. М. Кўчқоров, Т. Тўраев, Р. Шариповлардан иборат жиноий гуруҳ қонун олдида жавоб берди.

ЎзТВ телевидениесининг «Сиёсат» студияси томонидан намойиш этилган ушбу жиноят тафсилоти терговчилар муҳокамасининг мавзусига айланди. Терговчиларнинг мазкур семинарида ушбу жиноятни тергов қилган Чироқчи туман прокуратураси терговчиси Бўри Мўминов ёш терговчилар билан ўз тажрибасини ўртоқлашди.

**Довуд МАХДИЙ**

PROKUROR NAZORATI

**Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб давлат томонидан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларига жиддий эътибор берила бошланди. Қариялар, ёлғиз пенсионерлар, уруш қатнашчилари, ногиронлар, кам таъминланган кўп болали оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш меҳнат ва бандликка оид қонунларда, ҳукумат қарорларида яққол намоён бўлди. Андижон вилояти прокуратура органлари ходимлари ҳам ана шу соҳаларда қонунийликни таъминлашга алоҳида эътибор беришяпти. Мунтазам равишда текширишлар ўтказилиб, аниқланган қонунбузарлик ҳолатлари ўз вақтида бартараф этилмоқда.**

# ФУҚАРОЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Андижон шаҳридаги «Яхши» маҳалласида истиқомат қилувчи Х.Мўминова вояга етмаган уч нафар фарзанди учун нафақа тайинлашни сўраб маҳалла фуқаролар йиғинига ариза берган. Нафақа тайинлаш комиссияси эса уни йиғилишга келмади, деган асоссиз баҳона билан нафақа тайинлашни рад этган. Худди шундай важ-карсонлар билан яна ўн уч нафар фуқаронинг аризалари инобатга олинмаган. Вилоят прокуратураси ноқонуний қарорларга протест киритиб, кўп болали оилаларга нафақа тайинланишини таъминлади.

Айни чоғда айрим фуқароларнинг фарзандлари учун қонунга хилоф равишда нафақа тайинлаш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Улуғнор туманидаги Шаҳрихон ширкат хўжалигининг ҳисобчилари А.Ирискулов ва М.Темировлар 5 нафар ишчига маошлари тўғрисидаги маълумотларни қалбакилаштириб беришган. Сохта ҳужжат асосида «Овулмат» маҳалла фуқаролар йиғини уларга 118 минг сўм миқдорида нафақа пули тўлаган.

Энг ёмони, маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг ўзлари ҳам муҳтож оилаларга ажратилган нафақа пулларини ўзлаштирганлар. Хусусан, Андижон туманидаги «Ҳақиқат» маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси М.Асронов тўловномалардаги имзоларни қалбакилаштириш орқали 167 минг сўмни жиғилдонига урган.

Таҳлиллар пенсия ва нафақа пулларининг ўз вақтида тўланмаётганининг сабабларидан бири банкларга нақд пул тушуми камайганлигини кўрсатди. «Пахтабанк»нинг Оқолтин, Асака туманлари, Хонобод шаҳар бўлимлари, «Миллий банк» ва «Ўзуйжойжамғармабанк»ларнинг Андижон шаҳар бўлимларида пенсия ва нафақа тўловлари бўйича аниқланган қонунбузарликлар юзасидан тегишли прокурорлик таъсир чоралари қўлланилди. Энг муҳими, прокуратура идоралари томонидан вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига тақдимнома киритилиб, 3 миллиард 700 миллион сўм пенсия ва нафақа пулларининг тўланиши таъминланди. Қонунбузилишларга йўл қўйган мансабдор шахслар маъмурий, интизомий ва жиноий жавобгарликка тортилди. Шаҳар ва туман ҳокимликларига, тегишли идораларга, банк муассасаларига тақдимномалар киритилиб, қонунбузилишларнинг олдини олиш чоралари кўрилмоқда. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, фуқароларнинг қонуний манфаатларини, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вилоят прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

**М.ЭМИНОВ,**
**Андижон вилоят прокуратурасининг умумий назорат бўлими бошлиғи**

QAROR VA IJRO

# КЎПНИНГ РИЗҚИ...

Шу кунларда ғалла майдонлари ям-яшил тус олган. Ғаллакорлар майсазорларга тўсиқлар ўрнатиб, уларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш пайида. Лекин, баъзи кимсалар бободеҳқон меҳнатини менсимасдан, экинларнинг пайҳон қилинишига йўл қўймоқдалар.

Туман прокуратураси томонидан давлатимизнинг экинларни пайҳон қилинишига қарши курашни кучайтиришга оид фармон ва қарорлари ижроси юзасидан текширишлар ўтказилганда қатор қонунбузарликлар аниқланди.

Жумладан, Й.Охунбобоев номли деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасига қарашли майдондаги майсаларни Ж.Ҳамдамовга тегишли қўйлар пайҳон қилиб, «Одилжон» фермер хўжалигига 17 минг сўм миқдорида моддий зарар етказган.

Чопорошли бола қишлоғида истиқомат қилувчи Н.Қувоновнинг қорамоли эса куппа-кундузи тумандаги Н.Азимов номли ширкат хўжалиги ғаллазорида бемалол «сайр» қилиб юрган. Оқибатда хўжаликка етказилган зарар 38 минг сўмдан ошиб кетган. Ушбу хўжаликда яшовчи Н.Раббимовга, «Пахтакор» ширкат хўжалигида яшовчи Т.Норбековга, «Файзиобод» ширкат хўжалигида яшовчи Л.Нормаматовга тегишли бўлган қорамол ва қўй-қўзилар томонидан пайҳон қилинган ҳосил чўғини эса ҳеч қандай танбеҳ ёки қойишлар билан тўлдириб бўлмайди.

Ушбу фуқароларга нисбатан МЖТКнинг тегишли моддасига кўра маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишлар қўзғатилиб, суд қарорлари қабул қилинди. Етказилган зарар ҳуқуқбузарлардан ихтиёрий равишда ундириб берилди.

Кўпнинг ризқи кўл бўлгани яхши ва бу тўкинлик белгиси. Қолаверса, бугунги етиштирилаётган донимиз эртанги нонимиз эканлигини унутмайлик.

**Х.СУБҲОНҚУЛОВ,**
**Пойариқ туман прокурори**

*Меҳнат*

***Вақт пиллапояси чексиздир, бир-бирининг ўрнини эгаллаб борадиган авлодлар зинадан зинагагина кўтарилади-лар, холос. Жамланган тажрибани ҳар бир авлод ўзидан кейин келаётган, ўзидан кейин уни тараққий эттирадиган ва бойитадиган навбатдаги авлодга етказиб беради.***

**Абу Райҳон Беруний**

DEPARTAMENT FAOLIYATIDAN

# ҚОНУНГА ЗИД ИШ, КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Тошкент шаҳри қўшни давлатлар билан чегарадош бўлмаса-да, пойтахтимизга ноқонуний товарларнинг кириб келиши ва сотилиш ҳолатлари нисбатан кўп кузатилмоқда.

Жумладан, Шайхонтоҳур туманида жойлашган «Маиший техника» дўконида ўтказилган текширувда дўконда фаолият юритаётган хусусий тадбиркор Б.Саидаҳмедов харидорга хорижда ишлаб чиқарилган, 350 минг сўмлик қандилнинг икки жуфтини 700 минг сўмга сотган ва дўкон кассири Г.Абдураҳимова харидорга чек бермаганлиги аниқланган. Назорат касса машинаси кўрсатгичлари нақд савдо пуллари билан солиштирилганда, 699 минг 905 сўм савдо пули машина хотирасига киритилмаганлиги ва 6 млн. 389 минг 920 сўмлик ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган хорижда ишлаб чиқарилган маиший техника буюмлар савдога қўйилганлиги маълум бўлди.

Бундан ташқари, ушбу дўконда фаолият юритаётган тадбиркор М.Мирҳайдаровга тегишли маҳсулотлар кўздан кечирилганда, ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган, хорижда ишлаб чиқарилган 49 турдаги баҳоси 20 млн. 106 минг 990 сўмлик қандил ва парфюмерия маҳсулотлари мавжудлиги аниқланди.

Дўконда фаолият юритаётган яна бир тадбиркор Б.Собиржонходжиева тегишли бўлган хорижда ишлаб чиқарилган 140 турдаги 4 млн. 127 минг 440 сўмлик хўжалик маҳсулотларининг ҳам бирон бир ҳужжатлари мавжуд эмаслиги аниқланди. Хуллас, «Маиший техника» дўконида фаолият кўрсатаётган учала хусусий тадбиркорлар томонидан сотилаётган 30 млн. 624 минг 350 сўмлик маиший техника буюмлари далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Шунингдек, Чилонзор тумани, «Ал-Хоразмий» мавзесида жойлашган «BISYOR MARKET» дўконида ҳам жами 10 млн. 158 минг 225 сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари тегишли ҳужжатларсиз ва сифат сертификатисиз савдога қўйилганлиги маълум бўлди.

Ажабланарлиси, контрабанда маҳсулотлари қачон ва ким томонидан олиб келинган? Ахир бу турдаги маҳсулотлар шаҳримиз дўконларига етиб келгунча қанча чиғириқдан ўтади.

Бошқарма ва унинг туман бўлими ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича ўтказилган тезкор тадбирлар давомида, товар моддий бойликларни ноқонуний олиб кириш ҳамда ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган чет эл товарларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш бўйича жами бўлиб 1311 та ҳуқуқбузарлик ҳолатда 4 млрд. 866 млн 730 минг сўмлик товар моддий бойликлар Тошкент шаҳри ҳудудига ноқонуний равишда кирилганлиги аниқланди.

Тадбиркор ўз номи билан тадбиркор. У ҳар бир қилаётган ишидан фойда кўришга ҳаракат қилади. Тадбиркорлик фаолияти эса ҳеч қачон қонунга зид бўлмаслиги керак.

**Т.ҲУСАЙНОВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бошқармаси катта инспектори**

**Суратда: Самарқанд вилоят прокуроринг биринчи ўринбосари И.Очилов умумий назорат бўлими ходимлари билан ўтказилган текширувлар таҳлили юзасидан фикрлашмоқда.**

ISNOD

# «БИЗНЕС ОЛАМИ»ДАГИ ФИРИБ САБОҒИ

**«Каттами, кичикми, бизнесда ҳалоллик иш ривожининг асосий шартларидан. Бирданига катта луқмани юлиб олиш ниятида гирром ўйин бошлаган, ҳамкорларига, шерикларига тузоқ қўйиб, ўзича «юксак чўққини» эгаллаган ишбилармоннинг югургани сомонхонагача. Бизнес олами уни кечирмайди. Қарама-қарши тарафни — «буюртмачи» ёки «етказиб берувчи»ларни бир алдайди, иккинчи бор лақиллатади, лекин барибир, пешонасига «фирибгар» тамғасини ёпиштириб олиб, ишончдан қолади. Иши касодга учраб, синади...»**

Талабалар домланинг тили бошқа, дили бошқалигидан бехабар, унинг сабоғини жон қулоқлари билан тинглашиб, дафтарларига муҳрлашарди. «Бизнес олами» ўқув марказидаги ўқишлар алдовдан бошланганини хаёлларига ҳам келтиришмасди.

Гапнинг индаллосига келсак, Юсуфжон Жалолов Қўқон шаҳридаги «Бизнес олами» ўқув марказига 1996 йил раҳбар этиб тайинланади. Мактабнинг обрў-эътибори баланд, талабалар танлов асосида саралаб олинарди. Йилига ўртача 100 га яқин талаба қабул қилинарди. Омади чопганларнинг муайян қисми бюджет ҳисобидан (грант асосида) бепул, қолганлари контракт бўйича, пул тўлаб таълим олишарди.

Юсуфжон Жалолов ўқув юртидаги ишларнинг «сир-асрор»ларини атрофлича ўзлаштириб олганидан кейин, қуруқ маошга кўз тикиб қолмасдан, «Бизнес олами»да ўз «бизнес»ини йўлга қўйиш имкониятларини «кашф» этди. Бунинг энг осон йўли — ўқишга ким грант асосида, ким контракт бўйича кирганини сир тутиб, «рўйхат»ни ошкор этмаслик эди.

2001 ўқув йилида 76 нафар талаба грант асосида ўқишга қабул қилинган эди. Ю. Жалолов улар орасидан «имконияти борлари»ни контракт асосида ўқишга кирганлари билан табриклаб, шартномалар тузишга киришди. Шундай қилиб, аслида, бепул ўқишлари лозим бўлган 21 нафар талабанинг 75 минг сўмдан 170 минг сўмгача нақд пулларини санаб олди. У олган «таълим пуллари»га квитанциялар ёзиб бериб, ўзича жиноий кирдикорларига «қонуний тус» беради. Ана шу тариқа директор жаноблари 2 миллион 870 минг сўм «контракт» пулларини «Бизнес олами»нинг ғазнасига кирим қилмасдан ўзлаштириб юборади.

Домла бу билан қаноатланмасдан, «иш»ни янада кенгайтиради. Марказ битирувчиларига бюджет ҳисобидан тайёрланган дипломларни сотишга киришади. Талабалардан диплом учун 8 мингдан ўн минг сўмгача пул йиғиб олиш тўғрисида буйруқ чиқаради. Аслида, бепул топширилиши шарт бўлган дипломнинг таннархи салкам бир ярим минг сўм эди, холос. Ю.Жалолов диплом учун йиғилган 476 минг сўмни ҳам ўқув маркази ғазнасига кирим қилмай, гўё билим даргоҳидаги таъмирлаш ва бошқа эҳтиёжларга ишлатади.

«Бизнесмен-раҳбар» жиноий ҳатти-ҳаракатларини оқлашга уриниб, талабалардан алдов йўли билан «йиғилган пулларни ўқув юртини таъмирлашга сарфлаганман» деди. Бироқ, таъмирлаш харажатлари хусусида 326 минг сўмлик ҳужжатларни тақдим эта олди, холос. Қолаверса, «контракт» ва «диплом» пулларини нега тўғридан-тўғри «таъмирлаш учун» деб йиғилмаганини изоҳлаб бера олмади. Ю.Жалолов тергов жараёнида ноқонуний йиғилган пулларни собиқ талабаларга қайтариб беришга мажбур бўлди.

Истиқлолнинг 11 йиллиги арафасида Президентимизнинг Амнистия тўғрисида фармонига асосан фуқароларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплагани учун Ю.Жалолов жазони ўташдан озод этилди. Лекин, домла ўзини суд ҳукмидан ҳам оғирроқ жазога гирифтор этди — фирибгар тамғасини орттириб олди. Энди бу иснодни ювиб ташлаши учун кўп заҳмат чекишига тўғри келади.

**А.ЮСУПОВ,**
**Қўқон шаҳар прокурорининг ўринбосари**

# Мактублар, шикоятлар, жавоблар

РАКАМ

**Чоршанбадан чоршанбагача таҳририят муштарийлардан 50 та мактуб олди.**

● Мададталаб мактуб

## НЕГА ПУЛ ТЎЛАЯПМИЗ?

*Ҳурматли таҳририят!*

*Бу мактубни кўпчилик номидан умид билан ёзмоқдамиз. Бир пайтлар Чиноз туман Олмазор қишлоғига ҳавас қилмаганлар камдан-кам топиларди. Катта йўлнинг икки четидаги олма дарахтлари атрофга ўзгача чирой бахш этиб турарди. Посёлка ва қишлоқларимиз обод ва кўркам эди. Афсуски, бу ерларга бундан 10-15 йил олдин келган одам ҳозирги аҳволни кўриб таажжубга тушиши аниқ. Олмазорлар кесилавериб, экин майдонига айлантириб юборилди. Аҳоли ҳам нима қилсин? Ҳар йили қиш совуқ келармикан деб хавотирланишади. Совуқ уйда ўтиришнинг ўзи бўладими? Газ бўлмагач, ўтин ёқилади-да. Қишлоқ аҳли 1995 йилда яхши ниятлар билан эшикма-эшик пул тўплаб газ қувурларини торттирган эдик. Бу иш битгунча қанча одамнинг асаби жунбушга келиб, қанчаси оёқдан «қолган» эди. Афсуски, шунча юғур-юғурга қарамай бир йилгина газ ёқдик, холос. 1997 йилнинг қишидан бери аҳволимизни тушунадиган, аризамиз бўйича хонадонларни бир айланиб кўрадиган раҳбар топилмаяпти.*

*Ҳавога булут чиқса юрагимиз орқага тортиб кетади. Арзимаган совуқдан кейин ҳам газ пасайиб қолади. Уйида қарияси ёки ёш боласи бор эркаклар болта кўтариб олмазорга йўл олишади.*

*Пул йиғувчилар бунга қарамайди. Уйингизга газ қувури тортилганми, марҳамат қилиб пулини тўланг деб туриб олишади. Ана шунда нима учун пул тўлаётганимизга тушунмай қоламиз.*

*Чиноз тумани, Олмазор қишлоғи аҳли номидан*

**Х.КАРИМОВ**
**/жами 20 имзо/**

● Жавоб

## СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШГА ҲАҚЛИСИЗ!

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани прокуратураси фуқаро Қуранбоева Моҳиранинг «Qonun himoyasida» бирлашган таҳририятига йўллаган шикояти юзасидан текширув ўтказди.

Суриштирув жараёнида аризада кўрсатилган важлар қисман тасдиқланди. Жумладан, арзгўйнинг турмуш ўртоғи — Тошкент шаҳар ИИББ ППХ бригадаси махсус батальон 2-отряд хизмат инспектори, милиция старшинаси Матчонов Раҳмонга нисбатан оилавий турмуш доирасида йўл қўйган хатолари учун жавоб бериш масаласини Тошкент шаҳар ИИББ ППХ бригадасининг «Ахлоқ-одоб ва интизом суди»да кўриб чиқилиши тайинланди.

Хатда кўрсатилган бошқа важлар юзасидан Р.Матчоновнинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатлари бўлмаганлиги сабабли жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

М.Қуранбоевага турмуш ўртоғи Р.Матчонов билан ўрталарида келиб чиққан келишмовчиликлар юзасидан судга мурожаат қилишга ҳақлилиги ва қабул қилинган қарордан норози бўлса, бу ҳақда Тошкент шаҳар прокуратурасига мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилди.

**У.СУННАТОВ,**
**Сирғали тумани прокурори**

● Хат таҳрирсиз босилмоқда

## ИШ ҲАҚИМИЗНИ ҚАЧОН ОЛАМИЗ?

Республикамизнинг миллий бойлиги, экспорт бўйича жаҳонда етакчи ўринларда турган пахтани нес-нобуд қилмай териб олиш ҳар бир онгли фуқаронинг бурчидир. Президентимизнинг 2003 йил 23 сентябрдаги фармойиши, 2003 йил 26 августдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори ижросига асосан бизнинг Нишон туманидаги хўжаликларда ҳам пахта йиғим-терими зўр уюшқоқлик билан олиб борилди.

Биз фермерлар 1997 йилдан 2003 йилгача меҳнатимиз маҳсули бўлган пахтани Нишон тумани Пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамиятига шартнома асосида топшириб келдик. Лекин топширилган маҳсулотимизнинг ҳақини ололмай сарсонмиз.

2001 йилнинг 15 январида ўн уч нафар фермер вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишга мажбур бўлдик. Адлия бошқармаси вакили Х.Исломов ҳужжатларимиз асосида қонуний даъволаримизни олти ой ўрганди. 1997-98-99 йилларда етиштириб берилган 13 та фермердан жами 580,7 тонна пахта толасининг 69.568.444 сўмлик ҳақини ундириб олиш учун туман Пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамияти ва жамият раиси А.Саидовга нисбатан даъво қўзғатиб, 2001 йил 18 июлда Қарши туманлараро фуқаролик судига киритди.

Судья А.Соатов раислигида олиб борилган суд мажлисида 69.568.444 сўмлик маҳсулот ҳақи ва 130.000 сўмлик маънавий зарар 13 та фермер хўжалиги фойдасига ундириб бериладиган бўлди. Ҳал қилув қарори Нишон тумани суд қарорларини ижро этиш бўлимига юборилди.

Мана, орадан икки йилдан кўп вақт ўтди. Аммо бу ерда «ижро»чилик курсисида ўтирган Одил Бегимқуловдан «натижа нима бўлди?» дея сўрайвериб чарчадик.

2003 йил 24 сентябрь куни умид билан Қашқадарё вилояти ҳокимлигига ариза билан мурожаат этдик. Натижасини кутдик. Аммо умидларимиз сароблигича қолиб кетаверди.

Президентимиз қайси вилоятга бормасин, ишни, аввало одамларнинг аҳволи, туриш-турмуши, кайфиятини сўраб-суриштиришдан бошлайди.

Одамга алам қиладигани шуки, қишин-ёзин меҳнат қилсак-да, меҳнатимизнинг роҳатини кўролмай дашном, пўписа, сарсончилик азобини тортсак. Бизнинг айбимиз нима? Нима учун суднинг қонуний қарорини ҳал этиш чоралари кўрилмаяпти, биз пешона тери эвазига топган пулимизни қачон оламиз?

**Қашқадарё вилояти,**
**Нишон туманидаги 13 та фермер хўжалик раҳбарлари номидан**
**Юсуф АЛИҚУЛОВ**

● Жавоб

## ЧИРОҚНИ ЁҚИБ, ОЙЛАЙИНГИЗНИ ОЛИНГ!

Булоқбоши туманидаги 23-мактаб педагогика жамоасининг иш ҳақларини ўз вақтида ололмаётганлиги ва электр таъминотида узилишлар бўлаётгани тўғрисидаги аризаси Андижон вилоят прокуратураси томонидан атрофлича текширилди.

Аниқланишича, мактаб ўқитувчиларига 2003 йилнинг август—декабрь ойлари учун иш ҳақи тўланмаган. Бунга қайд этилган давр учун маблағлар молиялаштирилган бўлсада, банк нақд пул билан таъминламаганлиги сабаб бўлган.

Қонунбузарлик юзасидан «Халқ банки»нинг туман бўлимига тақдимнома киритилиб, 23-мактаб ўқитувчиларининг шу вақт оралиғида тўланмай келган 8,5 млн. сўмлик иш ҳақи ва нафақа пуллари ундириб берилди.

Шунингдек текширишда мактаб жойлашган ҳудуддаги аҳоли хонадонларини иситиш учун асосан электр энергиясидан фойдаланиб келаётганлиги, бунинг натижасида электр линияларида кучланиш ортиб кетиб таъминотдаги узилишларга сабаб бўлаётганлиги аниқланди. Бундан ташқари, баъзи хонадонларда электр энергиясидан яширинча фойдаланиб келинган, фойдаланилган электр учун вақтида пул тўланмаган, туман электр тармоқлари корхонаси ходимлари бундай қонунбузарликлар юзасидан етарли чора кўрмаган.

Электр таъминотида йўл қўйилаётган қонунбузарликлар юзасидан туман электр тармоқлари корхонаси маъмуриятига тақдимнома киритилиб, вазифасини лозим даражада бажармаган 2 масъул ходим интизомий жавобгарликка тортилди. Электрдан фойдаланиш қоидаларини бузган 2 шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, улар етказган 25.400 сўмлик зарарни ундириш ҳақида туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси киритилди.

**М.ЭМИНОВ,**
**Андижон вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи**

● Акс-садо

## БАҲСТАЛАБ НУҚТАИ НАЗАР

«Huquq» газетасининг 11 февралдаги 6-сонида «Нуқтаи назар» рукни остида чоп этилган «Айбсизлигим айбимми мening?» сарлавҳали мақолани қизиқиш билан ўқиб чиқдим ва менда «ёзувчи акамиз қонун моддалари матнига оддий меҳнаткаш нуқтаи назаридан ёндашибдида» деган таассурот пайдо бўлди.

Мен мактабда ўқиб юрган чоғларимданоқ юридик фанларга қизиқаман. Ҳозир ТДЮИда таҳсил олаяпман. Кўп бўлмаса-да, анча-мунча юридик адабиётларни ўқиб чиққанман. Юридик матнлар газета мақоласидан ёки бадиий адабиётдан бироз фарқ қилади. Тўғри, ҳали оддий талаба бўлганим учун «у ундай бўлиши керак, бу бундай бўлиши керак» деган гапларни айтишга ўзимни ҳақли деб ҳисобламайман. Аммо «Huquq», «Инсон ва қонун» газеталари, «Qonun himoyasida», «Ҳаёт ва қонун» журналларида мана шундай кишини фикрлашга, дарслик ва кодексларни қайта-қайта варақлашга чорлайдиган мақолалар тез-тез бериб борилса, биз учун юридик фаннинг мағзини чақишда жуда қўл келади, деб ўйлайман. Зеро, ҳақиқат баҳсу мунозара, тортишишлар натижасида юзага чиқади.

**А.ОДИНАЕВ,**
**ТДЮИ талабаси**

● Лўқма

## ДАРДИМИЗНИ КИМГА АЙТАМИЗ?

Таниқли хонанда Маҳмуджон Азимовнинг Мирзо Улуғбек тилидан айтилган «Мен дардимни кимга айтаман» деган ашуласи бор. Баъзан ўша ашулани эшитганимда, юрагимнинг бир томони кемтилиб, биз дардимизни кимга айтамиз, деб юборгим келади. Бизнинг дардимиз, яъни Тошкент шаҳар, Акмал Икромов тумани, 21-даҳасининг шимолий ғарбий ва 22-даҳанинг шимол ва шимолий ғарб қисмларида чапга қайрилиб кишиларнинг дарди битта. Ўқам бўлса транспорт масаласидир.

Янада аниқроқ қилиб айтганда, ушбу даҳаларнинг тилга олинган қисмлари бўйлаб шаҳар транспорти қатнови йўлга қўйилмаган. Шу сабабдан, ушбу даҳаларнинг юқорида айтилган ҳудудларида яшовчилар «Фарҳод» бозоридан ёки «Чилонзор» метросидан, шунингдек «Ватан» кинотеатридан қайтишда даҳалар жанубидан ўтган ярим айланма йўлдаги бекатларда автобус ёки троллейбуслар қайрилиб оладиган, 8, 75, 41-йўналиш автобуслари учун сўнгги бекат ҳисобланган бекатда тўпланамиз. Менга ўхшаган 15-20 киши Ғафур Ғулом таъбири билан айтганда «олис Шимолдан йўлга чиқиб, Жанубга етгунча кетади ҳолдан». Биздан ташқари, бекат ғарбида жойлашган кўзи ожизлар жамиятига қарашли коттеджларда яшайдиган акахон, опахонлар... «Москва остонаси» эса биз автобус кутадиган бекат билан бизгача бўлган бекатнинг қоқ ўртасида... Қисқаси на у ёқлик, на бу ёқлик. Биз бекатда автобус кутаверамиз, кўпгина ҳайдовчилар эса баъзан ярим йўлда қайтиб, «Москва остонаси» шоҳ бекатида писта чақиб ўтиришади.

Чархи кажрафторнинг ишини кўринг, Худо урганни пайғамбар ҳассаси билан туртади, деганларидек, яқиндан бошлаб троллейбуслар ҳам ярим йўлдан қайтадиган одат чиқаришди. Ҳаммаси эмас-у, тўрт-беш марта шу ҳолнинг гувоҳи бўлдим. Шоҳбекатга келиб, «нега бундай қиласизлар», десам ҳайдовчилар ҳазилга олиб, «тонг пайти автобусни қувиб югуриш, пиёда юриш соғлиққа фойда. Ўзи бор-йўғи ярим бекат, шунга ҳам ота гўри қозихонами?» дейишади. Тўғри гап, ўзим ҳам соғлиқни тиклаш тарафдориман, аммо бу ёқда чол-кампирлар, кўзи ожизлар бор.

Автобус, троллейбус кутганда каллага турли ғоялар келаверяпти. Биз автобус кутадиган бекат қаршисида 2 гектарга яқин бўш ётган чакалакзор бор. «Москва остонаси»ни шу ерга кўчирса қандоқ бўларкан? Бизнингча, шунда ҳаммаси қолипга тушади, қолади. Шунча дардни айтдим, яна битгасини айтай. Биз қатнайдиган 30-поликлиника, болаларимиз ўқийдиган мактаб 25-даҳанинг жанубий ғарбида, «Катта Қаҳи» маҳалласи билан ёнма-ён. Докторга учрашиш учун 3-4 чақирим пиёда йўл босиб бориш керак, чунки бу йўлдан ҳам биронта автобус, троллейбус қатнамайди. Соғ пайтингизда бу йўл унча узоқ туюлмаса-да, касал пайтингизда уни ўтиш амримаҳол, яъни яна Ғафур Ғулом домла ибораси билан айтганда:

***«Қишда ҳам жанубга етолмас ҳатто Баҳорда йўл олган сайёҳ шимолдан».***

Шуларни инобатга олиб Меҳр ва мурувват йилида шаҳримизнинг йўллар, бекатлар қурилишлари, транспорт масалаларига мутасадди ходимлари бизга бир мурувват кўрсатишар деган умидда

**Бир гуруҳ йўловчилар номидан**
**Йўлдош ПАРДА**

● Жавоб

## КАМЧИЛИК БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

**Бирлашган таҳририятимизга 2003 йил 27 декабрь куни Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 40-«в» уйда яшовчи бир гуруҳ фуқаролар бинонинг лифти 8 ойдан бери ишламаётгани ҳақида мурожаат қилган эди. Шикоятни ўрганиб, ёрдам беришни сўраб Яккасарой туман прокуратурасига юборган хатимизга 2004 йил 14 январь куни туман прокурори Б.Хўжаев имзоси билан жавоб олдик. Хатда аризада кўрсатиб ўтилган камчиликлар тўла бартараф этилганлиги ҳақида маълумот берилган.**

**2004 YIL – MEHR VA MURUVVAT YILI**

**Инсоннинг ўзи бир мўъжиза. Аллоҳ таоло унга ҳаёт ато этар экан, шу билан бирга ақл-заковат, соғлиқ берган. Тўрт мучаси соғ одам жуда кўп ишларни амалга ошириши мумкин. Ҳамма гап унинг хоҳишида. Хоҳласа яхшилик, хоҳласа ёмонлик қилади.**

**Дунёнинг ишини кўрингки, ҳар қандай яхши-ёмон амалнинг жавобини шундоқ кўз ўнгимизда кўрсатиб қўяркан.**



# МЕҲР ОШКОРА, МУРУВВАТ ПИНҲОНА БЎЛГАНИ МАЪҚУЛ

Қиқин биродаримиз оиласида ёлғиз ўғил эди. Икки опаси аллақачон турмуш қуриб, бола-чақали бўлиб кетишган. Ниҳоят ёлғиз ўғилнинг бошини икки қилиш ниятида кекса ота-онаси яқин-йироқ қариндошларнинг ҳисобини ола бошлашди. Аммо дўстимиз бироз эрка ўсган эмасми, қариндошдан ўйланмайман дея оёқ тираб олди. Қисқаси, у бўлди, бу бўлди, унинг айтгани бўлди. Ота-она ёлғиз ўғилнинг раъйига қараб, уни ўзи танлаган бир қизга уйлантиришди. Ҳаммаси тўйдан сўнг бошланди. Келин бўлмиш шаҳарлик эмасми, қишлоқ шароитига кўника олмай «шаҳарга кўчамиз» деб туриб олди. Дўстимиз «Ахир ёлғиз ўғил бўлсам, қари ота-онамни ташлаб қандай кетаман? Эл-юрт нима дейди? Бунинг устига тўйни ҳам сенинг дидингдагидек ўтказаман деб бошдан оёқ қарзга ботган бўлсак...» дея эътироз билдиради. Келин эса пинагини бузмайди: «Ну что, мана шу яшаб турган данғиллама уй-жойни сотамизда, шаҳардан квартира оламиз. Чол-кампирни ҳам олиб кетамиз. Ортган пулга эса қарзни узамиз». Аввалига бу таклиф дўстимизни ўйлантириб қўйди. Сўнг отаси билан маслаҳатлашишга қарор қилди. Бу гапни эшитган отанинг эса фиғони кўкка ўрлади.

— Мен шунча йил мана шу маҳалланинг нон-тузини тотдим. Шу ҳовли-жойни ёлғиз ўғлим учун обод қилдим. Эртага дунёни тарк этсам, ўғлим мана шу ҳовлида чироғимни ёқиб ўтиради дея орзу қилдим. Энди қариган чоғимда шунча меҳнатим, орзуларимни ташлаб кетишимни истайсанми?

Кекса отанинг қаршилигига қарамай, ўғил барибир айтганини қилди. Чол-кампир эл-юрт оғзида гап-сўз бўлишдан қўрқиб ноилож арзандасининг ортидан шаҳарга кўчиб боришди. Аммо кенг ҳовли, маҳалла-кўйга ўрганган кексаларнинг кўнглига шаҳарнинг тўрт томони бетон квартираси торлик қиларди.

Аммо бу ҳали ҳаммаси эмасди. Энди келиннинг кунда-кунора қиладиган хархашаларига ҳам чидашга тўғри келарди. Чол-кампир уч ҳонали квартиранинг битта хонасига бикиниб олиб ўтган умрини сарҳисоб қилиш билан бирга, арзандасининг сўзига кириб шаҳарга кўчиб келганларига минг-минг пушаймонлик ҳиссини тўйиб яшашарди. Бу орада кампирнинг тоби қочди. Ўззу-кун қайнотаси олиб берган машинада киракашлик қиладиган нобакор ўғил тун ярмида уйга кириб келар, «чарчагани» боис онасидан ҳол сўрашга ҳам ҳафсала қилмай хонасига йўл оларди. Келин бўлмиш эса ишдан қайтиб бир коса овқатни беморнинг олдига минг писанда билан қўйишгагина ярарди, холос. Бундай ҳолатдан кекса отанинг қалби изтироб чекар, кампирнинг тобора оғирлашиб бораётганидан азобланарди.

Кунларнинг бирида чол-кампирни кўргани қизлари таширф буюрди. Хархашаси ижобат бўлган боладай бу таширфдан икковининг ҳам кўнгли ёришиб кетди. Улар аҳволни билдирмасликка ҳарчанд уринишмасин қизлари барчасини сезиб бўлишганди. Хуллас, воқеа шу даражага бориб етдики, қизларидан бири ота-онасини ўз уйига олиб кетадиган бўлди. Аввалига чол-кампир қуёвнинг уйига боришдан орланишди. Бироқ шунча пайтдан буён бу гапларга томошабин бўлиб ўтирган ўғилнинг қилиғи сабабми, ишқилиб рози бўлишди. Чол-кампирни ота-онасидан эрта айрилган кенжа қуёв уйига олиб кетди. Нобакор ўғил келиннинг ишораси боис ота-онасини остонадан нари ўтиб кузата олмади.

Ёлғиз ўғлининг бир оғиз «Ҳой, қаёққа кетяпсизлар? Қолинглар!» деган сўзига зор бўлиб машинага ўтирган онанинг сўнгги илинж билан ортига мунгли термулганини кўриш азоб эди...

...Орадан ҳеч қанча вақт ўтмади. Қўнғироқ чалиниб, эшикни очган ўғил остонада бир ҳолда турган отасини кўриб аллақандай бўлиб кетди.

— Онанг ўлим тўшагида ётибди. Шунча вақтдан буён йўқлашга ярамадинг, аблаҳ! Наҳотки, сени биз дунёга келтирган бўлсак? Сен туғилган куни ўлсам, шу кунларни кўрмаган бўлмасмидим? Юр, онанг сени йўқлаяпти...

Отанинг кўзига ёш тўлди. Бир киприк қоқса юзини юварди. Аммо бу ёшни ҳалитдан бери қаққайиб турган оқпадар ўғлига кўрсатишни истамади. Секин бурилиб, ортига қайтди. Ўғил узоқ ўйлаб ўтирмади. Ўша куннинг ўзида онасининг олдига борди. Онаизор ўғлининг ташрифидан суюнди. Ҳатто дардини бироз унутгандек бўлди.

— Болам, мени уйингга олиб кет. Қўлингда жон берай. Тобутим қуёвникидан чиқмасин. Қизим ҳам, қуёвим ҳам яхши. Лекин сеникида жон берсам дейман...

Ўғилдан садо чиқмади. Хотинининг уйдан чиқар чоғи «ё мени денг, ё онангизни» деган сўзлари қулоғи остида жаранглади. Ўғил кетди. Она унинг виждонсизлигидан баттар азоб чекди. Аҳволи тобора оғирлашди. Аммо бутунлай ҳолдан тойиб, кўзлари кўрмай қолганда ҳам ўғлини сўрашни канда қилмасди. Шунда қизлар, қуёвлар маслаҳатлашиб бир йигит ва қизни ўғли ва келини ўрнига онанинг бошига олиб киришди. Она барибир ненидир сезди. Оҳиста лабларини қимирлатиб нималарнидир шивирлади ва кўз юмди. Унинг кетидан камтарин ота ҳам вафот этди.

Нобакор ўғилнинг кўзи энди очилди. Аммо энди кеч бўлган эди. Уни кеча-ю кундуз виждон азоби қийнар, энг мудҳиш хатога йўл қўйганидан тўлғониб чиқарди. Охир-оқибат ўйланавериб телба бўлиб қолди. Кўча-кўйда унинг увада уст-бош кийиб олган кўйи «Отаси ўлмаган ким бор, онаси ўлмаган ким бор» дея нола қилиб юрганини кўришарди.

Телба эрдан аллақачон воз кечган келиннинг ҳам ишлари ортга кетаётган эди. Боши ташвишдан чиқмай қолди. Бир неча фарзандидан айрилиб, ёлғиз ўғил билан қолди. Аммо у ҳам энди онасига қўл кўтариб, бошига оғир кунларни солмоқда экан.

Фожеага сабаб нима? Аввало ота-она фарзандини шу қадар эркалатиб, талтайтириб ўстирган эдики, алал-оқибат бу уларга қиматга тушди. Ота-оналар фарзанд қалбига меҳр-муҳаббат уруғларини экишса, каттага ҳурмат, кичикка иззат руҳида тарбияласа бу каби ҳодисалар камайган бўлармиди? Доно халқимиз бежизга «Нима эксанг, шуни ўрасан» демаган.

Хотинининг пинжига кириб олиб, ота-онасининг ҳолидан хабар олишга ярамаган, ўткинчи дунёнинг ҳою ҳавасларига берилиб яшаётган виждонсиз ўғиллар орамизда йўқ эмас. Уларни инсофга чақириш, керак бўлса маҳаллада муҳокама қилиш кўпчиликнинг вазифаси.

* * *

Ҳакимжон ака билан илк бор 1999 йилда танишганман. Сирдарёлик бу инсон мен ижарада турган хонадон соҳибининг акаси экан. Қарийб 30 йил хўжаликда тракторчи бўлиб ишлаган Ҳакимжон ака Чернобил ҳалокати оқибатини бартараф этиш ишларида қатнашган. Ўша 1999 йили у киши Тошкентга буйрагини операция қилдириш учун келган экан. Кейин эшитишимча, унинг чап буйрагини олиб ташлаб, ўнг буйрагини учдан бир қисми ишлаётгани боис қолдиришган. Аммо пешоб чиқиш канали беркилиб қолгани сабабли буйракдан ташқарига махсус резина шланг улаб қўйишди. Шундан сўнг Ҳакимжон ака ҳар икки ойда ана шу махсус пакетга уланган шлангни алмаштириш учун пойтахтдаги республика урология марказига келиб-кетиб юради. Мен уни анчагача, аниқроғи 2003 йил октябрь ойига қадар кўрмадим. Тақдир тақозоси билан яна Тошкентда учрашиб қолдик.

— Бир ҳафтадан буён янгганг билан шифтга термулиб ётибман. Ордер ололмадик. Тўғри, айб ўзимизда. Бироз кечикиб келдик. Шу сабабли октябрь ойи лимитидан бенасиб қолдик. Ўзинг тушунасан, қишлоқчилик. Бироз пулдан қисилиб, вақтида кела олмадим.

Ҳакимжон аканинг қўлидаги бир парча қоғозни олиб ўқийман:

***«Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ТЕТКББ бошлиғи Ш.Ҳошимовга.***

***Сирдарё вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси Сиздан бемор, 1-гуруҳ ногирони (гувоҳнома №022373) Маматқулов Ҳакимжон (1950 й.)ни ўнг ягона буйрак найи пастки 1/3 қисми структураси, ўнг томонлама нефрастома, уретранинг мембраноз қисми облитерацияси, СБЕ диагнози билан Республика урология марказида октябрь ойи лимити ҳисобига бепул даволаниш учун ордер билан таъминлашингизни сўрайди.***

***Бошлиқ муовини Ф.Шерназаров».***

2003 йил 15 октябрь санаси қўйилган ушбу хат билан Ҳакимжон ака бор-йўғи бир ҳафта кечикиб Республика урология марказига мурожаат этади. Аммо ушбу ой учун ажратилган лимит 20 октябрда тугаганлиги боис у кишига ёрдам кўрсатилмайди. Хуллас, ногирон эр хотини билан пойтахтдаги ижара уйда қарийб 10 кун қолиб кетади.

Турмуш ўртоғининг қийналаётганини кўриб чидай олмаган янгамиз охири Соғлиқни сақлаш вазирлигининг муовинларидан бирининг олдига кириша муваффақ бўлади. Натижада Ҳакимжон акани бошқа бир касалхонага юборишади, ўша ерда операция қилиниб, махсус шланг алмаштирилади...

...Яқинда эшитиб қолдим. Ҳакимжон ака уйга қайтгач бир ой ўтар-ўтмас оламдан ўтибди. Бошқача бўлиб кетдим. Наҳотки, аллақандай бир парча қоғоз туфайли бутун бошли инсон ўлиб кетаверса? Ҳакимжон ака илк бор урология марказига мурожаат этганида унга кейинги, яъни ноябрь ойи лимити билан истисно тарзида ёрдам беришса бўлар эди-ку? Ҳар ҳолда у шу чоққача ҳам бу каби бепул имтиёздан фойдаланиб келган-ку?!

Билмадим, балки мен дўхтирларнинг ишини унчалик тушунмасман, қилинган ҳар бир иш ҳужжатлаштирилиши, расмий тартибларга риоя этилиши керакдир, бироқ дунёда меҳр-мурувват, виждон, инсонпарварлик деган тушунчалар ҳам бор-ку! Эҳтимол Ҳакимжон акага вақтида ёрдам кўрсатиб борилганида ҳам у унчалик кўп яшамаслиги мумкин эди. Бироқ бу ҳолатда аёли ва бола-чақасининг назарида унинг ўлимига айнан ўз вақтида кўрсатилмаган кўмак сабабчи бўлган. Тағинам билмадик...

* * *

Меҳр-мурувват ҳақида соатлаб ваъз айтиш мумкин. Бугун халқимизга хос бўлган бу фазилат давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айни кунларда жойларда ҳар хил мурувват тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Бу ҳақда ОАВ кунда-кунора мақола ва кўрсатувлар бериб бораяпти. Тўғри, бундан кўзланган мақсад одамларни мурувватли бўлишга чорлаш, бир-бирларига меҳр, муҳтожларга мурувват кўрсатишга даъват этишдир. Бироқ, назаримизда, масаланинг иккинчи жиҳати ҳам бор. Кўнгил дегани жуда нозик нарса. Бировга яхшилик қилиб, мен шу ишни қилдим деб айтиш шартмикан? Буни эшитиб ўша муҳтож кишиларнинг дили оғримасмикан?

Қолаверса, халқимизда ўнг қўлинг қилган савоб ишни чап қўлинг билмасин деган гап бор. Мурувватдан мақсад савоб экан, Аллоҳ ҳаммасини кўриб турибди ва албатта бунинг ажрини беражак. Демоқчиманки, меҳр ошкора, мурувват пинҳона бўлгани маъқул. Меҳрни ҳар ким, ҳар куни, ҳар кимга кўрсатиши мумкин. Лекин мурувват кўрсатиш, муҳтожларга кўмак бериш, камбағалларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳамманинг ҳам қурби етавермайди. Бунинг устига қурби етган ҳар ким ҳам бу ҳақда қайғуравермайди.

Мен бир амалдорни биламан. Уйининг ёнидан қурган иморатининг ҳайбатидан ваҳимага тушасиз. Аммо девор-дармиён қўшнисининг девори деразасигача зах босиб ётибди. Уйида ҳафтада икки-уч бор қозон ё қайнайди, ё йўқ. Бояги амалдор ҳар куни унинг нураб бораётган уйига нигоҳи тушиб, ўзининг данғиллама кошонасига кириб кетади. Худо дилига солмаса, қийин экан-да. Агар ўзи солаётган иморатдан тўртта ғиштни қўшнисига илинса унинг давлати камайиб қолмайди. Йўқ, у бойлик, амал бевафо нимарсалар эканини ҳеч қачон тан олгиси келмайди. Қуш уясида кўрганини қилади. Бу оилада вояга етган фарзандлар ҳам яхшилик, бировга саховат кўрсатиш у ёқда турсин, маҳалла кексаларига ҳам кибрли назар билан қарашга ўрганиб қолишган.

Бошқа бир ҳолат. Икки қўшни бор. Бирининг ҳовлисида узум яхши ҳосил беради. Бошқасиникида эса гилос. Пишиқчилик даврида улар бир-бирларини узуму гилос билан сийлайдилар. Юзаки қараганда, бу кичик нарса бўлиб кўринса ҳам, аслида замирида меҳр-муҳаббатдан бунёд бўлган ўзаро ҳурмат мужассам. Уларнинг меҳр-оқибатли қўшничилик анъаналари фарзандларига мерос бўлиб қолмоқда ва бошқа хонадонлар улардан ўрнак олмоқдалар.

* * *

Маълумки, ўлимнинг ўзи фожеа эмас. Чунки эртами-кечми ҳаммамиз бу фоний дунёни тарк этамиз. Аммо ўлимнинг фожеалилиги шундаки, у одамларга яхшилик қилиш имкониятига нуқта қўяди. Шундай экан, умримизнинг олтин онларини одамларга яхшилик қилишга, меҳр ва мурувват кўрсатишга сарф этиш учун шошайлик. Бу эса чинакам ўзбекка хос олижаноб фазилатдир. Токи бу сифат биздан сўнг ўсиб келаётган авлодларга ҳам мерос бўлиб қолсин.

**Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ,**
**«HUQUQ» муҳбири**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг*

*ҚАРОРИ*

**Янги таҳрирдаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Янги таҳрирдаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати (Ш.Мирзиёев) ўз қарорларини янги таҳрирдаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ҳамда бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 11 декабрь.

*24*

Буклаш чизиғи

*Ўзбекистон Республикасининг*

*ҚОНУНИ*

# ВАЛЮТАНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

(янги таҳрири)

*(«Халқ сўзи» газетасининг 2004 йил 12 февраль сонидан олинди).*

Кирқиш чизиғи

қишлари мумкин.

Резидент ҳамда норезидент юридик шахслар томонидан нақд чет эл валютаси ва миллий валютани олиб кириш ҳамда олиб чиқиш бўйича операцияларни амалга ошириш тақиқланади, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва ваколатли банклар бундан мустасно.

Ваколатли банклар томонидан нақд чет эл валютаси ва миллий валютани олиб кириш ҳамда олиб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсатномаси бўлган тақдирда амалга оширилади.

Резидент ва норезидент жисмоний шахсларнинг нақд миллий валютани олиб кириши ҳамда олиб чиқиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**20-модда. Валютани назорат қилувчи органлар**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикасида валютани назорат қилувчи органлардир.

Ўзбекистон Республикасида резидентлар ва норезидентлар томонидан амалга оширилаётган валюта операцияларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини валютани назорат қилувчи органлар ўз вако-

*22*

Буклаш чизиғи

*Ўзбекистон Республикасининг*

*ҚОНУНИ*

**ВАЛЮТАНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

(янги таҳрири)

**1-модда. Ушбу Қонунинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси ҳудудида валюта операцияларини амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Валюта бойликлари**

Чет эл валютаси, чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар, чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари ва соф қуйма олтин валюта бойликлари ҳисобланади.

Чет эл валютаси муомалада бўлган ҳамда хорижий давлатда қонуний тўлов воситаси ҳисобланган банкнотлар, хазина билетлари

*3*

Кирқиш чизиғи

лар (агентлар) томонидан кўрсатилаётганда комиссионерлар (агентлар) ва комитентлар (принципаллар) ўртасида амалга ошириладиган операцияларда;

Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилаётган ёки Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган юкнинг транзити, уни ташиш билан боғлиқ хизматлар экспедитор, ташувчи ва фрахтчи томонидан кўрсатилаётганда транспорт экспедицияси, ташиш ҳамда чартер (фрахтлаш) шартномалари бўйича операцияларда;

қимматли қоғозларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда сотиб олиш ва сотишда;

резидентлар томонидан резидентлар ҳамда норезидентлардан пластик тўлов ва кредит карточкалари бўйича тўловларни қабул қилишда;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суғурта ва қайта суғурта шартномалари бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда;

қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда.

**19-модда. Нақд чет эл валютаси ва миллий валютани олиб кириш ҳамда олиб чиқиш**

Жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига нақд чет эл валютаси-

*20*

Буклаш чизиғи

надиган хориждаги дипломатия ҳамда бошқа ваколатхоналари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ташкилотларининг чет элдаги, хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари.

**5-модда. Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари**

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари (бундан буён матнда норезидентлар деб юритилади) дейилганда ушбу Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ резидентлар жумласига кирмайдиган шахслар тушунилади.

**6-модда. Валюта операциялари**

Валюта операцияларига қуйидагилар киради:

валюта бойликларига бўлган мулк ҳуқуқининг ва бошқа ҳуқуқларнинг ўзга шахсга ўтиши ҳамда валюта бойликларини тўлов воситаси сифатида ишлатиш билан боғлиқ операциялар;

валюта бойликларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва жўнатиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш ва жўнатиш;

халқаро пул жўнатмаларини амалга ошириш;

резидентлар ва норезидентлар ўртасида миллий валютадаги операциялар.

*5*

Кирқиш чизиғи

шунингдек хорижий ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасида хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатли банкларда миллий валютада ва чет эл валютасида ҳисобварақлар очишга ҳамда улардан фойдаланишга ҳақлидир.

Ваколатли банкларнинг вакиллари бўлган чет эл банклари ваколатли банкларда миллий валютада ва чет эл валютасида вакиллик ҳисобварақлари ҳамда бошқа ҳисобварақлар очиш ҳуқуқига эга.

**18-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасида ҳисоб-китоблар ва тўловлар**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча ҳисоб-китоблар ва тўловлар миллий валютада амалга оширилади, ушбу моддани иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳисоб-китоблар ва тўловларни чет эл валютасида амалга оширишга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кредитларни олиш ва қайтаришда;

ваколатли банклардаги омонатларга пул маблағлари қўйишда, омонатлар бўйича фоизлар тўлашда;

*18*

Буклаш чизиғи

ментлар тўлаш;

ходимларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига хизмат сафарига юбориш билан боғлиқ харажатларни тўлаш;

таълим ва даволаниш учун ҳақ тўлаш;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатия ва бошқа ваколатхоналари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро ёки ҳукуматлараро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхоналари таъминоти учун ҳақ тўлаш;

нотариал ва тергов ҳаракатлари билан боғлиқ тўловлар, шунингдек бундай ҳаракатларни амалга ошириш ва ишларни судларда кўриш муносабати билан давлат божи тўлаш;

суднинг, арбитражнинг, шунингдек тергов ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қарорлари асосида пул маблағлари тўлаш;

халқаро конгресслар, симпозиумлар, конференцияларда, спорт ва маданий тадбирларда, шунингдек бошқа халқаро учрашувлар, кўргазмалар ва ярмаркаларда иштирок этганлик учун тўловлар, инвестиция билан боғлиқ ва моддий харажатлар бундан мустасно;

дафн қилиш билан боғлиқ тўловлар;

муаллифлик ҳақини тўлаш, патент божларини тўлаш ва интеллектуал мулк соҳаси-

*7*

Кирқиш чизиғи

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ҳисоботи ҳамда бошқа ҳисобот мақсадлари учун, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида божхона ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш учун миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини мунтазам равишда белгилаб боради.

**16-модда. Резидентларнинг ҳисобварақлари**

Резидентлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатли банкларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибда чет эл валютасида ҳисобварақлар очишлари мумкин.

Резидент юридик шахсларнинг чет эл валютасидаги маблағлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатли банклардаги валюта ҳисобварақларида сақланади ва улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда фойдаланилади.

Резидент юридик шахслар томонидан олинадиган чет эл валютаси, шу жумладан товарлар (ишлар, хизматлар) экспортидан олинган валюта тушуми, агар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқача қоида белгилаган бўлмаса, уларнинг ваколатли банклардаги ҳисобварақларига ўтказилиши шарт.

*16*

Буклаш чизиғи

тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни амалга ошириш муносабати билан олинган ҳуқуқлардан фойдаланиш чекловларсиз амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ва бошқа ваколатхоналари эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарида кўчмас мулк объектларини олиш ва уларни қуриш бўйича капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида норезидентлар томонидан кўчмас мулкни олиш ва сотиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар сотиб олиниши, шунингдек резидентлар чиқарган қимматли қоғозларнинг норезидентлар томонидан сотиб олиниши тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш бўйича ваколатли давлат органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда белгиланади.

Ушбу моддани иккинчи — бешинчи

*9*

Кирқиш чизиғи

**12-модда. Валюта операцияларини амалга оширишга доир чекловлар**

Валюта операцияларини амалга оширишга доир чекловлар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ҳамда терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида белгиланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки иқтисодий хавфсизликка таҳдид юзага келганда валюта операцияларини амалга оширишни вақтинча тўхтатиб қўйишга ёки уларга доир чекловлар жорий этишга ҳақли.

**13-модда. Жисмоний шахсларнинг валюта бойликлари ва улардан фойдаланилиши**

Жисмоний шахслар:

ўз мулкида Ўзбекистон Республикасига олиб кирилган, ўтказилган ёки жўнатилган, Ўзбекистон Республикасида олинган ёки сотиб олинган валюта бойликларига эга бўлишга;

ваколатли банкларда ва уларнинг филиалларида чет эл валютасида ҳисобварақлар очиш ҳамда омонатлар қўйишга;

банк ҳисобварақларини очган ҳолда ёки бундай ҳисобварақларни очмай туриб халқаро пул жўнатмаларини амалга оширишга;

валюта бойликларини қонун ҳужжатла-

*14*

Буклаш чизиғи

Валютани тартибга солувчи давлат органи ўз ваколатлари доирасида:

Ўзбекистон Республикасида чет эл валютасининг ҳамда чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларининг муомаласи тартибини белгилайди;

миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини аниқлаш механизмини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги банкларда норезидентлар томонидан миллий валютада ҳамда резидентлар ва норезидентлар томонидан чет эл валютасида ҳисобварақлар очиш ва уларни юритиш тартибини белгилайди;

резидент юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги банкларда ҳисобварақлар очиш тартибини белгилайди;

резидентлар ва норезидентлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида миллий валютада чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш тартибини белгилайди;

Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида барча турдаги валюта операцияларини амалга ошириди;

чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш учун банкларга лицензиялар беришнинг умумий қоидаларини белгилайди, бундай лицензияларни беради ва чақи-

*11*

*Ўзбекистон Республикасининг*

*ҚОНУНИ*

## «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган **«Валютани тартибга солиш тўғрисида»**ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №5, 225-модда; 1994 йил, №11, 285-модда) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 11 декабрь.

2

ва тангалар кўринишидаги чет эл пул белгилари, муомаладан чиқарилган ёки чиқарилаётган ҳамда худди шу хорижий давлатнинг пул белгиларига алмаштирилиши лозим бўлган чет эл пул белгилари, шунингдек ҳисоб варақларда ва омонатларда бўлган хорижий давлатларнинг пул бирликларидаги ҳамда халқаро пул ёки ҳисоб-китоб бирликларидаги маблағлардир.

Чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ёки хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар жумласига киритилган, қиймати чет эл валютасида ифодаланган пул ҳужжатларидир.

**4-модда. Ўзбекистон Республикасининг резидентлари**

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари (бундан буён матнда резидентлар деб юритилади) қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида рўйхатдан ўтган юридик шахслар;

Ўзбекистон Республикасининг иммунитет ва дипломатик имтиёзлардан фойдала-

4

Буклаш чизиғи

ни олиб кириши чекловларсиз амалга оширилади.

Резидент жисмоний шахслар нақд чет эл валютасини олиб чиқиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатмасдан қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордаги нақд чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасидан бир йўла олиб чиқишлари мумкин.

Қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ортиқ бўлган нақд чет эл валютасининг резидент жисмоний шахслар томонидан олиб чиқилиши уларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки ваколатли банклар томонидан бериладиган, Ўзбекистон Республикасидан нақд чет эл валютасини олиб чиқиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлган тақдирда амалга оширилади.

Норезидент жисмоний шахслар:

божхона декларациясига мувофиқ олиб кирилган нақд чет эл валютаси миқдоридаги нақд чет эл валютасини;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва ваколатли банклар томонидан бериладиган, уларнинг нақд чет эл валютасини олиб чиқиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлган тақдирда эса олиб кирилган нақд чет эл валютасидан кўп бўлган миқдордаги нақд чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасидан бир йўла олиб чи-

21

Қирқиш чизиғи

латлари доирасида белгиланган тартибда назорат қиладилар.

**21-модда. Валюта операциялари бўйича ҳисобот**

Валюта операциялари бўйича ҳисобот тақдим этиш тартибини, ҳисоботнинг турлари, шакли ва уни тақдим этиш муддатларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валютани назорат қилувчи бошқа органлар билан биргаликда уларнинг ўз ваколатлари доирасида белгилайди.

Норезидентларнинг валюта операциялари бўйича ҳисобот тақдим этишига доир талаблар валюта операцияларининг фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилган қисмига нисбатан белгиланиши мумкин.

Жисмоний шахслар чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича ҳисобот тақдим этмайдилар.

**22-модда. Низоларни ҳал қилиш**

Валюта операцияларини амалга ошириш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

**23-модда. Валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

23

Буклаш чизиғи

Қирқиш чизиғи

даги лицензия шартномаларининг мажбуриятлари бўйича ҳақ тўлаш;

халқаро нотижорат ташкилотларига бадаллар;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланадиган бошқа операциялар.

Жорий халқаро операциялар ва чет эл валютасини улар билан боғлиқ ҳолда сотиб олиш ёки сотиш чекловларсиз амалга оширилади.

**8-модда. Капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари**

Капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларига жорий халқаро операциялар ҳисобланмайдиган барча операциялар, шу жумладан:

инвестиция фаолиятини амалга ошириш;

кредитлар олиш ва бериш, лизинг операцияларини амалга ошириш;

кўчмас мулкни сотиб олиш ва сотиш;

хорижий давлатлардан маблағларни ҳисобварақлар ва омонатларга жалб этиш ҳамда хорижий давлатларда маблағларни ҳисобварақлар ва омонатларга жойлаштириш киради.

Ўзбекистон Республикасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва уларни репатриация қилиш, шунингдек

8

Буклаш чизиғи

Резидент юридик шахслар Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги банкларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибда миллий валютада ва чет эл валютасида ҳисобварақлар очишга ҳамда улардан фойдаланишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикасининг резидент жисмоний шахслари, дипломатия ва бошқа ваколатхоналари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ташкилотларининг чет элдаги, хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳисобварақлар очишига ҳамда бу ҳисобварақлардан фойдаланишига уларнинг фақат хорижда бўлиши ва фаолият кўрсатиши даврида йўл қўйилади. Уларнинг чет элда бўлиши ёки фаолият кўрсатиши тугагач, ҳисобварақлар ёпилиши лозим, ҳисобварақлардаги маблағларнинг қолдиқлари эса Ўзбекистон Республикасига ўтказилади.

**17-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида норезидентларнинг ҳисобварақлари**

Ўзбекистон Республикасида вақтинча турган норезидент жисмоний шахслар, иммунитет ҳамда дипломатик имтиёзлардан фойдаланадиган чет эл дипломатия ва бошқа расмий ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар ҳамда уларнинг филиаллари,

17

Қирқиш чизиғи

Валюта операциялари жорий халқаро операцияларга ҳамда капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларига бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида соф қуйма олтин муомаласи тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**7-модда. Жорий халқаро операциялар**

Жорий халқаро операцияларга қуйидагилар киради:

ташқи савдо, бошқа жорий фаолият олиб борилиши, шу жумладан хизматлар кўрсатилиши муносабати билан, шунингдек одатдаги қисқа муддатли банк ва кредит механизмлари ишлаши муносабати билан тўланиши зарур барча тўловлар;

фоизлар ва бошқа даромадлар кўринишида, шу жумладан банк омонатлари, кредитлар ҳамда лизинг бўйича олинадиган фоизлар ва бошқа даромадлар шаклида, шунингдек бошқа инвестициялардан олинадиган соф даромад шаклида тўланиши зарур тўловлар;

кредитларни, қарзларни узиш учун ёки тўғридан-тўғри инвестициялар амортизацияси учун мақбул суммаларни тўлаш;

савдо билан боғлиқ бўлмаган пул жўнатмаларининг мақбул суммалари.

Савдо билан боғлиқ бўлмаган пул жўнатмаларига қуйидагилар киради:

иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар, али-

6

Буклаш чизиғи

банкнинг чет эл валютасидаги операциялар бўйича воситачилик ҳақини ундиришда;

чет эл валютасида ифодаланган банк кафолатларини бериш ва улар юзасидан тўловларни амалга оширишда;

ваколатли банклар, уларнинг филиаллари ва айирбошлаш шохобчалари орқали чет эл валютасини сотиб олиш ва сотишда;

юридик шахсларнинг устав фондига (устав капиталига) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда валюта бойликларини киритишда;

хайрия мақсадларида амалга ошириладиган операцияларда;

мерос ҳуқуқи бўйича валюта бойликларини олишда;

божсиз савдо дўконларидаги ҳисоб-китоблар, шунингдек халқаро йўналишларда ташишда транспорт воситаларининг қатнов йўлларида йўловчиларга товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатишдаги ҳисоб-китоблар билан боғлиқ операцияларда;

норезидентлар билан товарларни бошқага ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, ахборотни, интеллектуал фаолият натижаларини, шу жумладан уларга бўлган мутлақ ҳуқуқларни бошқага ўтказиш тўғрисида шартномалар тузиш ва уларни бажариш билан боғлиқ хизматлар комиссионер-

19

Қирқиш чизиғи

риб олади, шунингдек банклар фаолиятини назорат қилади ва тартибга солиб туради;

жорий халқаро операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган одатдаги қисқа муддатли банк ва кредит механизмлари муддатининг чегарасини белгилайди;

кредитларни, қарзларни узиш учун ёки тўғридан-тўғри инвестициялар амортизацияси учун тўловларнинг мақбул суммалари миқдорини белгилайди;

чет эл валютаси билан боғлиқ бўлган ҳосила молиявий воситалар билан операциялар ўтказиш тартибини белгилайди;

капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга ошириш тартибини белгилайди;

ваколатли банклар реестрини юритади ва эълон қилади;

ваколатли банклар учун очиқ валюта мавқеи лимитларини белгилайди;

қабул қилинган халқаро стандартларга мувофиқ валюта операциялари статистикасини тайёрлайди ва эълон қилади;

чет эл валютасидаги тушумнинг бир қисмини резидентлар томонидан мажбурий тарзда сотишнинг миқдори ва тартибини белгилайди;

валютани тартибга солиш масалалари бўйича барча юридик ва жисмоний шахслар бажариши мажбурий бўлган норматив ҳуж-

12

Буклаш чизиғи

жатлар қабул қилади, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**11-модда. Ваколатли банклар**

Чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган банклар ваколатли банклардир.

Ваколатли банклар:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида очиқ валюта мавқеи лимити доирасида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича, шу жумладан ҳосила молиявий воситалар асосида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича бевосита ўзаро, ўз мижозлари билан ҳамда валюта биржалари орқали, шунингдек халқаро бозорларда операцияларни амалга оширишга;

Ўзбекистон Республикасининг банкларида ва чет эл банкларида вакиллик ҳисобварақларига ҳамда бошқа ҳисобварақларга эга бўлишга;

нақд чет эл валютасини ҳамда чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларини жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш операцияларини амалга ошириш учун айирбошлаш шохобчаларини очишга ҳақлидир.

Ваколатли банклар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13

Қирқиш чизиғи

қисмларида назарда тутилмаган капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари резидентлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилайдиган тартибда амалга оширилади.

**9-модда. Чет эл валютаси билан боғлиқ бўлган ҳосила молиявий воситалар**

Чет эл валютаси билан боғлиқ бўлган ҳосила молиявий воситалар (валюта деривативлари) чет эл валютаси олди-сотдиси бўйича шартномалар бўлиб, уларда белгиланган мажбуриятлар муайян муддат ўтгач ёки чет эл валютасининг қийматига ёхуд унинг курси ўзгаришига боғлиқ равишда бажарилиши мумкин.

Чет эл валютаси билан боғлиқ бўлган ҳосила молиявий воситалар бўйича операциялар:

ваколатли банклар томонидан ўзаро ёки чет эл банклари билан чекловларсиз, очиқ валюта мавқеи лимити доирасида;

агар шартнома тузиш жорий халқаро операцияларни ўтказиш билан боғлиқ бўлса, банкларнинг мижозлари томонидан ваколатли банклар орқали амалга оширилади.

**10-модда. Ўзбекистон Республикасининг валютани тартибга солувчи давлат органи**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикасида валютани тартибга солувчи давлат органидир.

10

Буклаш чизиғи

рида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасига ўтказиш, олиб кириш ва жўнатишга, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан ўтказиш, олиб чиқиш ва жўнатишга;

валюта бойликларидан қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда фойдаланишга;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишга ҳақли.

**14-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш:

юридик шахслар томонидан ваколатли банклар орқали;

жисмоний шахслар томонидан ваколатли банклар, уларнинг филиаллари ва айирбошлаш шохобчалари орқали амалга оширилади.

**15-модда. Миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курси**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича операциялар миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан чет эл валютасига бўлган талаб ҳамда таклифнинг жорий нисбати асосида шаклланадиган алмашув курси бўйича амалга оширилади.

15

**XXVII.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, №1–2, 12-модда) билан тасдиқланган янги таҳрирдаги **Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низомнинг:**

1) **5-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. 1, 2 ва 3-даражали адлия маслаҳатчиси, шунингдек 1, 2 ва 3-даражали юрист мансаб даражаларини:

умумий юрисдикция судлари аппарати ходимларига – Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси;

хўжалик судлари аппарати ходимларига – Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси беради»;

2) **8-моддасидаги** «ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **12** ва **13-моддаларидаги** «Ўзбекистон Республикаси адлия вазири» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 11 декабрь.

*48*

Буклаш чизиғи

*Ўзбекистон Республикасининг*

*ҚОНУНИ*

# Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*(«Халқ сўзи» газетасининг 2004 йил 13февраль сонидан олинди).*

Қирқиш чизиғи

ёғочсозлик, мебель саноати ҳамда қурилиш материаллари саноатидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан юз киши;

машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан эллик киши;

фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма беш киши бўлган кичик корхоналар.

Кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади. Бунда унитар (шўъба) корхоналарда, филиалларда ва ваколатхоналарда ишловчиларнинг сони ҳам ҳисобга олинади.

Фаолиятнинг бир неча турини амалга оширувчи (кўп тармоқли) юридик ва жисмоний шахслар йиллик оборот ҳажмида улуши энг кўп бўлган фаолият тури мезонлари бўйича кичик тадбиркорлик субъектларига киради»;

2) **17-моддасининг иккинчи қисмидаги** «ва ўрта» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**XXVI.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган **«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси

*46*

Буклаш чизиғи

мазмундаги **«т»** ва **«у» кичик бандлар** билан тўлдирилсин:

«т) қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари – тайёрлов ва хизмат кўрсатув ташкилотлари томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги билан боғлиқ даъволар юзасидан;

у) туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари – қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларини кўзлаб киритилган даъволар юзасидан».

**III.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган **«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №5, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, №4–5, 126-модда; 1998 йил, №9, 181-модда; 2000 йил, №7–8, 217-модда; 2001 йил, №1–2, 23-модда):

1) **5-моддасининг:**

**номи** ва **матнидаги** «Кенгашининг» деган сўз «Мажлисининг» деган сўз билан алмаштирилсин;

**иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларни қабул қилиш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш»;

2) **6-моддасининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«сув фонди ҳосил қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини, шунингдек сувдан фойдаланишнинг меъёрлари ва лимитларини тасдиқлаш тартибини белгилаш»;

3) **30-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«30-модда. Сувдан лимит бўйича**

*3*

Қирқиш чизиғи

ёки тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) маблағ бўлмаган ёхуд етарли бўлмаган тақдирда, ундирилиши лозим бўлган суммалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда давлат томонидан тўланади. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) фермер хўжаликлари этиб қайта ташкил этилган ҳолларда, мазкур суммалар қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) маблағ бор ёки йўқлигидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига мувофиқ тўланади»;

**учинчи қисми** тегишинча **тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин.

**XX.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Фермер хўжалиги тўғрисида»**ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, №5–6, 86-модда; 2001 йил, №1–2, 23-модда, №5, 89-модда) **35-моддаси** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ходимнинг меҳнат мажбуриятларини бажариши муносабати билан унинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун жавобгар бўлган қайта ташкил этилаётган ёки тугатилаётган фермер хўжалигида маблағ бўлмаган ёхуд етарли бўлмаган тақдирда, ундирилиши лозим бўлган суммалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда давлат томонидан тўланади».

**XXI.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Деҳқон хўжалиги тўғрисида»**ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий

*42*

Буклаш чизиғи

8-модда, №9-10, 149-модда):

1) **50-моддаси:**

**бешинчи қисмининг «а», «б»** ва **«в» бандлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноять, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноять учун ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони манзил-колонияларда;

б) қасддан оғир жиноят содир этганлик ва ўта оғир жинояти учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони умумий тартибли колонияларда;

в) илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб, қасддан янги содир этган жинояти учун ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда»;

**олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга нисбатан:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганларга ҳамда қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганларга нисбатан жазони манзил-колонияларда;

б) оғир ва ўта оғир жиноят учун жазони умумий тартибли колонияларда;

в) илгари озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб, янги содир этган ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинаётганларга, шунингдек ўта хавфли рецидивист деб топилганларга нисбатан

*7*

Қирқиш чизиғи

**учинчи қисми** «судга даъво» деган сўзлардан кейин «ёхуд ариза» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **114-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Алимент ундириш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори ёки суд буйруғи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ижро этилади»;

3) **115-моддасининг биринчи қисмидаги** «суд қарори» деган сўзлар «суднинг ҳал қилув қарори ёки суд буйруғи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **135-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Алиментнинг ихтиёрий равишда тўлаб турилиши алимент ундирувчини алимент ундириш ҳақидаги даъво ёки ариза билан хоҳлаган вақтда судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди»;

5) **136-моддасининг иккинчи** ва **учинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **иккинчи, учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Мазкур шахс, низо бўлмаган тақдирда, вояга етмаган болалар учун алимент ундириш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли бўлиб, бу ариза буйруқ тартибида иш юритиш тарзида кўриб чиқилади.

Алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб ундирилади.

Агар таъминот учун маблағ олиш чоралари судга мурожаат қилингунга қадар кўрилганлиги, аммо алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг уни тўлашдан бош тортганлиги оқибатида алимент олинмаганлиги суд томонидан аниқланса, ўтган давр учун алимент судга мурожаат этилган

*44*

Буклаш чизиғи

наллардаги, сув омборларидаги ва бошқа сув хўжалиги объектларидаги сувдан фойдаланиш ишлари сувдан фойдаланиш режалари асосида йиллик амалдаги сув билан таъминланганлик ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Икки томонлама ишловчи зах қочириш тизимларида сувдан фойдаланиш мелиорация қилинган ерлардаги сув режимини тартибга солиш режалари асосида амалга оширилади.

Сувдан фойдаланиш режалари сувдан бирламчи фойдаланувчилар томонидан тузилиб, ирригация тизимлари бошқармалари ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан умумлаштирилади.

Қуйидагилар:

ирригация тизими бошқармаси туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими билан келишган ҳолда – сувдан бирламчи фойдаланувчи бўйича;

ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси билан келишган ҳолда – ирригация тизими бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Сув хўжалиги бош бошқармаси – ҳавза ирригация тизими ҳамда вилоятлараро ва республика аҳамиятига молик айрим йирик сув хўжалиги объектлари бўйича тузилган ва умумлаштирилган сувдан фойдаланиш режаларини тасдиқлайди»;

5) **49-моддасининг бешинчи қисмидаги** «туман сув хўжалиги органи» деган сўзлар «ирригация тизимлари бошқармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

*5*

Қирқиш чизиғи

лади.

**238[5]-модда. Суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш асослари**

Судья суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризани қабул қилишни ушбу Кодекснинг 152-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этади. Бундан ташқари судья қуйидаги ҳолларда аризани қабул қилишни рад этади, агар:

1) арз қилинган талаб ушбу Кодекснинг 238[2]-моддасида назарда тутилмаган бўлса;

2) қарздор Ўзбекистон Республикаси судлари юрисдикцияси доирасидан четда бўлса;

3) арз қилинган талабни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса;

4) ҳуқуқ тўғрисида низо мавжуд деб ҳисобланса;

5) аризанинг шакли ва мазмуни ушбу Кодекс 238[3]-моддасининг талабларига жавоб бермаса;

6) ариза берганлик учун давлат божи тўланмаган бўлса.

Судья аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисида ариза судга келиб тушган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичида ажрим чиқаради.

Аризани қабул қилишнинг рад этилиши ундирувчининг ана шу талаб бўйича даъво ишини юритиш тартибида даъво тақдим этиш имкониятига тўсқинлик қилмайди.

**238[6]-модда. Аризадаги камчиликларни бартараф этиш**

Агар ариза ушбу Кодекс 238[3]-моддасининг талабларига жавоб бермаса ёки ариза берганлик учун давлат божи тўлан-

*38*

Буклаш чизиғи

**диспозициясининг** ўзбек тилидаги **матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яширишни, камайтириб кўрсатишни, шунингдек давлат томонидан белгиланган солиқларни, йиғимларни, бож ёки бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашни анча миқдорда содир этиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин рўй берган бўлса, – ».

12) **221-моддасининг биринчи қисмидаги** «камера типидаги хонага (бир кишилик камерага) ёки турмага ўтказиш қўлланилганидан» деган сўзлар «жазони ижро этиш колониясининг карцерига ўтказиш тариқасидаги жазо қўлланилганидан ёки турмага ўтказилганидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **222-моддасининг номи** ва **биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«222-модда. Қамоқдан ёки қўриқлов остидаги саклаш жойидан қочиш**

Қамоқда сақланаётган ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахснинг қамоқдан ёки қўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочиши –

беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

**VI.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №12, 269-модда; 1997 йил, №2,

*11*

Қирқиш чизиғи

ниши лозим бўлган кўчар мол-мулкнинг қиймати ҳам кўрсатилган ҳолдаги белгиси;

7) агар қонунда ёки шартномада неустойка ундириш назарда тутилган бўлса, неустойка миқдори;

8) қарздордан ундирилиши лозим бўлган давлат божининг суммаси;

9) арз қилинган талабга қарши қарздор томонидан эътироз билдириш муддати ва тартиби.

Вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш тўғрисидаги суд буйруғида ушбу модданинг 1–5 ва 8-бандларида назарда тутилган маълумотлардан ташқари қуйидагилар кўрсатилади: қарздорнинг туғилган санаси ва жойи, таъминоти учун алимент ундирилиши лозим бўлган ҳар бир боланинг исми ва туғилган санаси, қарздордан ҳар ойда ундириладиган тўловлар миқдори ва уларни ундириш муддати.

Суд буйруғи судья томонидан имзоланади.

**238[9]-модда. Қарздорга суд буйруғининг кўчирма нусхасини юбориш**

Суд буйруғи чиқарилганидан кейин судья унинг кўчирма нусхасини дарҳол қарздорга юборади.

Суд буйруғининг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида қарздор арз қилинган талабга қарши ўз эътирозларини буйруқни чиқарган судга юборишга ҳақли.

**238[10]-модда. Суд буйруғини бекор қилиш**

Агар белгиланган муддатда қарздордан арз қилинган талабга қарши эътирозлар тушса, судья суд буйруғини бекор

*40*

Буклаш чизиғи

**тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ёхуд қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди»;

**бешинчи қисмидаги** «умумий ёки қучайтирилган тартибли» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**олтинчи** ва **еттинчи қисмлари** чиқариб ташлансин;

5) **90-моддасининг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда ахлоқ тузатиш ишлари озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган қисми муддатига тайинланади»;

6) **151-моддаси иккинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

7) **153-моддасининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

8) **157-моддаси биринчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг фуқароси томонидан жосуслик, чет эл давлатига, чет эл ташкилотига ёки уларнинг вакилларига давлат сирларини етказиш

*9*

Буклаш чизиғи

**фойдаланиш**

Сувдан фойдаланувчиларнинг барчасига нисбатан сувдан лимит бўйича фойдаланиш тартиби белгиланади.

Сувдан фойдаланиш лимитлари сув манбалари, ҳавза ирригация тизимлари, магистрал каналлар (тизимлар), ирригация тизимлари, иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудлар ва ҳар бир сувдан фойдаланувчи бўйича белгиланади, ер ости сувлари борасида эса геология ва минерал ресурслар ҳамда давлат кончиликни назорат қилиш органлари билан келишиб белгиланади.

Сувдан фойдаланиш лимитлари қишлоқ ва сув хўжалиги органлари томонидан белгиланиб, унга риоя этиш идоравий бўйсунувидан қатъи назар, сувдан фойдаланувчиларнинг барчаси учун мажбурийдир.

Сув тармоқларининг, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг таъминоти, сув объектларини асраш ва тиклаш учун сувдан лимит бўйича фойдаланиш билан бир қаторда сувдан тўлиқ ва қисман ҳақ тўлаб фойдаланиш жорий этилади.

Сув учун тўлиқ ёки қисман ҳақ тўлашни жорий этиш, сувдан лимит бўйича фойдаланиш, шунингдек бунга риоя этилишини назорат қилиш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

4) **48-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«48-модда. Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишни режалаштириш**

Суғориш, сув чиқариш ва суғориш-сув чиқариш тизимларидаги, магистрал ка-



Буклаш чизиғи

пайтдан бошлаб уч йиллик муддат доирасида ундириб олиниши мумкин».

**XXIV.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган **«Инвестиция фаолияти тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, №1, 10-модда) **19-моддасининг иккинчи қисмидаги** «ва ўрта» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**XXV.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган **«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, №5–6, 140-модда; 2001 йил, №5, 89-модда; 2003 йил, №5, 67-модда):

1) **5-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«5-модда. Кичик тадбиркорлик субъектлари**

Кичик тадбиркорлик субъектлари қуйидагилардир:

якка тартибдаги тадбиркорлар;

ишлаб чиқариш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма киши, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан ўн киши, улгуржи ва чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан беш киши бўлган микрофирмалар;

қуйидаги тармоқлардаги:

енгил ва озиқ-овқат саноатидаги, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик,



Қирқиш чизиғи

*Ўзбекистон Республикасининг*

*Қ О Н У Н И*

**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

**I.** Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, №4, 76-модда; 1992 йил, №9, 363-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, №4–5, 126-модда; 1998 йил, №3, 38-модда) **6-моддасининг биринчи қисмидаги** «камида беш минг» деган сўзлар «камида йигирма минг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**II.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Давлат божи тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №1, 22-модда; 1994 йил, №5, 161-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, №9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, №4–5, 126-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №5–6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №9, 229-модда; 2001 йил, №1–2, 23-модда, №5, 89-модда, №9–10, 182-модда) **4-моддасининг 2-банди** қуйидаги



Буклаш чизиғи

каси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, №1–2, 8-модда):

1) **18-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив хусусиятга эга бўлган қарорлари лойиҳаларининг юридик экспертизаси вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади»;

2) **25-моддасининг биринчи, иккинчи** ва **учинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси», «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

«Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами», «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тўплами», вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг расмий нашрлари Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинадиган расмий манбалардир».



Қирқиш чизиғи

6) **110-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сувнинг мавжуд миқдорини ва ундан фойдаланиш даражасини баҳолаш учун дарёлар ҳавзалари, ҳавза ирригация тизимлари ҳамда иқтисодий минтақалар бўйича сув хўжалиги баланслари тузилади».

**IV.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Судлар тўғрисида»**ги Қонунининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган таҳрири (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, №1–2, 10-модда; 2002 йил, №1, 20-модда) **77-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд аппарати ходимлари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси томонидан белгиланадиган тартибда аттестациядан ўтадилар».

**V.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, №9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №5–6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5–6, 153-модда; 2001 йил, №1–2, 23-модда, №9–10, 165-модда; 2002 йил, №9, 165-модда; 2003 йил, №1,



Буклаш чизиғи

Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, №5–6, 88-модда; 2001 йил, №1–2, 23-модда, №5, 89-модда; 2003 йил, №9–10, 149-модда) 31-моддаси қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ходимнинг меҳнат мажбуриятларини бажариши муносабати билан унинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун жавобгар бўлган қайта ташкил этилаётган ёки тугатилаётган деҳқон хўжалигида маблағ бўлмаган ёхуд етарли бўлмаган тақдирда, ундирилиши лозим бўлган суммалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда давлат томонидан тўланади»;

**учинчи қисми** тегишинча **тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин.

**XXII.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, №5–6, 93-модда) **4-моддаси иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «ва ўрта» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**XXIII.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5 – 6-сонга илова; 2003 йил, №1, 8-модда):

1) **96-моддасининг:**

**иккинчи қисми** «суднинг ҳал қилув қарорига» деган сўзлардан кейин «ёки суд буйруғига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;



Қирқиш чизиғи

жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ тайинланади»;

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи** ва **тўққизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлик, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганлик ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо ҳомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга нисбатан, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан тайинланмайди.

Суд томонидан жазони манзил-колонияда ўташи тайинланган маҳкум сақлаш режимини ошаддий бузувчи деб топилган тақдирда, суд уни жазонинг ўталмаган қисми муддатига умумий тартибли колонияга ўтказади»;

2) **51-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Отиб ўлдириш тариқасидаги ўлим жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми), терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун белгиланади»;

3) **74-моддасининг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда ахлоқ тузатиш ишлари озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган қисми муддатига тайинланади»;

4) **85-моддасининг:**



Буклаш чизиғи

қилиб, бу ҳақда ажрим чиқаради. Суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги ажримда судья ундирувчи арз қилган талаб даъво ишларини юритиш тартибида тақдим этилиши мумкинлигини тушунтиради. Суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги ажримнинг нусхалари ажрим чиқарилганидан кейин уч кундан кечиктирмай тарафларга юборилади.

**238[11]-модда. Суд буйруғини ундирувчига бериш**

Агар белгиланган муддатда қарздордан судга эътироз тушмаса, судья суднинг муҳри билан тасдиқланган суд буйруғини ижро этишга тақдим қилиш учун ундирувчига беради.

Ундирувчининг илтимосига кўра, суд буйруғи ижро этиш учун бевосита суд томонидан юборилиши мумкин.

Қарздордан давлат божини ундириш мақсадида суднинг муҳри билан тасдиқланган суд буйруғининг алоҳида нусхаси ижро этиш учун бевосита суд томонидан юборилади».

6) **322-моддасининг бешинчи қисми** чиқариб ташлансин.

**XIX.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»**ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, №5–6, 84-модда; 2003 йил, №9–10, 149-модда) **33-моддаси** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ходимнинг меҳнат мажбуриятларини бажариши муносабати билан унинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун жавобгар бўлган қайта ташкил этилаётган



Қирқиш чизиғи

ёхуд Ўзбекистон Республикасига қарши душманлик фаолияти олиб боришда бошқача ёрдам кўрсатиш йўли билан давлатга ёхинлик қилиш, яъни Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги, хавфсизлиги, мудофаа салоҳияти, иқтисодиётига зарар етказган ҳолда қасддан содир этилган қилмиш – »;

9) **160-моддаси биринчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг давлат сири ҳисобланган маълумотларни чет эл давлати, чет эл ташкилоти ёки уларнинг агентурасига етказиши, худди шунингдек етказиш мақсадида қўлга киритиши, йиғиши ёки сақлаши, шунингдек чет эл разведкасининг топшириғи бўйича Ўзбекистон Республикасига зарар етказишда фойдаланиш учун бошқа маълумотларни етказиши ёки йиғиши – »;

10) **182-моддаси биринчи қисми диспозициясининг** ўзбек тилидаги **матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошқа қимматликларни кўп миқдорда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, – »;

11) **184-моддаси биринчи қисми**



Буклаш чизиғи

маган бўлса, судья суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризани қабул қилишга ва ўз ажрими билан ундирувчига камчиликларни бартараф этиш ёхуд давлат божини тўлаш учун кўпи билан уч кун муҳлат белгилашга ҳақли.

Агар ундирувчи судьянинг кўрсатмаларига мувофиқ, у белгилаган муддатда камчиликларни бартараф этса, давлат божини тўласа, ариза ушбу Кодекснинг 238[5]-моддасига мувофиқ аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

**238[7]-модда. Суд буйруғини чиқариш муддати**

Арз қилинган талабнинг мазмуни бўйича суд буйруғи ариза судга келиб тушган қундан эътиборан уч кун ичида судья томонидан чиқарилади.

**238[8]-модда. Суд буйруғининг мазмуни**

Суд буйруғида қуйидагилар кўрсатилади:

1) иш юритиш тартиб рақами ва буйруқ чиқарилган сана;

2) суднинг номи, буйруқ чиқарган судьянинг фамилияси ҳамда исми ва отаси исминнинг бош ҳарфлари;

3) ундирувчининг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), яшаш жойи ёки жойлашган ери;

4) қарздорнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), яшаш жойи ёки жойлашган ери;

5) талабни қондириш учун асос бўлган қонун;

6) ундирилиши лозим бўлган пул суммасининг миқдори ёки талаб қилиб оли-



Қирқиш чизиғи

56-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №5–6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5–6, 153-модда, №7–8, 217-модда; 2001 йил, №1–2, 11, 23-моддалар, №9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, №9, 165-модда; 2003 йил, №5, 67-модда):

1) **405-моддаси:**

**номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«405-модда. Суд мажлисида жиноят ишини муҳокама қилиш муддати»;**

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жиноят ишини судда муҳокама қилиш муддати ишни муҳокама қилиш бошланган кундан эътиборан икки ойдан ошмаслиги керак»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жиноят ишини кўриш тўхтатиб турилган вақт ишни муҳокама қилиш муддатига кирмайди»;

**учинчи** ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) 420-моддаси қуйидаги мазмундаги қисм билан тўлдирилсин:

«Суд жиноят ишини кўришни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқаради»;

3) қуйидаги мазмундаги **420[1]-модда** билан тўлдирилсин:

**«420[1]-модда. Жиноят ишини кўришни қайтадан бошлаш**

Жиноят ишини кўришни тўхтатишнинг асоси сифатидаги, ушбу Кодекснинг 420-моддасида назарда тутилган ҳолатлар



Буклаш чизиғи

Ариза ёзма шаклда берилади. Ариза-да қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

1) ариза берилаётган суднинг номи;

2) ундирувчининг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ҳамда унинг яшаш жойи (юридик шахснинг жойлашган ери ва реквизитлари);

3) қарздорнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ҳамда унинг яшаш жойи (юридик шахснинг жойлашган ери ва реквизитлари);

4) ундирувчининг талаби ва талабга асос бўлган ҳолатлар;

5) арз қилинган талабни тасдиқловчи, илова этилаётган ҳужжатлар рўйхати.

Кўчар мол-мулк талаб қилинган тақдирда аризада ушбу мол-мулкнинг қиймати кўрсатилиши лозим.

Ариза ундирувчи ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан берилаётган ариза унинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжат илова этилиши керак.

**238[4]-модда. Давлат божи**

Суд буйруғини чиқариш тўғрисида ариза берганлик учун қонун ҳужжатларида даъво иши юритиш учун белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ундирилади.

Ундирувчи томонидан тўланган давлат божи аризани қабул қилиш рад этилган тақдирда қайтариб берилади.

Ундирувчи томонидан тўланган давлат божи суд буйруғи бекор қилинган тақдирда қайтариб берилмайди. Ундирувчи томонидан тўланган давлат божи, ундирувчи қарздорга даъво иши юритиш тартибида даъво тақдим этган тақдирда, тўланиши лозим бўлган бож ҳисобига ўткази-

дан бошқа тартибли тарбия колониясига ўтказиш тўғрисидаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**VII.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №9, 193-модда, №12, 269-модда; 1996 йил, №5–6, 69-модда, №9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда; №4–5, 126-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №3, 38-модда, №5–6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5–6, 153-модда, №7–8, 217-модда; 2001 йил, №1–2, 23-модда, №9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, №1, 20-модда, №9, 165-модда; 2003 йил, №1, 8-модда, №5, 67-модда, №9–10, 149-модда) **320-моддаси учинчи қисмининг** ўзбек тилидаги **матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кассация инстанцияси суди судьясининг маъмурий ишлар бўйича судьянинг қарори юзасидан берилган шикоят ёки билдирилган протест бўйича ҳал қилув қарори қарор шаклида чиқарилади ва чиқарилган вақтдан бошлаб кучга киради».

**VIII.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»**ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №12, 262-модда; 2003 йил, №5, 67-модда) **25-**

*14*

Буклаш чизиғи

лиятига методик раҳбарликни амалга оширади;

7) Олий Мажлисни, унинг органларини ва Вазирлар Маҳкамасини қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш масалалари юзасидан хабардор қилади».

**XVIII.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сонга илова; 2001 йил, №1–2, 11-модда):

1) **2-моддасининг иккинчи қисмидаги** «даъво тартибидаги ишларни» деган сўзлар «буйруқ тартибидаги ишларни, даъво тартибидаги ишларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **16-моддасидаги** «ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори», «ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорнинг» деган сўзлар тегишинча «ҳал қилув қарори, ажрими, қарори ва буйруғи», «ҳал қилув қарори, ажрим, қарор ва буйруқнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **18-моддасининг биринчи қисмидаги** «ҳал қилув қарори, ажрим, қарор» деган сўзлар «ҳал қилув қарори, ажрим, қарор ва буйруқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **34-моддасининг биринчи қисмидаги** «ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори», «ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорнинг» деган сўзлар тегишинча «ҳал қилув қарори, ажрими, қарори ва буйруғи», «ҳал қилув қарори, ажрим, қарор ва буйруқнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

*35*

Қирқиш чизиғи

йил 26 декабрда қабул қилинган **«Сиёсий партиялар тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, №2, 36-модда; 1999 йил, №9, 229-модда):

1) **6-моддасининг биринчи қисмидаги** «камида беш минг» деган сўзлар «камида йигирма минг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **8-моддаси иккинчи қисмининг еттинчи хатбошисидаги** «беш минг нафар» деган сўзлар «йигирма минг нафар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**XI.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Нотариат тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, №2, 42-модда; 2001 йил, №1–2, 23-модда; 2003 йил, №5, 67-модда) **2-моддасининг учинчи қисмидаги** «вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари» деган сўзлар «вилоятлар ва Тошкент шаҳар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**XII.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган **«Адвокатура тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, №2, 48-модда; 2001 йил, №1–2, 23-модда; 2003 йил, №5, 67-модда):

1) **3-моддасининг иккинчи қисмидаги, 4-моддасининг учинчи қисмидаги** ва **13-моддасининг иккинчи қисмидаги** «вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари» деган сўзлар «вилоятлар ва Тошкент шаҳар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

*16*

Буклаш чизиғи

«Тарбия колонияларида:

ўн олти ёшга етмаган вояга етмаган маҳкумлар каттароқ ёшдаги маҳкумлардан;

биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар илгари озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўтаган маҳкумлардан алоҳида сақланадилар»;

14) **125-моддасининг:**

**учинчи қисмидаги** «Умумий тартибли» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисми чиқариб ташлансин;

бешинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин;

15) **129-моддасининг:**

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маҳкумлар йигирма бир ёшга тўлганидан, салбий тавсифга эга маҳкумлар эса ўн саккиз ёшга тўлганидан кейин жазо ўташни давом эттириш учун тарбия колониясидан умумий тартибли колонияга ўтказилади»;

**иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**учинчи қисми иккинчи қисм** деб ҳисоблансин;

16) **164-моддасининг иккинчи қисми** «тақдим этиш масаласини» деган сўзлардан кейин «агар маҳкум ёки унинг адвокати тегишли илтимоснома билан судга бевосита мурожаат этмаган бўлса» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**XVI.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган **«Бож тарифи тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, №9, 228-модда; 1998 йил, №9, 181-модда;

*33*

Қирқиш чизиғи

2) **14-моддасининг учинчи қисмидаги** «фаолиятдан» деган сўз «манбалардан» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) **18-моддаси** чиқариб ташлансин;

4) **31-моддасининг:**

**9, 11, 14, 17, 18, 23-бандлари** чиқариб ташлансин;

**19-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19) янги ташкил этилаётган корхоналар, шу жумладан шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар ҳудудида ташкил этилган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи корхоналардан ташқари) рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан биринчи йили даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилинади, белгиланган ставканинг иккинчи йили йигирма беш фоизи миқдорида ва учинчи йили эллик фоизи миқдорида солиқ тўлайди. Кейинги йилларда даромад (фойда) солиғи белгиланган ставка бўйича тўлиқ миқдорда тўланади.

Янги ташкил этилаётган бошқа корхоналар, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар (савдо, воситачилик, таъминот- сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи корхоналардан ташқари) рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан белгиланган ставканинг биринчи йили йигирма беш фоизи миқдорида ва иккинчи йили эллик фоизи миқдорида солиқ тўлайди. Кейинги йилларда даромад (фойда) солиғи белгиланган ставка бўйича тўлиқ миқдорда тўланади.

*18*

Буклаш чизиғи

**шиси** чиқариб ташлансин;

5) **50-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«50-модда. Тарбия колониялари**

Тарбия колониялари вояга етмай туриб жиноят содир этган маҳкумларни сақлашга мўлжалланган»;

6) **51-моддаси** чиқариб ташлансин;

7) **53-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қасддан содир этилган оғир жиноятлар учун биринчи марта саккиз йилгача ва саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар алоҳида ҳолларда, маҳкумнинг ёзма розилиги бўлган тақдирда, муассаса бошлиғининг қарорига биноан хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун тергов ҳибсхонаси ёки турмада қолдирилиши мумкин»;

8) **91-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **иккинчи ва учинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга ҳар йилги меҳнат таътили берилмайди, жазони манзил-колонияларда ўтаётганлар бундан мустасно.

Манзил-колониялардаги маҳкумлар муддати ўн беш иш кунидан иборат қаҳ тўланадиган ҳар йилги меҳнат таътилига ҳақ олиш ҳуқуқига эга. Таътил ушбу Кодекснинг 82-моддасида белгиланган тартибда манзил-колония доирасидан четга чиқиш ҳуқуқи билан берилади. Маҳкум жазони ижро этиш колониясининг интизомий бўлинмаси турар жойларида сақланган вақт ҳақ тўланадиган ҳар йилги меҳнат таътили бериш учун зарур муддатга қўшиб ҳисобланмайди»;

*31*

Қирқиш чизиғи

7) **58-моддасининг «т» банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«т) патент эгаси бўлган жисмоний шахснинг (лицензиарнинг) саноат мулки объектларидан ўз ишлаб чиқаришида фойдаланишдан ёки фойдаланиш бошланган санадан эътиборан амал қилиш муддати доирасида уларга лицензия сотишдан, шунингдек лицензиатнинг саноат мулки объектларидан фойдаланишдан олган даромади суммаси:

ихтиролар ва селекция ютуғидан фойдалана бошлаган санадан эътиборан – беш йил давомида;

саноат намунасидан фойдалана бошлаган санадан эътиборан – уч йил давомида;

фойдали моделдан фойдалана бошлаган санадан эътиборан – икки йил давомида»;

8) **71-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«71-модда. Қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш**

Фаолиятнинг товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишга доир қисми бўйича қуйидагилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади:

1) суғурта бўйича воситачилар ва агентлар амалга оширадиган суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш операциялари, шу жумладан бундай операциялар билан боғлиқ хизматлар;

2) ссудалар бериш ва ўтказиш операциялари;

3) пул омонатлари, жорий ҳисобварақлар, тўловлар, ўтказмалар, чеклар ва бошқа қимматли қоғозларга дахлдор операциялар;

*20*

Буклаш чизиғи

17) истеъмол товарларини улгуржи реализация қилишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун юридик шахслардан (ишлаб чиқарувчи корхоналардан ва улгуржи етказиб берувчилардан) мазкур фаолиятдан олинган бутун даромад (фойда) ва яна шунча миқдорда жарима ундирилади».

**XIV.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган **«Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, №4–5, 112-модда; 1998 йил, №9, 181-модда):

1) **1-моддасининг биринчи қисмидаги** «кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик» деган сўзлар «кичик ва хусусий тадбиркорлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **3-моддаси иккинчи қисмининг:**

**учинчи, тўртинчи** ва **ўн биринчи хатбошиларидаги** «кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликни», «кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик» деган сўзлар тегишли келишикдаги «кичик ва хусусий тадбиркорлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**ўн иккинчи** ва **ўн бешинчи хатбошиларидаги** «ва ўрта» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) 11-моддасининг иккинчи қисмидаги «ҳокимлиги» деган сўз чиқариб ташлансин.

4) 13-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги «кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик» деган сўзлар «кичик ва хусусий тадбиркорлик» деган сўзлар

*29*

Буклаш чизиғи

гаши қошидаги Фан ва технологиялар марказининг илмий-техника дастурлари доирасида давлат контрактлари асосида бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишлари;

15) шаҳар йўловчилар транспортининг хизматлари (такси, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари), шунингдек умумий фойдаланишдаги темир йўл ва автомобиль транспортида (такси, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташиш хизматлари;

16) аҳолига кўрсатиладиган уй-жой-коммунал ва уй-жойдан фойдаланиш хизматлари;

17) халқ таълими соҳасидаги, ўқув-ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ хизматлар, шунингдек олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларидаги таълим учун ҳақ;

18) сақлаб туриш бўйича ваколатли давлат органига қимматбаҳо металларни реализация қилиш оборотлари;

19) диний ташкилотлар ҳамда бирлашмаларнинг удумлар ва маросимлар ўтказишга доир хизматлари;

20) тиббий, санаторий-курорт ва соғломлаштириш, туристик-экскурсия хизматлари, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг асосий (соҳа) фаолияти бўйича кўрсатадиган хизматлари, болалар дам олиш лагерларининг хизматлари;

21) хусусийлаштирилаётган давлат мулкининг қиймати;

22) гидрометеорология ва аэрология ишлари;

23) геология ва топография ишлари;

*22*

Буклаш чизиғи

жумладан чет эллик юридик шахслар қуйидагилардан иборат:

унитар (шўъба) корхоналар ва уларни таъсис этган юридик шахслар;

биргина юридик шахс томонидан таъсис этилган юридик шахслар;

биргина жисмоний шахс томонидан ёки ўзаро қариндош ёхуд қайин-бўйин ва қуда-анда жисмоний шахслар томонидан таъсис этилган юридик шахслар.

Эр (хотин), унинг тўғри ва ён шажара бўйича қариндошлари, опа-сингиллари, ака-укалари ва уларнинг болалари, неваралари, чеваралари ҳамда эваралари, хотиннинг (эрнинг) ота-онаси, опа-сингиллари ва ака-укалари ушбу модда мақсадига кўра ўзаро қариндош ёки қайин-бўйин ва қуда-анда жисмоний шахслар ҳисобланади».

15) **135-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **12 – 17-бандлар** билан тўлдирилсин:

«12) назорат-касса машиналарини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, шунингдек харидорга квитанция ёзиб бериш, талонлар ёки уларга тенгаштирилган бошқа чекларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик учун:

юридик шахслардан энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида, ўша қилмишлар молиявий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида такроран содир этилган тақдирда эса энг кам иш ҳақининг икки юз баравари миқдорида;

якка тартибдаги тадбиркорлардан энг

*27*

Қирқиш чизиғи

32) китоб маҳсулотларини, мактаб ўқув ашёлари ва кўргазмали қуролларини, дори-дармон воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш;

33) мол-мулкни лизингга берганлик учун лизинг тўловлари.

Фаолиятнинг товарларни (ишларни, хизматларни) импорт қилишга доир қисми бўйича қуйидагилар қўшимча қиймат солиғидан озод қилинади:

1) товарларни божсиз олиб киришнинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тасдиқланган нормалари доирасида жисмоний шахслар томонидан импорт қилинаётган товарлар;

2) табиий офатлар, қуролли можаролар, бахтсиз ҳодисалар ёки фалокатлар юз берганда ёрдам кўрсатиш учун инсонпарварлик ёрдами ва бегараз техник кўмак сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган товарлар, шунингдек давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар томонидан хайрия мақсадида олиб кирилаётган товарлар;

3) Ўзбекистон Республикаси тузган шартномалар (битимлар) бўйича халқаро ва ҳукуматга қарашли бўлган чет эл молиявий ва иқтисодий ташкилотлари берган қарзлар ва грантлар ҳисобига Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари, шу жумладан норезидентлари томонидан олиб кирилаётган асбоб-ускуналар, материаллар (ишлар ва хизматлар);

4) бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобидан бюджетдаги ташкилотлар буюртмалари асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган асбоб-ускуналар, товарлар (ишлар ва хизматлар);

*24*

Буклаш чизиғи

5) импорт бўйича келтирилаётган дори-дармон воситалари ва тиббий буюмлар;

6) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига:

чет эл кредитлари ҳисобидан ҳукумат кафолати остида молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун олиб кирилаётган технологик жиҳозлар;

халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашаётган янги қурилаётган ва қайта қурилаётган корхоналар учун олиб кирилаётган технологик жиҳозлар;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг устав капиталига чет эллик инвесторлар томонидан улуш сифатида олиб кирилаётган технологик жиҳозлар;

ваколатли банкнинг тегишли тасдиғи бўлган тақдирда, белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш, шунингдек ишлаб турган ишлаб чиқаришларни замонавийлаштириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун олиб кирилаётган технологик жиҳозлар;

ваколатли банкнинг тегишли тасдиғи бўлган тақдирда, лизингга топшириш учун олиб кирилаётган технологик жиҳозлар;

хусусийлаштирилаётган корхоналар учун чет эллик инвесторнинг инвестиция мажбуриятлари ҳисобидан олиб кирилаётган технологик жиҳозлар;

7) чет эл инвестициялари иштирокидаги, болалар пойабзали ишлаб чиқаришга ихтисослашаётган корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқаришларида фойдаланиш учун олиб кирилаётган хом ашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотлар.

*25*

2001 йил, №5, 89-модда; 2003 йил, №1, 8-модда, №5, 67-модда) **33-моддаси биринчи қисмининг йигирма тўртинчи хатбошисидаги** «ва ўрта» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**XVII.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, №9, 237-модда) **12-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

1) қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

2) юқори органларнинг топшириғига биноан ва ўз ташаббуси билан қонун лойиҳаларини тайёрлайди, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмалари билан биргаликда лойиҳаларни тайёрлашда иштирок этади;

3) қонун лойиҳаларини тайёрлаш заруратига оид масалаларни давлат бошқаруви органлари билан дастлабки тарзда келишиб олади;

4) Олий Мажлис ва унинг органларининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг топшириқларига мувофиқ қонун лойиҳалари юзасидан юридик хулосалар беради;

5) қонун лойиҳаларини тайёрлашни амалга ошираётган вазириклар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ишини мувофиқлаштириб боради;

6) қонун ижодкорлиги масалаларида давлат бошқаруви органларининг фао-



Буклаш чизиғи

**моддаси** қуйидаги мазмундаги **қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўплами Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари эълон қилинадиган расмий манбадир».

**IX.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, №11–12; 1997 йил, №2, 56-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №5–6, 102-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №9, 229-модда; 2001 йил, №1–2, 23-модда, №9–10, 182-модда; 2002 йил, №1, 20-модда; 2003 йил, №1, 8-модда, №5, 67-модда) **1015-моддаси** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ходимнинг меҳнат мажбуриятларини бажариши муносабати билан унинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун жавобгар бўлган, қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи қайта ташкил этилаётган юридик шахсда маблағ бўлмаган ёхуд етарли бўлмаган тақдирда, ундирилиши лозим бўлган суммалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда давлат томонидан тўланади. Қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам мазкур суммалар давлат томонидан тўланади»;

**иккинчи** ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**X.** Ўзбекистон Республикасининг 1996



Қирқиш чизиғи

5) қуйидаги мазмундаги 20¹-боб билан тўлдирилсин:

**«20¹-боб. Буйруқ тартибида иш юритиш**

**238¹-модда. Суд буйруғи асосида қарзни ундириш**

Суд буйруғи ундирувчининг пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ёки кўчар мол-мулкни низосиз талаблар бўйича қарздордан талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризаси бўйича судья судда ишни кўрмасдан чиқарган ҳужжатдир.

Суд буйруғи ижро ҳужжати кучига эга. Суд буйруғи бўйича ундирув буйруқ берилганидан кейин ва суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

**238²-модда. Суд буйруғини чиқариш бўйича талаблар**

Суд буйруғи қуйидаги ҳолларда чиқарилади:

1) агар талаб нотариал тасдиқланган битимга асосланган бўлса;

2) агар талаб ёзма битимга асосланган ва жавобгар томонидан тан олинган бўлса;

3) агар вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш ҳақидаги, оталикни белгилаш билан ёки учинчи шахсларни жалб этиш зарурати билан боғлиқ бўлмаган талаб арз қилинган бўлса.

**238³-модда. Суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмуни**

Суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза судга ушбу Кодекснинг 22-бобида белгиланган судловга таллуқлиликнинг умумий қоидалари бўйича берилади.



Буклаш чизиғи

бартараф этилгач, тўхтатилган жиноят ишини кўриш қайтадан бошланади.

Суд жиноят ишини кўришни қайтадан бошлаш тўғрисида ажрим чиқаради.

Жиноят ишини кўриш қайтадан бошланганда жиноят ишини муҳокама қилиш муддатининг ўтиши ҳам бир вақтнинг ўзида қайтадан бошланади. Мазкур муддатни яна узайтириш ушбу Кодекснинг 405-моддаси асосида, жиноят ишини муҳокама қилишнинг жиноят ишини кўриш тўхтатилишидан олдинги муддатини инобатга олган ҳолда амалга оширилади»;

4) **490-моддасининг бешинчи қисмидаги** «тарбия колонияси ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **536-моддасининг:**

**биринчи қисми** «жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг тақдимномасига» деган сўзлардан кейин «ёки маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг илтимосномасига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**иккинчи қисми** «интизомий қисм қўмондонлигининг тақдимномасига» деган сўзлардан кейин «ёки маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг илтимосномасига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**бешинчи қисмидаги** «юзасидан тақдим этилган» деган сўзлар «тўғрисидаги тақдимномалар ёки» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6) **537-моддасининг учинчи қисмидаги** «ва умумий тартибли тарбия колониясидан кучайтирилган тартибли тарбия колониясига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7) **542-моддасининг учинчи қисмидаги** «бир тартибли тарбия колониясидан



Қирқиш чизиғи

билан алмаштирилсин.

**XV.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, №6, 175-модда; 2003 йил, №9–10, 149-модда):

1) **45-моддасининг бешинчи қисмидаги** «умумий ва кучайтирилган тартибли колонияларга бўлинади ҳамда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **46-моддасининг иккинчи хатбошиси** «эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган унча оғир бўлмаган жиноятлар учун» деган сўзлардан кейин «шунингдек қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **47-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Умумий тартибли колониялар қуйидагиларга бўлинади:

оғир жиноят содир этганлик учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган эркаклар сақланадиган колониялар;

ўта оғир жиноят содир этганлик учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган эркаклар сақланадиган колониялар;

оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган аёллар сақланадиган колониялар, ушбу Кодекснинг 48-моддасида кўрсатилган аёллар бундан мустасно»;

4) **48-моддасининг иккинчи хатбо-**



Буклаш чизиғи

Ушбу бандда назарда тутилган юридик шахслар белгиланган интиёзли даврнинг бир йили ўтгунига қадар тугатилган тақдирда, солиқ суммаси уларнинг бутун фаолияти даври учун тўлиқ миқдорда ундириб олинади»;

**учинчи қисми** чиқариб ташлансин;

5) **32-моддаси биринчи қисмининг: иккинчи хатбошиси** «спорт муассасаларига» деган сўзлардан кейин «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бериладиган» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**бешинчи** ва **олтинчи хатбошилари** чиқариб ташлансин;

6) **55-моддаси биринчи қисмининг жадвали** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

| Жами даромад миқдори | Солиқ суммаси |
|---|---|
| энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоригача | даромад суммасининг 13 фоизи |
| энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан (+1сўм) ўн баравари миқдоригача | энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан олинадиган солиқ + беш баравараидан ошадиган суммаининг 21 фоизи |
| энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан (+1сўм) ва ундан юқори миқдоридан | энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан олинадиган солиқ + ўн баравараидан ошадиган суммаининг 30 фоизи |



Қирқиш чизиғи

9) **105-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбошиси** қуйидаги мазмундаги **олтинчи** ва **еттинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«сақлаш режимини ашаддий бузувчи маҳкумларни манзил-колониядан умумий тартибли колонияга ўтказиш;

сақлаш режимини ашаддий бузувчи маҳкумларни манзил-колониядан умумий ёки қаттиқ тартибли колонияга, қаттиқ тартибли колониядан махсус тартибли колонияга, колониядан турмага қайтариш»;

10) **111-моддаси** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Маҳкумнинг жазони ижро этиш муассасаси ҳудудини ёки маъмурият йўлланмаси билан бўлиши керак бўлган бошқа жойни ўзбошимчалик билан ташлаб кетиши ҳам манзил-колонияда жазони ўташ тартибини қўпол тарзда бузиш деб ҳисобланади»;

11) **112-моддаси:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жазони ижро этиш муассасаси ҳудудини ёки маъмурият йўлланмаси билан бўлиши керак бўлган бошқа жойни ўзбошимчалик билан йигирма тўрт соатдан кўпроқ муддат мобайнида ташлаб кетган маҳкум ҳам манзил-колонияда сақлаш режимини ашаддий бузувчи деб топилади»;

**иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин;

12) **113-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

13) **124-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:



Буклаш чизиғи

2) **13-моддасининг биринчи қисмидаги** «вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимликлари» деган сўзлар «вилоятлар ва Тошкент шаҳар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**XIII.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4–5-сонга илова, №9, 241-модда; 1998 йил, №3, 38-модда, №5–6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5–6, 153-модда; 2001 йил, №1–2, 23-модда, №5, 89-модда, №9–10, 182-модда; 2002 йил, №1, 20-модда, №4–5, 74-модда, №9, 165-модда; 2003 йил, №1, 8-модда, №5, 67-модда, №9–10, 149-модда):

1) **8-моддасининг:**

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўланишини назарда тутувчи солиқ солиш тизими қўлланилиши мумкин. Акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқараётган, шунингдек фойдали қазилмаларни кавлаб олишни амалга ошираётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ушбу Кодексда белгиланган тартибда акциз солиғи ва ер остидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаганлари тақдирда, ягона солиқ тўлашга ўтишлари мумкин»;

**саккизинчи қисмидаги** «алкоголли маҳсулот учун» деган сўзлар чиқариб ташлансин;



Буклаш чизиғи

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган имтиёзлар юридик шахслар томонидан олиб кирилаётган истеъмоя товарларига нисбатан татбиқ этилмайди, ушбу модда иккинчи қисмининг 2, 3, 5, 6 ва 7-бандларида назарда тутилган товарлар бундан мустасно. Товарларни истеъмол товарлари жумласига киритиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади»;

9) **78-моддасининг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

10) **92-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи** ва **иккинчи қисмининг бешинчи хатбошилари** чиқариб ташлансин;

11) **95-моддасининг тўртинчи** ва **бешинчи қисмлари** чиқариб ташлансин;

12) **113-моддасининг учинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

13) **119-моддасининг ўн иккинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

14) қуйидаги мазмундаги **127¹-модда** билан тўлдирилсин:

**127¹-модда. Ўзаро алоқадор юридик шахсларга солиқ солиш мақсадида нархларга ўзгартиш киритиш**

Агар ўзаро алоқадор юридик шахслар ўзларининг тижорат ва молиявий муносабатларида ўзаро алоқадор бўлмаган юридик шахслар ўртасида қўлланилиши мумкин бўлган нархлардан фарқ қиладиган нархларни қўлласалар, ўзаро алоқадор бўлмаган юридик шахслар ўртасида қўлланилиши мумкин бўлган нархлардан солиқ органлари солиқ солиш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланишлари мумкин.

Ўзаро алоқадор юридик шахслар, шу



Буклаш чизиғи

24) нашриётларнинг, газета ва журналлар таҳририятларининг, матбаа ва китоб савдоси корхоналарининг, Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг асосий фаолиятига доир маҳсулотлари ва хизматлари;

25) ваколатли давлат ташкилотлари ўтказадиган экология экспертизаси хизматлари;

26) давлат тилини ва давлат тилида иш юритишни ўргатиш хизматлари;

27) республикада ишлаб чиқарилаётган ҳамда якка тартибдаги иморат қурувчиларга реализация қилинаётган биноларнинг материаллари;

28) экспорт қилинаётган товарларни, шунингдек чет мамлакатларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб ўтиладиган юкларини (транзит юкларини) ташиш, ортиш, тушириш, қайта ортиш бўйича хизматлар;

29) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва Ўзбекистон чернобилчилар ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил этувчи юридик шахслар ишлаб чиқараётган товарлар, бажараётган ишлар ва кўрсатаётган хизматлар (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан боғлиқ ишлар ва хизматлар бундан мустасно);

30) ички ишлар органлари ҳузуридаги сокчилик бўлинмаларининг хизматлари;

31) фаолиятнинг гастроль-концерт тури билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган юридик шахсларнинг гастроль-концерт фаолияти;



Қирқиш чизиғи

кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида жарима ундирилади;

13) техник талабларга жавоб бермайдиган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик, фискал хотирасининг хизмат кўрсатиш дастури бузилган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик учун юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлардан энг кам иш ҳақининг икки юз баравари миқдорида, ўша қилмишлар такроран содир этилганда эса энг кам иш ҳақининг беш юз баравари миқдорида жарима ундирилади;

14) деҳқон (озиқ-овқат) бозорларидаги стационар савдо шохобчаларидан ташқарида ноозиқ-овқат истеъмол товарларини реализация қилганлик учун якка тартибдаги тадбиркорлардан энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида жарима ундирилади;

15) реализация қилинган товарлар (хизматлар) учун олинган пул тушуми суммасини даромадлар ва товар операцияларини ҳисобга олиш рўйхатларига киритилмаган ҳолда савдони амалга оширганлик ва пуллик хизматлар кўрсатганлик учун якка тартибдаги тадбиркорлардан энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида, ўша қилмишлар такроран содир этилганда эса энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдорида жарима ундирилади;

16) стационар савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари орқали аҳоли билан пул ҳисоб-китоблари амалга оширилаётганда нақд пул тушумини яширган тақдирда юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлардан яширилган нақд пул тушуми миқдорида жарима ундирилади;



Буклаш чизиғи

4) қонуний тўлов воситаси бўлган чет эл валютаси ва пуллар муомаласига дахлдор операциялар, нумизматика мақсадида фойдаланиладиганлари бундан мустасно;

5) қимматли қоғозлар муомаласига дахлдор операциялар, уларни тайёрлаш ва сақлаш операциялари бундан мустасно;

6) махсус вакил қилинган органлар томонидан бажариладиган ва давлат божи, йиғимлар ундириладиган ҳаракатлар;

7) болаларни мактабгача тарбия муассасаларида боқишга, беморлар ва қарияларни парвариш қилишга доир хизматлар;

8) дафн этиш бюролари ва қабристонларнинг маросим хизматлари;

9) интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни олганлик учун патент божлари, рўйхатга олиш йиғимлари ва лицензия тўловлари;

10) протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун инвентарлар ишлаб чиқариш ва ногиронларга ортопедик протезлаш хизмати кўрсатишга ихтисослашган корхоналарнинг маҳсулотлари, даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналарининг маҳсулотлари;

11) ўзи етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини реализация қилиш;

12) почта маркалари (коллекция қилинадиганларидан ташқари), маркали открткалар ва конвертлар сотиш;

13) алоқа ташкилотларининг пенсия ва нафақалар тўлаш бўйича хизматлари;

14) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш кен-

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг
*ҚАРОРИ:*

**«Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ш.Мирзиёев) ўз қарорларини «Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**
**Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 11 декабрь.

*16*

Буклаш чизиғи

*Ўзбекистон Республикасининг*
*Қ О Н У Н И*

# ХУСУСИЙ КОРХОНА ТЎҒРИСИДА

*(«Халқ сўзи» газетасининг 2004 йил 23 январь сонидан олинди).*

Қирқиш чизиғи

бирлашишлари мумкин.

**27-модда. Хусусий корхонани бошқа шахсга ўтказиш**

Хусусий корхона мулкдори хусусий корхонани мол-мулк мажмуаси сифатида сотишга, ҳадя қилишга, васият қилиб қолдиришга ёки уни ўзгача усулда бошқа шахсга ўтказишга ҳақли.

Хусусий корхона бошқа шахсга берилган тақдирда ўзининг фирма номидан, товар белгиларидан, хизмат кўрсатиш белгиларидан ҳамда мазкур хусусий корхона ва унинг махсулотини, у бажараётган ишларни ёки кўрсатаётган хизматларни индивидуаллаштирувчи ўзга воситалардан фойдаланиш ҳуқуқлари, агар қонун ҳужжатларида ёхуд шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, янги мулкдорга ўтади.

**28-модда. Хусусий корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш**

Хусусий корхона унинг мулкдори ёки суднинг қарорига кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

**29-модда. Низоларни ҳал этиш**

Хусусий корхоналарнинг тузилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва

*14*

Буклаш чизиғи

Хусусий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда уларни амалга ошириши, мажбуриятларни бажариши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Хусусий корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради.

Хусусий корхона мулкдори корхонанинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда хусусий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади.

**4-модда. Хусусий корхонанинг фирма номи**

Хусусий корхона тўлиқ фирма номига эга бўлиши лозим ва қисқартирилган фирма номига эга бўлишга ҳақли. Хусусий корхонанинг тўлиқ фирма номи унинг тўлиқ номини ва «xususiy korxona» деган сўзларни ўз ичига олган бўлиши керак. Хусусий корхонанинг қисқартирилган фирма номи унинг қисқартирилган номини ва «xususiy korxona» деган сўзларни ёки «ХК» аббревиатурасини ўз ичига олиши керак.

*3*

Қирқиш чизиғи — Қирқиш чизиғи — Қирқиш чизиғи

чеклаб қўйиши мумкин.

**17-модда. Мулкдорнинг хусусий корхона раҳбари вазифасини бажара олмаслиги**

Вафот этганлиги, муомалага лаёқатсизлиги, муомала лаёқати чекланганлиги ёки бедарак йўқолган деб топилганлиги оқибатида мулкдорнинг хусусий корхона раҳбари вазифасини бажариши мумкин бўлмай қолган тақдирда хусусий корхонани бошқариш фуқаролик қонун ҳужжатларига ва хусусий корхонанинг уставига мувофиқ амалга оширилади.

## IV. ХУСУСИЙ КОРХОНАДА МЕҲНАТГА ОИД МУНОСАБАТЛАР

**18-модда. Хусусий корхонанинг иш берувчиси ва ходими ўртасидаги ўзаро муносабатлар**

Хусусий корхона (иш берувчи) ва хусусий корхонанинг ходими ўртасидаги ўзаро муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнат шартномаси (контракт) билан тартибга солинади.

**19-модда. Хусусий корхонада меҳнатга ҳақ тўлаш**

Хусусий корхона ўз ходимларига меҳнат ҳақи, мукофотлар ва компенсация-

*10*

Буклаш чизиғи

ҳолайди.

Агар хусусий корхонанинг устав фонди шакллантирилаётганда мулкдор ўз оила аъзоларининг умумий (улушли ёки биргаликдаги) мулки ҳисобланган мол-мулкни корхонага бераётган бўлса, ушбу мол-мулкнинг барча мулкдорларидан нотариал тасдиқланган розилик олиш талаб этилади.

**13-модда. Хусусий корхонанинг устав фондини кўпайтириш ва камайтириш**

Хусусий корхонанинг устав фондини кўпайтириш ва камайтириш мулкдорнинг қарорига кўра хусусий корхонанинг уставига ўзгартишлар киритиш йўли билан амалга оширилади.

Агар иккинчи молия йилининг ва шундан кейинги ҳар бир молия йилининг якунида хусусий корхона соф активларининг қиймати унинг устав фондидан кам эканлиги маълум бўлиб қолса, хусусий корхона ўз устав фондини ўзининг соф активлари қийматидан ошмайдиган миқдорда камайтириши шарт.

Хусусий корхона соф активларининг қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

*7*

Қирқиш чизиғи

**визиция қилинишига йўл қўйилмаслиги**

Хусусий корхонанинг мол-мулки национализация қилинмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хусусий корхонанинг мол-мулки реквизиция қилинмайди, хусусий корхонанинг мулкдорига реквизиция қилинаётган мол-мулкнинг бозор қийматига муодил компенсацияси тўланадиган табиий офатлар, авариялар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва фавқулодда тусдаги бошқа ҳолатлар бундан мустасно.

**22-модда. Хусусий корхона фаолиятининг эркинлиги**

Хусусий корхона қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай фаолият турларини амалга оширади.

Хусусий корхона битимлар тузишда эркиндир.

**23-модда. Хусусий корхоналарга татбиқ этиладиган имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар**

Хусусий корхоналарга тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар татбиқ этилади.

*12*

Буклаш чизиғи

Хусусий корхона мулкдор томонидан тузилади, мулкдор унга тегишли мол-мулк беради ва унинг уставини тасдиқлайди.

Хусусий корхона, агар унинг уставида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, номуайян муддатга тузилади.

**9-модда. Бошқа юридик шахсларни таъсис этиш. Хусусий корхонанинг ваколатхоналари ва филиаллари**

Хусусий корхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав фондида ўзгача тарзда иштирок этишга, ваколатхоналар очишга ва филиаллар тузишга ҳақли.

**10-модда. Хусусий корхонанинг устави**

Хусусий корхонанинг таъсис ҳужжати унинг уставидир.

Хусусий корхонанинг уставида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

корхонанинг фирма номи;

унинг жойлашган ери ва почта манзили тўғрисидаги маълумотлар;

асосий фаолият турларининг рўйхати;

*5*

**MUAMMO**

# Бинонинг эгаси бор...

Ер масаласи барча замонларда ҳам долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. Айниқса, шаҳар шароитида бир қарич ерга эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритиш мураккаб иш. Деярли барча тадбиркорлар бўш ётган ерда ишлаб чиқариш иншоотини қуришни орзу қиладилар. Кейинги вақтларда пойтахтимизда ҳам ана шу мақсадда бизнес қилишни истовчилар сони кўпайиб бормоқда. Бу яхши, албатта. Зеро, тадбиркорлик натижасида ишлаб чиқариш кенгаяди, ишсизлар сони қисқаради, қолаверса яна бир кўркам иморат қад кўтаради. Юқорида таъкидлаганимиздек, масаланинг долзарб томони, ерга қонуний асосда эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритишдир. Хўш, ҳамма вақт ҳам тадбиркорларимиз ана шундай қонуний асосда бизнесларини йўлга қўйиш имкониятига эга бўляптиларми?

Тошкент шаҳар онкология диспансери сўнгги йилларда бир мунча эътиборталаб шифохоналар қаторига тушиб қолди. Бунинг сабабини турлича изоҳлаш мумкин. Биз ҳозир бу ҳақда мушоҳада қилиш ниятида эмасмиз. Эътиборингизни шифохона ва «Анҳор-Автохизмат» хусусий фирмаси ўртасидаги муаммога қаратмоқчимиз. Гап шундаки, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2001 йил 10 августдаги 376-сонли қарорида «Анҳор-Автохизмат» хусусий фирмасига автосалон мажмуасини қуриш учун Чилонзор туманидаги С. Юсупов номли кўчадан 0,07 гектар ер майдони ажратиб бериш кўрсатилган. Орадан қарийб 3 йил ўтгандан сўнг унинг ижросига киришилади. Қарор асосида шифохона балансида бўлган умумий нархи 242 минг 166 сўмлик қозонхона фирма мутасаддилари томонидан бузиб ташланиб, қурилиш ишларини бошлашга киришадилар. Натижада эски қозонхона биносидан чиққан қурилиш ашёлари ҳам бирин - кетин ташиб кетилаяпти. Шифохонага тайинланган янги бош шифокор бу ҳолатга қонуний баҳо бериш, қарорда айнан кўрсатилмаган ер майдонини қонуний-лаштириб олгандан сўнг, бу ерга эгалик қилиш лозимлигини фирма мутасаддиларига тушунтиришга ҳаракат қилади. Аммо, қарорда аниқлик киритилмаган ер майдонига эгалик қилишни хоҳлаган фирма мутасаддилари шифохона раҳбариятининг бир неча бор қилган мурожаатларига аҳамият бермадилар.

— Биз фирмага ер ажратиш ҳақидаги қарор билан танишдик, — дейди онкология диспансер бош шифокори Ғ. Ҳакимов. — Ажабланарлиси, қарорда ер айнан шифохона ҳудудидан ажратилиши кўрсатилмаган. Қарор қабул қилинишидан олдин шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг ҳам хулосаси олинмаган. Бугунгача бу ер ва бузиб ташланган бино шифохона балансида турибди.

Ҳар қандай бошланаётган иш пишиқ-пухта, ҳуқуқий асосда бўлса, унинг бардавомлиги таъминланади. Бугун тадбиркорлар ҳам олинган ерда фирма фаолиятини кенгайтириш тараддудидалар. Шифохона маъмурияти эса барчасини қонуний асосда бўлишини истаяпти, холос. Чунки, шифохона балансидаги мулкнинг эртами-кеч барибир ҳисоби бор. Биз якуний хулосага келиш фикридан йироқмиз. Чилонзор туман ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари юзага келган муаммодан аллақачон хабардор бўлганлар. Ўйлайманки, қонун ҳимоячилари бу борада бир тўхтамга келиб, масалани адолатли ҳал этиш чораларини кўрадилар.

**Д.ЭШМУРОДОВ,**
журналист

**YANGI NASHR**



2003 йил 25 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганди. Қонун «Халқ сўзи», «Народное слова» ва «Huquq» газеталарида чоп этилди. Қонунни «Адолат» нашриёти китоб ҳолда чоп этган эди.

# ҲУҚУҚШУНОСЛАРНИНГ КУТУБХОНАСИ УЧУН

Республика Бош прокуратурасининг қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази ташаббуси билан «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун китоб ҳолда ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилди.



Ушбу китоб республикамизда фаолият кўрсатаётган хорижий халқаро ташкилотлар учун ҳам муҳим қўлланма бўлади.

**Н.МИРАҲМЕДОВА**

*Ўзбекистон Республикасининг*
*ҚОНУНИ*

# ХУСУСИЙ КОРХОНА ТЎҒРИСИДА

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади хусусий корхоналарнинг тузилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Хусусий корхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Хусусий корхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

**3-модда. Хусусий корхона**

Мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона деб эътироф этилади. Хусусий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидир.

2

Буклаш чизиғи

**4-модда. Хусусий корхонанинг банк ҳисобвараклари**

Хусусий корхона Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банк ҳисобвараклари очади.

**6-модда. Хусусий корхонанинг муҳри**

Хусусий корхона ўзининг тўлиқ фирма номи давлат тилида ифодаланган ва хусусий корхонанинг жойлашган ери кўрсатилган муҳрга эга бўлиши керак. Муҳрда айни пайтнинг ўзида унинг фирма номи бошқа тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

**7-модда. Хусусий корхонанинг штамплари ва бланкалари**

Хусусий корхона ўзининг фирма номи ёзилган штампларига ва бланкаларига, ўз эмблемасига, шунингдек, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда кўзга ташланиб турадиган бошқа идентификация воситаларига эга бўлишга ҳақли.

## II. ХУСУСИЙ КОРХОНА ТУЗИШ ВА УНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ

**8-модда. Хусусий корхона тузиш тартиби**

4

Буклаш чизиғи

**24-модда. Хусусий корхонага солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган тартибда хусусий корхоналар учун давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларнинг доимий ставкалари белгиланади.

Хусусий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг корхона мулкдорининг тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди.

**25-модда. Хусусий корхона фаолиятини текшириш чекланганлиги**

Хусусий корхона фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта, белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## VI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

**26-модда. Хусусий корхоналарнинг бирлашиши**

Хусусий корхоналар ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қонунга мувофиқ ассоциацияларга (уюшмаларга) ва бошқа бирлашмаларга

13

Буклаш чизиғи

тугатилиши соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**30-модда. Хусусий корхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Хусусий корхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 11 декабрь.

15

Қирқиш чизиғи

мулкдорнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи;

устав фондининг миқдори.

Хусусий корхонанинг устави қонун ҳужжатларига зид келмайдиган бошқа қоидаларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

**11-модда. Хусусий корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш**

Хусусий корхона давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади.

Хусусий корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**12-модда. Хусусий корхонанинг устав фонди**

Хусусий корхонанинг устав фонди бўлинмасдир ва уни мулкдорнинг ўзи белгилайди.

Пул, қимматли қоғозлар, пул билан баҳоланадиган бошқа мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар ёхуд бошқа шахсга бериладиган ўзга ҳуқуқлар хусусий корхонанинг устав фондига қўшиладиган ҳисса бўлиши мумкин. Мулкдор хусусий корхонанинг устав фондига ўзи киритадиган мол-мулкни мустақил ба-

6

Буклаш чизиғи

лар тўлашнинг шакллари, тизими ҳамда миқдорини қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил белгилайди.

Хусусий корхонада меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тарафларнинг келишувига кўра, бироқ қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

**20-модда. Хусусий корхона ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш**

Хусусий корхона ўз ходимларига хавфсиз меҳнат шароитларини, ижтимоий ҳимоя чораларини таъминлаши шарт ва уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Хусусий корхона ўз ходимлари учун қонун ҳужжатларида белгиланганига нисбатан имтиёзлироқ меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий шароитларни мустақил белгилашга ҳақли.

## V. ХУСУСИЙ КОРХОНА ФАОЛИЯТИ ЭРКИНЛИГИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

**21-модда. Хусусий корхона молмулкининг национализация ва рек-**

11

Буклаш чизиғи

## III. ХУСУСИЙ КОРХОНАНИ БОШҚАРИШ

**14-модда. Хусусий корхонани якка бошқариш**

Хусусий корхона мулкдори корхонани раҳбар сифатида якка бошқаради, корхона номидан ишончномасиз иш кўради, унинг манфаатларини ифодалайди, хусусий корхонанинг пул маблағларини ҳамда бошқа мол-мулкини тасарруф этади, шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномалари тузади, ишончномалар беради, банкларда ҳисобваракларини очади, штатларни тасдиқлайди, корхонанинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

**15-модда. Хусусий корхона мулкдорининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

Хусусий корхона мулкдори қуйидаги ҳуқуқларга эга:

хусусий корхона уставига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;

хусусий корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

хусусий корхонанинг солиқлар ва

8

Буклаш чизиғи

бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган фойдасидан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш;

хусусий корхонага тегишли молмулкни бошқа шахсга бериш, ижарага бериш, гаровга қўйиш, бошқа юридик шахсларнинг устав фондига ҳисса сифатида киритиш ёки ушбу мол-мулкни бошқача усулда тасарруф этиш.

Хусусий корхона мулкдори қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Хусусий корхона мулкдори:

устав фондини шакллантириши;

ўзига қарашли корхонани якка бошқариши шарт.

Хусусий корхона мулкдори зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**16-модда. Хусусий корхонани вақтинча бошқариш**

Хусусий корхона мулкдори ўзи вақтинчалик бўлмаган тақдирда шу муддатда раҳбарлик вазифасини бажариб туришни бошқа жисмоний шахс зиммасига юклаш тўғрисида ёзма қарор қабул қилади. Хусусий корхона мулкдори муваққат раҳбарнинг хусусий корхона молмулкини тасарруф этишга оид ҳуқуқини

9

Буклаш чизиғи

**JINOYATGA JAZO MUQARRAR**

# ТУТЗОРДА ОТИЛГАН ЎҚ

— Ака, одамларнинг қандай қилиб бир-икки ойда бойиб кетаётганига ҳайронман. Кеча бир ҳолатда юрганларнинг тагида бугун «Нексия», — деди Шавкат акаси Алимга асабий бир ҳолда.

— Бойиб кетаётганларнинг ҳаммаси ҳам ҳалол меҳнати ҳисобига бойимаяпти. Кимдир наркокурьерлик қилади, кимдир талончилик...

— Бир йўлини топинг. Биз ҳам одамлардай яшайлик. «Нексия» минайлик. Ёнимизда жонолар бўлсин.

— Бир ишни анчадан буён режалаштириб юрибман. Ўхшаб қолса, ҳамма ишимиз о'кей бўлади.

— Нима қилишимиз керак.

— Ҳозир нима пул — «КамАЗ» автомашинаси пул. «Запчасть» қилиб юборсак-ку «ҳид-пиди» чиқмайди.

— Бир сўм пулга зор бўлиб яшагандан кўра одамга ўхшаб яшайлик. Қолаверса менинг ишончли дўстларим бор. Ҳамма ишни «есть» қилишади.

Алим эрта тонгданоқ эски таниши Аҳрор Юсуповнинг уйига йўл олди. Кимдандир унда 16 калибрли ов милтиғи борлигини эшитган эди. «Уни оламанда «иш»ни ниҳоясига етказаман», хаёлидан ўтказди Алим.

Аҳрорнинг дарвозасида икки қадрдон кўчоқлашиб кўришишди.

Аҳрор танишини уйига таклиф қилди. Алим узри борлигини айтиб, мақсадга кўчиб қўя қолди.

— Дўстим, Тошкентдан нозик меҳмонлар келмоқчи. Кеча қўнғироқ қилиб бир овга чиқайлик деб қолди. Иложи бўлса, милтигингни уч кунга бериб турсанг.

— Милтиқ билан ўйнашиб бўлмайди. Бирон корҳол бўлиб қолмасин. Лекин сен ишончли дўстим бўлганининг учун майли бераман, — деди Аҳрор минг бир хаёлга бориб.

Режаларининг кўнгилдагидек кетаётганидан Алимнинг кўнгли тоғдай кўтарилиб уйига қайтди. Милтиқни уйига яшириб, ўзи Бектемир туманидаги юк машиналар мижоз кутадиган жойга йўл олди. У ерда эски таниши Андрей Липкинни кўриб қолди.

— Дўстим, бир иш бор сенга. Хизмат ҳақини оласан.

— Сен нима десанг шу. Фақат қиладиган ишимиз қонунга зид бўлмаса бўлди. Яқинда икки нафар ҳамкасбимиз ишкал ишга аралашиб, машинасидан айрилди, бу ҳам етмаганидек қамалиб кетди. Тоза иш бўлса гап йўқ.

— Мен сени жарга итарадиган одамлардан эмасман.

— Хўп келишдик, — деди Андрей унинг гапига ишониб.

— Андрей, унда сен укам Шавкатнинг уйида мени кутасан.

Андрей ваъдага мувофиқ Ўртачирчиқ туманида яшовчи Алимнинг укаси Шавкатнинг ҳовлисида уни кута бошлади. Кечга яқин Алим укасининг уйига келди. Андрейни кўриб Алимнинг кайфияти кўтарилди. Кўз олдига жарақ-жарақ пуллар келди.

Шу ҳонадонда қабиҳ жиноятнинг режаси тузилди. Ака-ука Шавкат Юнусов, Алим Юнусов ва Мақсуд Акромовлар гапни бир жойга қўйди.

— Андрей, далага борамиз. У ерда кўтонда 10 та от бор. Уни машинага ортиб тунда Тошкентнинг чеккасидаги мол бозорга олиб борамиз. Клиент кутиб турибди. Отларни тушириб олишгач, улар пулни жойида беришади. Кеча отларни кўриб кетган. Сен билан ҳисоб-китобни ўша ерда қиламиз.

Қоронғу тушиши билан Андрей «КамАЗ»ни дала томонга ҳайдади. Андрейнинг ёнига Алим, Шавкат, Мақсуд ўтиришди. Алим қопнинг ичига милтиқни солиб унинг устини арқон билан ўраб қўйганди.

— Бу нима сўради, — Андрей.

— Арқон. Отларни машинага чиқаргач, боғлаб қўямиз.

2002 йил 28 октябрь. Зим-зиё тун. Кузнинг совуқ шамоли баданга игнадек санчилади.

— Тутзор томонга ҳайда, — деди Алим Андрейга. Машина тутлар орасига кириб борарди.

— Шу ерда тўхтат, — буюрди Шавкат. «КамАЗ» оғир силкиниб тўхтади.

— Энди ҳамманг туш, — деди Алим асабий ҳолда.

— Қани, отлар. Қани кўтон? — сўради Андрей машина кабинасидан тушмай.

— Пастга тушсанг кўрасан, — совуқ ишшайди Шавкат.

Андрейни энди ваҳима боса бошлади. Ҳамма машина кабинасидан пастга тушди.

— Андрей, сен энди кетавер, «КамАЗ» бизга қолади, — деди Шавкат.

— Номардлик қилманглар. Сизларга ишонган эдим, — деди Андрей кўркув аралаш. Шу пайт Мақсуд Андрейни тутзор томонга итариб юборди. Алим эса милтиқнинг тепкисини кетма-кет босди. Кутилмаган ўқ овозидан қушлар «дув» кўкка кўтарилди. Андрей юз тубан ерга йиқилди. Уни тутларнинг тагидаги ариқчага судраб олиб келишиб устига хазон ташлашди... Эртасигаёқ қотиллар «КамАЗ»ни 2.100.000 сўмга сотиб пулини «арра» қилишди. Туман прокуратураси, ички ишлар бўлимининг саъй-ҳаракатлари туфайли кўп ўтмай жиноят фош қилинди.

Жиноятчиларнинг қилмишидан хабар топиб, жиноятни яширганлар ҳам ўз жазосини олди. Бировларнинг қони ва жони ҳисобига топилган ҳаром бойлик эса ҳеч кимга буюмаслигини жиноятчилар билмаган кўринади.

**Алишер ҲАЙИТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ёрдамчиси.**
**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,**
**«HUQUQ» мухбири**

QONUN BARCHAGA BAROBAR

**Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишида Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутувчи соҳалар ҳақида гапира туриб, кичик ва ўрта бизнесни, тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтган эди. Давлатимиз раҳбари мажлис иштирокчиларига республикамизнинг келажаги, иқтисодиётимизнинг юксалиши кўп жиҳатдан айнан ушбу соҳанинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ эканлигини яна бир бор ўқтириб ўтди.**

# ЎЗЛАШТИРИЛГАН КРЕДИТ

## КИМНИНГ ҲИСОБИДАН УНДИРИЛМОҒИ ЛОЗИМ?

Ҳа, юртимизда тадбиркорлар кўп бўлса, ишбилармонлар сафи кенгайса, Ўзбекистонимиз шунчалик бой бўлади, ҳаётимиз фаровонлашади.

Тадбиркорлик, ишбилармонлик билан шуғулланиш истагида бўлганлар учун эса барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда, ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда. Ўз фаолиятини қонун доирасида олиб бораётган, шу асосда ҳам ўзининг, ҳам юртининг бойишига салмоқли улуш қўшаётган тадбиркорларимиз сони бугун кўпчиликни ташкил этади.

Аммо яна бошқа бир тоифадаги «тадбиркорлар» ҳам борки, уларни ўз манфаатидан ўзга нарсани ўйламайдиганлар қаторига қўшиш мумкин. Бундай «ишбилармонлар» фақатгина шахсий манфаатларини ўйласалар ҳам майли эди, аммо улар шу йўлда бошқаларнинг, давлатнинг қонуний манфаатларига жиддий путур етказмоқдалар. Ўз нафсидан бошқа нарсани кўра олмайдиган «тадбиркорлар» фаолияти узоқ давом этмаслиги аниқ. Бир кунмас бир кун улар қонун олдида жавоб беради, қилмишларига яраша муносиб жазоланадилар. Қуйида баён этилаётган қонунбузарликлардан воқиф бўлсангиз, бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз.

2002 йил 11 март куни Навоий шаҳрида фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркор Обид Каримов Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Навоий вилояти бўлимига ариза билан мурожаат қилиб, 40 миллион сўм кредит беришни сўраган. Ариза банк маъмурияти томонидан дарҳол расмийлаштирилиб, эртаси куни, яъни 12 мартда О.Каримовга кредит ажратиш ҳақида қарор қабул қилинган. 13 март куни эса 40 млн. сўм миқдоридаги маблағ якка тартибдаги тадбиркор О.Каримовнинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилган. Банк маъмуриятининг бундай тезкор иш услубига беихтиёр қойил-э, деб юборишингиз турган гап. Мана, ишбилармонларни ҳақиқий маънода қўллайдиган, ҳеч бир мушкулотсиз оғирини енгил қиладиган банклар ҳам бор экан-ку, деган фикр хаёлингиздан ўтиши ҳам мумкин. Биз ҳам шак-шубҳасиз шунинг тарафдоримиз. Лекин... ҳали бундай кунларга эртага ўхшайди. Тўғри, талаб этилган ҳужжатларингиз жой-жойида бўлса, белгиланган тартибда ҳеч бир монеликсиз кредит олишингиз мумкин. Аммо шундай тақдирда ҳам... бу ишларнинг қанчалар югур-югурлари борлигини лоақал бир марта банкка кредит олиш масаласида мурожаат этган киши яхши билади.

Маълумки, кредит олишни сўраган шахс тегишли ҳужжатларга қўшиб «бизнес режа»ни ҳам банкга тақдим этади. Банк ходимлари «бизнес режа»ни пухта ўрганиб, таҳлил қилиб, кредит режа асосида ишлатилиб, қайтарилишига ишонч ҳосил қилганларидан сўнггина, аниқ бир қарорга келишлари керак. Қизиқ томони шундаки, 40 млн. сўм миқдоридаги маблағни ўзида қамраб олган йирик «бизнес режа»ни ўрганиб чиқишга банк ходимлари бир кунда қандай улгурганлар?! Майли, мавзудан кўп четлаб кетмайлик.

Хўш, О.Каримов қарз сўраган экан, банк кредит берибди, бунинг нимаси ёмон дейишингиз мумкин. Ёмон томони — аниқроғи, қонунбузарликларга қўл урилиши кредит олиш учун талаб этиладиган ҳужжатларнинг сохталаштирилишидан бошланган. Жумладан, ушбу кредитнинг вақтида қайтарилишига кафолат сифатида Навоий шаҳридаги «Флора» қаҳвахонаси ипотека шартномаси асосида гаровга қўйилган. Шартнома Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Навоий бўлими ҳамда якка тартибдаги тадбиркор Обид Каримов томонидан имзоланиб, шаҳардаги 1-сонли давлат нотариал идорасининг нотариуси томонидан расмийлаштирилган.

2002 йил 13 март куни тузилган шартноманинг 8-бандида ***«гаровга қўйилган мулк ушбу ипотека шартномаси тузилгунга қадар бошқа шахсга ўтказилмаган, гаровга қўйилмаган, низода бўлмаган, тақиқ солинмаган»*** дейилган. Аммо... айнан ушбу, «Флора» қаҳвахонаси ҳамда «Гулистон» дўкони ипотека шартномаси тузилган даврда тақиқда бўлган. Бунга асос Навоий вилояти хўжалик судининг 2002 йил 16 февралда чиқарган ажрими эди. Ажримда жумладан шундай дейилади: ***«Даъвони таъминлаш мақсадида ҳозирги мулк эгалари «Флора» қаҳвахонаси ва «Гулистон» дўконини бошқа харидорларга сотиб юбормаслиги ёхуд ўзидан бошқа хилда тасарруф этишни олдини олиш мақсадида, суд ушбу низо юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилиб, у қонуний кучга киргунга қадар бу хилдаги ҳаракатлар тўхтатиб қўйилсин ва бу ажрим мулкни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган корхоналарга ижро қилиш учун юборилсин»***, дейилган.

Ушбу ажримнинг чиқарилиши сабаби, ўша пайтда вилоят хўжалик судида даъвогар — Навоий шаҳридаги «Экспресс-Сервис» тижорат ишлаб чиқариш корхонасининг жавобгар — Республика Кўчмас мулк биржасининг Навоий филиалига нисбатан ким ошди савдосини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризаси кўрилаётганлиги эди.

Хуллас, вилоят хўжалик судининг 2002 йил 16 февралдаги ажрими барча алоқадор ташкилотлар қатори, шу йилнинг 18 февраль куни Навоий шаҳридаги 1-сонли давлат нотариал идорасига ҳам тақдим этилади.

Қисқаси, О.Каримовнинг иши хамирдан қил суғургандек осон битади. У жуда қисқа, атиги икки кун ичида банкдан 40 млн. сўм миқдорида кредит олишга эришади. Олганда ҳам, жуда оғир шартлар билан! Томонлар ўртасида 2002 йил 13 мартда тузилган 2002/2065 -сонли кредит шартномасининг 3.4-қисмида:

«Ежемесячно уплачивать Банку проценты за пользование кредитом 06 числа месяца, следующего за отчетным согласно п. 2.4 в размере:

— по срочной задолженности — 45 % годовых.

— по просроченной задолженности до 30 дней — 58,5 % годовых.

***— по просроченной задолженности свыше 30 дней — 67,5 годовых»,*** **дейилган. Бундай оғир шартларга рози бўлиб, кредит олишга эса мана-ман деган ишбилармоннинг ҳам юраги дов бермаса керак.**

Лекин О.Каримов кредитни олади. Олганда ҳам маблағнинг бирон сўмини банкка қайтармайман, гаровдаги «Флора» қаҳвахонаси эса қулоғини ушлаб кетаверсин, деган пинҳона мақсад билан. Чунки О.Каримов ***2002 йил 7 март куни Навоий вилоят хўжалик суди томонидан 21-02-03/102-сонли хўжалик иши кўриб чиқилиб, Республика Кўчмас мулк биржасининг Навоий филиали томонидан 2000 йил 19 декабрда «Флора» қаҳвахонаси ва «Гулистон» дўконини сотиш бўйича ўтказилган ким ошди савдоси, 2000 йил 19 декабрда тузилган 4/477 ва 4/478-сонли олди-сотди шартномалар ҳақиқий эмас деб топилсин, ҳамда битим ҳақиқий эмаслигининг оқибатлари қўлланилсин, деган ҳал қилув қарори чиқарилганлигидан*** яхши хабардор эди. Ушбу қарор чиққанидан сўнг, орадан 5 кун ўтар-ўтмас, «тадбиркор» тақиққа олинган қаҳвахонани гаровга қўяди. Бундан кўринадики, унинг бу иши ортида ҳам ғараз ният ётган. Яъни, суд қарори асосида мендан олиб қўйилган мулк қонуний эгасига ҳам насиб этмасин, қабилидаги.

О.Каримов кредитни олишга оладию, ойма-ой тўланиб борилиши керак бўлган фоизларни банк ҳисоб рақамига ўтказиб боришни «унутиб» қўяди. Таажжубли томони шундаки, кредитни қайтариш муддати 2003 йил 13 март куни тугаганлигига қарамасдан, банк маъмуриятининг парвойи палак бўлиб юраверган. Ишончли бўлмаган, ҳали синалмаган мижозга давлатнинг катта маблағини бериб юбориш камлик қилгандай, мижоз шартнома шартларини бажармаса ҳам банк мутасаддилари мум тишлаб юраверишган. Аслида эса банк О.Каримовга мажбуриятларини вақтида эслатиб қўйиши, бу билан иш чиқмаган тақдирда эса алданганликларини тан олиб, қонуний чора кўриши сўраб прокуратурага мурожаат этишлари мумкин эди.

Бу ҳам майли, Навоий вилоят хўжалик судининг 2003 йил 5 февралдаги «Флора» қаҳвахонасининг хатланганлиги тўғрисидаги ажрими 13 та ташкилот қаторида Миллий банкнинг Навоий вилоят бўлимига ҳам юборилган. Қизиғи шундаки, банк ушбу ажримни олганидан сўнг О.Каримов томонидан алданганлигини билса ҳам, кредитни қайтариш юзасидан бир йилдан зиёд вақт мобайнида тегишли чораларни кўрмаган. Ёки банк маъмуриятини О.Каримов қандай қилиб «иссиқ-совуқ» қилганки, уларнинг шунча вақт бу қадар хотиржам юришлари кишини ажаблантирмай қолмайди.

Кеч бўлсада, охири банкдагиларнинг кўзлари «очилади». Кўзлари очилган тақдирда ҳам уларнинг қилаётган ҳаракатларидан одам ҳайратга тушади. Сабаби, ишда иштирокчи бўлмаган, яъни Навоий вилоят хўжалик судининг 21-02-03/102 сонли иши бўйича ариза бериш ҳуқуқига эга бўлмаган Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Олий хўжалик судига 2003 йил 26 декабрда ариза йўллаб, қабул қилинган суд қарорларини бекор қилишни сўраган.

***— Энг муҳими, юқоридаги иш бўйича қабул қилинган қарорлар бир неча маротаба Олий хўжалик суди томонидан назорат тартибида ва шунингдек, Республика Бош прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилиб, вилоят хўжалик судининг қарори мазмунан тўғри ва қонуний бўлганлиги сабабли, ўз кучида қолдирилганлигини*** билган банк нима учун вақтни йўқотиб, кредитни ўзлаштириб юборган якка тартибдаги тадбиркор О.Каримовдан қарзни ундирмасдан, бошқа мақсадларда ариза-бозлик қилиб юрганлиги кишини таажжублантиради, — дейди «Экспресс-сервис» ТИЧ корхонаси бош директори Шоди Исмоилов.

Қизиқ, нега сувни лойқалатган, банк ходимларини роса лаққиллатган якка тартибдаги тадбиркор О.Каримовга нисбатан чора кўришни сўраб тегишли ташкилотга мурожаат қилиш ўрнига, миллий банкдагилар суд қарорларини бекор қилдириш йўлига ўтиб олдилар? Улар нахотки, тақиқ солинган «Флора» қаҳвахонасини гаровга олиб, амалдаги конунлар талабларига зид ҳужжатни суд томонидан қўлланмаслигини била туриб ноқонуний тузилган ипотека шартномасига биноан мулкни ололмасликларини тушунмайдилар?! Қолаверса, тақиққа олинган мулкни гаровга қўйиб ипотека шартномаси тузилишининг ўзи ЖИНОЯТ эмасми?!

Хуллас, кишини ўйлантираётган саволлар талайгина. Ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан ўзганинг жуда катта миқдордаги мол-мулкини ўзлаштириб олган, давлат манфаатларига жиддий зарар етказган якка тартибдаги тадбиркор О.Каримовнинг қилмишларига қачон, ким қонуний баҳо беради? Ўзлаштириб юборилган 40 млн. сўм миқдоридаги кредит кимнинг ҳисобидан ундирилмоғи лозим? Якка тартибдаги тадбиркор О.Каримовнинг ҳисобиданми ёки «Экспресс-Сервис» ТИЧ корхонаси ҳисобидан?

**Д. ИСЛОМОВ,**
**«HUQUQ» мухбири**

JINOYATGA JAZO MUQARRAR

# ОДАМ ҚИЁФАСИДАГИ ЙИРТҚИЧ

**Дунёда шундай инсонлар борки, уларнинг қалби ёвузликка макондир. Улар учун яшашнинг ҳам маъниси йўқ. Кўнгиллари нимани тусаса, шуни истайдилар ва амалга оширадилар. Ҳар қандай ёвузлик кўлларидан келади. Қайтаришга урингганларни эса соғ қўймайдилар. Улар на ёзилган ва ёзилмаган қонунларни, на ота-онаси-ю жигарларини тан олади. Бундайларни бир сўз билан одам қиёфасидаги йиртқичлар деб аташ мумкин.**



*Бирин-кетинқўтарилган тўрт тобутқишлоқ кўчасини тўлдириб турган минглаб одамларнинг қалбини ларзага солиб юборди. Бир кунда онаси ва опаларидан жудо бўлган Зулхумор нинг дод-фарёдимарҳумларнинг яқинлари йиғисини босиб кетарди. Жамоа нафратга тўла қалб туғёнини аранг босиб, Бирлашган қишлоғи четидаги қабристон томон оқиб борарди. Хўжакўрсонда сочлари оқариб, юзёшин қаршилаётган бобо-ю момолар ҳам бу даражадаги мудҳиш воқеани эслай олишмади...*

## ҲАҚИҚАТ

Абдулло Чортоқ тумани Гулдиров қишлоғида яшовчи, икки фарзандинг онаси Моҳиранинг ўйидан чиқиб, шоҳбекатга етиб келганида қош қорайиб, қишнинг аччиқ изғирини турган эди. Ҳозиргина эшиттан дашномлари қулоғи остида ҳамон жаранглаб турарди. Йўллар айри кетган. Энди иккисидан бирини танлашга мажбур. Эр-каксиз, ноқорғина рўзғор тебратиб келаётган онаси Ҳуриниса, сингиллари Райҳона, Роҳила, Зулфия, Зулхумор лар бир тарафу, 2002 йил август ойида танишиб ошику беқарор бўлган, қонуносиз уйланмоқчи бўлиб юрган Моҳира Тўрабоева иккинчи тарафда турарди.

Ҳарбий хизматдан қайтгач ҳам бирон фойдали меҳнатга бўйни ёр бермай тирик товон бўлиб юрган Абдуллога ўйнаш этагидан тутиш мушкул эди. Чўнтаккўруқ бўлганидан кейин ким ҳам у билан гаплашарди. Бир неча дақиқа олдин йўлкира учун арзимас пул берган Моҳира бу гал гапни қисқа қилди:

—Мен билан турмоқчи бўлсанг ҳовлини бўшатасан! Аксҳолда қорангни кўрсатма. Сендақа мири қуруқлардан тўйганман. Бу ёғини ўзинг ҳал қил!

Абдулло бу гапларни биринчи марта эшитаётгани йўқ. Уч кундан кейин яна «соғиниб» Моҳиранинг эшигига бораверади.

Тун яримлаб қолган. Ой кўринмайди. Совуқ, атроф қоронғи. Ҳуриниса ая хонадонининг кўча эшиги аввал икки марта тепилиб, кейин кетма-кет муштланди. Болаларини ётқизиб эндигина кўзи илинган ая тақир-туқурдан чўчиб, ўрнидан туриб кетди. Аввалига нима бўлаётганини фаҳмлай олмай даҳлизнинг қира чироғида бир пой калишини ачгачга тополмай овора бўлди. Ёмғир аралаш майдалаб ёғаётган қор қуруқ йўлкани анча ивитиб улгургани сабаблитезроқ ўришнинг имкони йўқ эди. Сирғана-сирғана бориб эшик илгагини туширган онаизор ўнг чакка аралаш елкасига тушган қаттиқ зарбдан гандираклаб, деворга бориб урилди. Орқага қайтиб, қўлмак устига ўтириб қолди. Кетма-кет тушган икки тепки уни батамом ҳолдан тойдирди. Шу дам Абдулло нима қилаётганини билмас, ичкилик уни батамом ўз ҳукмига олганди. Оғзидан боди кириб, шоди чиқар, овозининг борича сўкинарди. Шовқин-суроннан уйғонган тўрт қиз олдинма-кетин ҳовлига чиқишди. Зулхумор оёқ кийимини тополмай, остонада туриб қолди.

Абдуллонинг важоҳатидан юрак олдириб кўйган сингиллар бу сафар ҳам ўзларини четга олдилар. Шу вақт Райҳонанинг кўзи кўча эшигининг тагида ётган онасига тушди-ю, ўша томонга югурди. Уч опа-сингил қалт-қалт титраётган оналарини базўр етаклаб уйга олиб кириб ётқиздилар. Роҳила онаизорга сув кўтариб кирганда уч опа-сингил оналари бошида йиғлаб ўтиришарди. Бунга улар ўрганиб қолишган. Бекорчиликни ўзига касб қилиб олган Абдулло бунга ўхшаш «томоша»ни ҳафтада икки-уч кўрсатмаса кўнгли жойига тушмайди. Баъзан оналари қатори сингиллар ҳам калтакдан «бахраманд» бўлишарди. Фақатгина оналарининг «Қизлик уй, ёмонотлиқ бўлиб юрмайлик, уйдаги гапни кўчага чиқарманглар» деб зорланишларини ларнинг шаштидан қайтарарди. Бу сафар чидаб туришолмади.

Тушга яқин кўзини очган Абдулло тепасида маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маъруфхона ака билан ҳудуд профилактика нозири Абдулбоқиларни кўриб хушёр тортди.

Тоғалари, маҳалла фаолларининг уни ўртага олиб қилган панд-насиҳатлари сувга тушган тошдек бесамар кетаверди. Кўпчилик маслаҳатлашиб Абдуллони онаси билан 1995 йили ажрашиб, бошқа аёлга уйланиб кетган отаси Жўрабоев Ибодулланинг тарбиясига бериш мақсадида уйига олиб боришганда, у ўғлини энди эпломласлигини баҳона қилиб, қайтариб юборган. Аҳволнинг яна эскича қолиши бир кунмас-бир кун катта бир фожеани келтириб чиқариши аниқ эди. Кунлар кетидан ҳафталар шу алфозда ўтарди. Абдулло шаҳидан тушмас, қаердан бўлса ҳам пул топиб Моҳиранинг олдига бориб-келишни режалаштириб юрарди. Ўшанда 2002 йил ноябрь ойининг охирги кунлари эди. Ҳуриниса ая Абдуллога 10 минг сўм бериб, катта онаси Озода Жўрабоевага кўз дорисси олиб келишни тайинлади. Абдулло эса ўша куниёқ дорихона бир ёқда қолиб Моҳиранакига етиб борди. Пултугунчакайф-сафо қилишди. Моҳиранинг бу сафар анча кўнглитўлиб, Абдуллони нозу карашмалар билан кузатиб қўяр экан, «Онангизга сиздан кечсам кечаман-ки, Моҳирадан кечмайман деганларингиз эсингиздами?» дея эслатди. Бу гап Абдуллонинг тоқатини тоқ қилди.

2002 йил 11 декабридаги тун унинг учун уйқусиз кечди. Қарори қатъий. Уйдагиларни йўқ қилиб, Моҳирани ҳовлига кўчириб келади. Ота мерос уйга яккаэгалик қилиш учун фақат шу йўл қолди. Бу иш учун аввалдан ҳозирлар кўйган қалинлиги қаттиқ темир иш бериши мумкин. Кеча онасининг ғўзапоя ларни томга олиб чиқиб тахла деган топшириғи унга оғир бо тди. Ишни ярмида қолдириб, намозшомда уйга қайтди. «Йўқотишни» ҳеч ким йўғида, битта-битта қилмасам жиноятим фош бўлиши мумкин» деб ўйлади у.

## РАЗОЛАТ ГИРДОБИ

2002 йил 12 декабрь. Соат 11 дан 5 дақиқа ўтди. Уйда катта синглисидан бошқа ҳеч ким йўқ. Райҳона мактабга кетиш олдидан қуруқ нон билан чой ичарди. Бехосдан бошига келиб тушган зарб бир зумда уни ер тишлатди. Вақтсиз йиғлашганака жигарбандини босиб, қон қўллари билан бўйнига чилвир ташлади. Бегуноҳ покиза қиз шу йўсин жон таслим қилди. Жасадни омборхонага яшириб келган Абдулло иккинчи қурбонини кутарди.

Соат 13 га яқинлашганида остонада онаси Ҳуриниса ая кўринди. Ўзини босишга ҳаракат қилаётган қотил ўғил онасидан кўзини олиб қочишга уринарди.

—Қишлоқ фуқаролар йиғинига чиққандим. Ёрдам пулини эртага беришар экан, —деди Ҳуриниса ая ўғлининг ҳолатига парво қилмай. Райҳона қани?

—Дугонасиникига чиқиб кетуди, ҳозир келиб қолар, —деди Абдулло зўрға ўзини тутиб.

—Уйда бўлгин. Сингилларинг мактабдан келиб қолишади. Мен Маҳмуд ақанинг хотини билан мажлисга чиқиб кетаман. Маҳаллада йиғин бўларкан.

Мажлис баҳона бўлиб, Ҳуриниса ая умри яна бир неча соатга чўзилганини ўзи ҳам билмасди.

Кўча эшик ёпилиши билан йиғит яна уйга кириб, боя ишлатган «қурол»ини латтага ўраб, дераза пештоғига яширди.

Соат 14 дан ошди. Абдуллонинг бетоқатлиги энди яққол намоён бўла бошлади. У асабийлашар, уй билан кўча эшик ўртасида бўзнининг мокисидек бориб-келарди. Бир пайт очиқ эшикдан кенжа синглиси Зулхумор кўринди.

—Роҳила қани?— деб сўради Абдулло Зулхумор нинг тутилавериб рангида ранг қолмаган папкасидан тортқилаб. Онаси, сингиллари билан уришиб-талашганда Зулхумор доимо акасига ҳайрихоҳ бўларди. Шу сабаб уни аяди.

—Қани тез бўл! Онам тайинлаб кетди. Тоғаникига бориб ётиб, эртага «чиғириқ» олиб келаркансан.

Зулхумор акасининг важоҳатидан қўрқиб, оч-нахор тоғаси Абдурахмоннинг уйи томон кетди.

Соат 15 ларга яқин оиланинг учинчи фарзанди Роҳила ( 1985 йилда туғилган) мактабдан қайтди.

Бугун бу хонадонга ажал уруғи сочилганидан бутқул бехабар бечора қиз уйга кириб чиқиши билан акасининг қаҳрига рўпара келди.

—Бирон ишга фойдаларинг тегадими ўзи? Бор омборга, олмалар чириб ётибди, тозала, —деди Абдулло даҳдаҳа билан.

—Чой ичиб олай, қорним очди, —деди Роҳила қўлидаги чойнакка даҳлиздаги челакдан сув солар экан.

—Сенга нима дедим!?.

Роҳила ишини чала қолдириб, омборхонага кириб кетди.

Жаҳолат камарини маҳкам боғлаган Абдулло «ажал қуроли»ни олиб оёқлари қалтираганча омборхона эшигини ичкарисидан қулфлади. «Жаллод ака» ўн гулидан бир гули очилмаган Роҳиланинг ҳам ҳаётига зомин бўлди.

«Яна иккитаси қолди. Уларни ҳам бугун... Кейин уй-жой, ҳаммаси ўзимники...» дея пичирлади у қон қўлларини даҳлизда ювар экан.

Соат 17 дан ошди. Кўчадан ҳовлиқиб кириб келган Ҳуриниса ая кечки овқат қилиш вақти ўтиб кетганлиги боис апил-тапил ошхона томонга ўтди. Негадир кўнгли безовта. Шу вақтгача бирон қизи уйда кўринмайди? Ўғлининг бугун уйдан чиқмаганлиги аяга эриш туюла бошлади. Ошхонада куймаланаётган Ҳуриниса ая очиқ деразадан Абдуллони чақирди. Бадбахт ўғил эса бу дам норасидалар бошига ярлиб қанга бўялган темир парчасини кўйинига жойлаш билан овора эди. Икки жон гуноҳ тинч кўймаётган қўллари тинимсиз қалтирарди. Навбат онаизорга келганда Абдуллонинг кўнглида қандайдир ҳадик, ачиниш бир зум ялт этди-ю, тезда разолат гирдобига ғарқ бўлди. Энди унинг учун орқага қайтиш йўқ! Чунки «иш»нинг ярми битган, бир ҳаракат мол-мулк эгалигининг кафолати эди.

Қуръони карим сураларида, муқаддас ҳадисларда оналар энг юқори пардаларда эъзозланади. Бекорга жаннат оналарнинг оёқлари остида деб айтилмайди. Абдулло булардан бехабар. Худбинлик унинг қулоғини кар, кўзини кўр қилган.

Вақт ўтиб борарди. Онаизор ундан фақатгина қизлари қаердалигини билмоқчи эди, холос. Ҳуриниса ая Абдуллони иккинчи марта чақириш га улгура олмади.

Ичкари уйдаги кўрпа тахлами тагидан қуритилган қўкат олмоқчи бўлиб энгашганини билади, боши узра орқа миясига қаттиқ нарса урилганини пайқади, холос. Қулоқ, бўйин аралаш шариллаб оқаётган қон она кўксини бўяб улгурди. Абдуллонинг кўзига хона ярада қоронғилашиб кетгандек бўлди. Оғриқ зарбидан инграётган Ҳуриниса ая қаддини бир ростлади-ю, гурсиллаб йиқилди. Буткул эс-ҳушини йўқотган Абдулло ҳамон жон таслим қилиши қийин бўлаётган онасининг тепасида қаққайиб турарди. Ҳуриниса ая оғриқ зарбиданми, орқасида тирик етим бўлиб қолаётган қизлари эсига тушдими, ҳарқалай бор кучини тўплаб деворга суяниб турмоқчи бўлди. Туролмади. Лабиҳетидан оқиб турган қон зардобидан бир ютинди-ю, оғзини очганича номард ўғил юзига қараб қолди. Абдулло анча ўзига келган, лекин ваҳшийлик ҳали уни тарк этмаган эди. Қўлидаги темирни отиб юбориб ёрдам илинжида нурсиз кўзлари билан термулиб турган онаизорини бўғиб ўлдирди. Навбат тўртинчи қурбонга келганди. У ҳозир бу ерда эмас. Абдулло ошхона эшигини зичлаб ёпиб, чироқни ўчирди. Сўнг гандираклай-гандираклай кўчага чиқиб, Говозон қишлоғи томон кетди.

Катта отаси Эшонхон отанинг ҳай-ҳайлашлари зое кетди.

—Уйдагилар эртага Нанайга олма тергани боришмоқчи, ойим айтиб юборди, —деб 1986 йилда туғилган учинчи синглиси Зулфияни ҳам уйига бошлаб келди.

Будам соат 20 дан ошган, уйда ҳеч ким кўринмасди. Ваҳимага тушган Зулфия онаси, опа-сингилларини сўради. Ёш бўлса ҳам анча зийрак сингил акасини ҳеч қачон бу ахволда кўрмаганлигиучункиннчи марта сўрашга ботинолмади.

—Улар кўшниникига чиқиб кетишган. Ҳозир чиқишади, —дея Абдулло яна ёлғон гапирди.

Бўлиб ўтган фалокатлардан бехабар сингил, катта уйга кириб мактаб формасининг йиртилган жойини тикиб ўтирарди. Орадан 15 дақиқа ўтар-ўтмас катта уй ҳам дод-фарёдичида қолди. Ўша усул. Темир, чилвир ишга солинди. Ҳадеганда жон таслим қилиши қийин бўлаётган Зулфия оғзига қўлқоп тиқиб қўйилгандан кейин ҳам анчагача оёқ-қўлини қимирлатиб ётиб, охири тинчиб қолди.

«Тамом! Энди уй-жойга ҳам, мол-мулкка ҳам ҳеч ким даъво қилолмайди. Моҳирани олиб келаман» дея ҳаёлидан ўтказди Абдулло.

## КЎРКУВ

Тўрт жигаргўшасининг умрига зомин бўлган қотил олдида яна бир муаммо турарди. «Ларни яшириб, жиноятизинийқотиш керак! Лекин қаерга?». Абдулло энди шулар ҳақида ўйларди.

«Қурол»ини оғил шифтига яшириб келиб остонага тўириб олди. У тинмай «бу-ларни бирон ерга яшириш керак, қўмиш керак» дея такрорларди. Қилиб қўйган ишидан ҳайиниссе, юраги тошга айланиб бўлган эди. Қоронғи ховлига ўғри мушукдай боқар, бир тўхтамга ҳеч келолмасди. Бирдан унинг совуқ нигоҳи ҳовли ўртасидаги тупроғи сувоққа олиниб, пасайиб қолган хандаққа тушди. Бироз ўйланиб турди-да, бошқа илож тополмагач, сопи синган белкурак билан уни қазий бошлади. «Ўғрининг оёғи қалтирар» деганларидек тез-тез кўча эшикка қарабқўяр, бирон киши келишидан хавотирланарди. Бироздан кейин майдалаб ёмғир ёғка бошлади. Абдулло бунга парво қилмас, нима бўлса ҳам ишни тезроқ тугатиш истагида кора терга ботиб «гўр» қазирди.

Абдулло дастлаб онасининг мурдасини уйдан судраб чиқиб чукур четидан пастга итариб юборди. Олдинма-кейин сингиллари Зулфия, Райҳона ва Роҳилалар онаси ёнидан кафансиз жой олдилар. Уларнинг устига эски шолча, кўрпачалар ёпилди. Кўп ўтмай тупроқ тортилиб, теп-текис қилиб ховли юзасига қўшиб юборилди...

Ҳоласиникида ётиб қолган кенжа Зулхумор эртаси куни соат 8 ларда уйга келибоқ акасидан онаси, опаларини сўроқлади.

Кечаси билан ухламай, уй, даҳлиз ва омборхонани эпақага келтирган Абдулло:

—Уйдагилар Нанай қишлоғига олма саралагани кетишди, 3-4 кун қолиб кетишлари мумкин, катта отамга айтмай турар эканмиз, —деди.

Ҳафталар ўтса ҳам «хизматга кетган»лардан дарак бўлавермади. Зулхумор нинг йиғлайвериши, қариндош-уруғларнинг қистови билан Абдулло иккинчи марта Нанайга «бориб келди». Ҳамон тайинли гап йўқ. Бу орада икки кун қорасини кўрсатмаган Абдулло учинчи куни қишлоққа Моҳирани бошлаб келди...

Орадан 26 кун ўтгач, кутишнинг фойдаси йўқлигини тушуниб етган қариндошлар тазйиқи билан Абдулло тумани ИИБга бедарак кетганлар ҳақида ариза берди. Вақт ўтиб борар, сўраб-суриштиришлар бесамар кетарди...

Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ деганларидек Абдулло жазоманиби лан қонунсизяшаб юрган кезларида яна бир жиноятга қўл урди. Тирикчилик учун пул зарур эди.

Биргина йўл —ўғирлик билан пул топиш. Абдуллоузоққа борибўтирмай, қўшниси Абдувосит Мақсудов хонадонини уч марта «тозалаб» чикди. Шубҳа остига олиниб, тинтув қилинганда ховлида қўшнисининг 964 минг сўмлик мол-мулки яшириб қўйилганлиги аён бўлди.

2003 йилнинг 9 сентябрь кунидаги воқеа иккинчи жиноят очилишига олиб келди. Ховли туман прокуратураси, ИИБ ходимлари ва маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари билан тўла эди. Ҳудуд профилактика нозири Абдулбоқи Умаров тасодифан бироз пастлаб қолган хандақ устидан юриб ўтди. Шунда рўпарасида турган Абдулло беихтиёр олдинга қараб қадам ташлаб нимадир демоқчи бўлди-ю гапиролмай қолди. Унинг рангида ранг қолмаганди. Абдулбоқи ҳеч нарса сезмагандек унинг ёнидан ўтиб ўғирликни расмийлаштираётган прокуратура ходимининг ёнига келиб, тезда орқасига қайрилди.

Абдуллонинг авзойи бузуқ эди. Нозир ўша куни ҳеч кимга индамаган бўлсада, эртаси куни ҳам, ундан кейин ҳам хаёлидан ўша кунги ҳолат ҳеч кўтарилмади.

Нега Абдулло ўзини йўқотиб қўйди? Нега хандақдан ўтаётганда юраги ўйнаб кетди?. Бир йўла тўрт инсонни йўқолиб қолиши унинг ҳолатига боғлиқ эмасмикан? Нозир таваккал қилиб туман ИИБ раҳбариятига мурожаат этди. 2002 йилнинг 12 декабр куни қилинган жиноят орадан 294 кун ўтгандан кейин фош этилди.

1981 йил 2 декабрда туғилган, бирон ҳунар, бирон ишнинг бошини тутмаган Абдулло Жўрабоев айбига тўла иқрор бўлишдан бошқа чора топа олмади.

## ХОТИМА ЎРНИДА

Мақолага нуқта қўйишдан аввал бу жиноят сабаблари, унинг олдини олиш имконияти бўлганлиги ҳақида фикр юритилса, фойдадан хали бўлмас деб ўйлаймиз. Ота-боболаримиз ўгитлари, суҳбатларини эсласак, аввалларида ҳар бир уруғда бир сўзли, қатъиятли қариялари бўлиб, айтганларини ҳеч ким икки қилолмас эди. Тўй-маъракалар уларнинг маслаҳатисиз ўтмасди. Қайси оилада нохушлик бўлса улар айтиб келиниб, масала ижобий якун топарди. Бир болага етти қўшнининг эътибори қаерда қолди? Хизматюзасидан турли давраларда бўламиз. Турли инсонлар билан мулоқот қилишимизга тўғри келади. Очиғини айтиш керак, кейинги вақтларда мана мен деб отилиб чиқадиган, гапини ўтказадиган қарияларимизни кам учратамиз.

Қотил деган тавқ-лаънатни бўйнига илган қаҳрамонимиз Абдулло катта бўлган Бирлашган қишлоғида наҳотки уни бу мудҳиш йўлдан қайтаришга қодир кишилар топилмаган бўлса? Албатта, бундай воқеалар ҳар биримизни ҳушёрликка даъват этиши керак.

Ҳа, инсон атиги бир лаҳзалик умри давомида қандай ишларга қўл урмайди дейсиз. Истардикки, ҳаёт сўқмоқларида ҳечқачонадашмай, фақатмангликкадаҳтдор эзгу ишлар билан машғул бўлайлик. Инсоний қиёфа ортидаги ёвузликдан эса Яратганнинг ўзи асрасин.

**Зайнулла БОЙМУХАНОВ,**
**Республика Бош прокуратурасининг бўлим бошлиғи.**
**Улуғбек РАҲИМОВ,**
**Наманган вилоят прокуратурасининг прокурор-криминалисти**

YOSH TERGOVCHILARGA YORDAM

**Маълумки, жиноят ишларини тергов қилишда экспертизанинг роли катта аҳамиятга эга. Чунки ҳар қандай жиноят содир бўлган жойда айбланувчи изининг қолганлиги жиноятни ўз вақтида очиш учун хизмат қилади. Бундай изларнинг қандай объектлардан қолганлигини аниқлаш учун криминалистик экспертизанинг ўтказилиши зарур.**

# КРИМИНАЛИСТИКА ЭКСПЕРТИЗАСИ

## УНИНГ ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ОЧИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Жиноятни очиш кўп куч ва фикрни талаб қилади. Тергов ҳаракати шу билан ижодий иш ҳисобланади. Кўпчилик жиноятчилар жиноятни содир қилишдан олдин, ҳеч қандай из қолдирмасликка ва жиноятнинг ким томонидан содир қилинганлигини билдирмасликка ҳаракат қиладилар. Лекин қанчалик уринилмасин, албатта, жиноят жойида из қолади.

Чекиб ташланган папирос ёки сигарета қолдиғи, жиноятчининг бармоғидан қолган кўринмас излар, бузиш қуролидан қолган излар жиноят ишида асосий далил ҳисобланиши мумкин. Бу излар мутахассиснинг махсус текширишидан сўнг қимматли далил кучига эга бўлади. Кейин эса бундай «тилсиз гувоҳлар» жиноятни очиш учун манба бўлиб ҳисобланади.

Далилий ашёларни текшириш учун махсус билимга эга бўлган мутахассислар ўз соҳалари бўйича иш олиб борадилар. Бунда турли хилдаги илмий методларни ва махсус асбобларни ишлатиш зарур бўлади. Бу ишлар бўйича тергов органлари махсус текширишлар ўтказиш ҳуқуқига эга бўлмаганлиги сабабли жиноят иши бўйича экспертиза тайинлашлари лозим. Дастлабки тергов ва суд топшириқларига асосан текширишларни махсус билимга эга бўлган мутахассислар ўтказиб ўз вақтида асосли хулоса беришлари керак.

Суд-экспертиза муассасаларининг фаолияти жиноятчиликка қарши кураш ишига бевосита ёрдам кўрсатишга қаратилган бўлиб, улар махсус текшириш усуллари ва воситалари билан тергов, суд органларига жиноят изларини топишда, очишда, айбдор шахсларни фош этишда, содир бўлиши лозим бўлган жиноятларнинг олдини олишда ёрдам берадилар.

Ўзбекистон Жиноят процессуал кодексининг 173-моддасида қандай жиноий ишлар бўйича экспертиза тайинлаш ва уни ўтказиш мажбурий эканлиги белгиланган. Мазкур моддада жиноят ишларини кўриб чиқишда экспертиза ўтказмасдан туриб, терговни тамом қилиш мумкин эмаслиги назарда тутилган.

Экспертизани тайинлаш лозимлиги ЖПКнинг 172-184-моддаларида процессуал жиҳатдан расмийлаштирилган.

Одам ўлимининг сабабини аниқлашда у ўзини ўлдирганми ё биров ўлдирганми, табиий офат туфайли ҳалок бўлганми ё транспорт ҳодисаси натижасида вафот этганми, хуллас, шу каби саволлларга жавоб топиш учун албатта, суд-тиббиёт экспертизаси тайинланиши шарт.



Баданга етказилган шикаст даражасини Жиноят кодексининг бирорта моддаси билан квалификация қилиш учун ҳам экспертиза тайинлаш белгиланган. Чунки бунда жароҳат жабрланувчининг қаерига — бош, суяк, умуртқа суяги, кўкрак қафаси, қорин ва тананинг бошқа қисмларига етказилганини, ўпка, жигар, буйрак, ичак ва шу каби аъзолар эзилган ёки ёрилган эканлигини аниқлаш лозим.



Одамларнинг танасига шикаст етказиш натижасида унинг касбига оид меҳнат қобилиятининг йўқолганлик даражасини аниқлашда ҳам мутахассисларнинг махсус билими талаб этилади.

Тергалаётган жиноий ишлар бўйича тўпланган ҳар қандай фактик маълумотлар далил бўлиб ҳисобланади. Терговчи ёки суд ана шу фактик маълумотлар асосида маълум ижтимоий хавфли жиноят ишини тўғри аниқлайди.

Кўпинча жиноятларни очишда ва аниқлашда далил бўладиган буюмларни топиш, ўрганиш зарур бўлади. Қонунга мувофиқ жиноятни содир қилиш қуроли бўлиб хизмат қилган ёки ўзида жиноят изини сақлаб қолган буюмларни ўрганиш ва аниқлаш учун экспертнинг хулосаси керак.

У ёки бу жиноятни содир қилган шахслар воқеа жойида далил бўладиган ҳар хил нарсалар, буюмларни қолдиради. Масалан, ҳодиса жойидан топилган кастюм тугмаси, соч толаси, тирноқ излари, қон томчилари, порох заррачалари ва бошқа объектлар моҳир, тажрибали терговчи учун жиноятни ўз вақтида фош этувчи муҳим ва асосли далил ҳисобланади.

Масалан, гумонланувчи сифатида ушланган З.нинг уйидан олинган 40-ўлчамли туфли ва калитлар К.нинг эшигининг қулфи билан биргаликда экспертизага юборилганда, девор тагидаги оёқ изларидан бири З.нинг туфлисидан қолганлиги ва К.нинг уйи эшигидаги қулфни қайси калит билан очилганлигини 47 та калитнинг ичидан бирини ажратиб кўрсатиб тасдиқланган.

Ушбу мисолдан кўриниб турибдики, жиноят содир бўлган жойда қолган учта оёқ излари ёрдамида биргина ўғрини эмас, балки иккита айбланувчининг топилишига ва қулфни 47 та калитни қайси бири билан очилганлигини экспертнинг олиб борган текширишидан сўнг топилганлиги, экспертнинг берган хулосаси жиноят ишини тергов қилишда қанчалик аҳамиятга эга эканлигидан далолат бериб турибди.

Худди шунга ўхшаш яна бир мисол: участка инспектори тунги соат 3 да кўчада қоп кўтариб кетаётган икки кишини кўриб, «тўхтанглар», деганда уларнинг иккиси ҳам қочиб кетганлиги ва бирининг орқасидан қувиб ушланганлиги ҳақида эрталаб бўлим бошлиғига хабар берган. Бўлим бошлиғи уни ўқиб бўлмасданоқ, темир йўл касалхонаси омборини бузиб, ичидан касаллар учун сақланган пишлоқ, ширинликлар ва халатларни ўғирлаб кетганлиги ҳақида телефонда хабар келади.

Милиция томонидан ушланган Виктор исмли 27 ёшли йигит мен милиционердан қочмадим, аксинча милиционердан қочган бегона кишини орқасидан қувлаб ушламоқчи бўлдим, милиционерга ёрдам бермоқчи эдим, деб кўрсатма берган.

Терговчи томонидан жиноят содир бўлган жойдан топилган бармоқ изи, пишлоқдаги тиш изи ўғриларнинг ким эканлигини аниқлашда жуда қўл келади.

Терговчи воқеа содир бўлган омбордаги стол устида турган пишлоқнинг бир чеккасида тишлар изи борлигини аниқлаб, омбор мудиридан «сиз пишлоқ еганмисиз?» деб сўрайди. Мудир «йўқ, мен кечкурун стол устида ҳеч нарса қолдирмаганман», деб жавоб беради. Терговчи шундан сўнг пишлоқни жиноятчилар еган бўлса керак, деб гумон қилади.

Худди шу стол устида турган стаканда ҳам бир неча бармоқ излари қолганди. Жиноятни содир этишда гумонланган Виктор ва омбор мудирининг бармоқ изларидан нусха олиниб текшириш учун экспертизага юборилган. Тиш изи Викторнинг тишларига мансуб эканлиги ва стакандаги бармоқ изларининг иккитаси омбор мудирининг, 3 таси эса Викторнинг ўнг қўлидаги бош, кўрсаткич ҳамда ўрта бармоқларнинг изи эканлиги экспертининг хулосаси билан исботланади.

Шундан сўнг Викторнинг милиционерга ёрдам қилиш мақсадида номаълум кишининг орқасидан қувлаганлиги эмас, балки шеригининг орқасидан қочганлиги аниқланади.

Баъзи актларда экспертларнинг ёрдами билан оддийгина, кичкина ҳарфлар билан ёзилган жиноий ҳаракатлар орқали катта жиноий ишларни очиш мумкин бўлади. Масалан, бир жойда узоқ ишламаган Б.исмли шахс 60 ёшга тўлганлигини билгандан сўнг меҳнат стажини ҳисоблаб кўрган. Пенсияга чиқиш учун стажи етмаслигини билиб, меҳнат дафтарчасидаги жами 5 йил 4 ойлик стажини 23 йил 4 ой қилиб ўзгартириб қўяди.



Бир жойда 2 ойгина ишлаган бўлишига қарамасдан унинг олдига «18 йил» деб қўшиб ёзади. Ҳужжатни сохталаштиришда ёзувларни сиёҳ рангли дастхат кўринишларига жуда ҳам ўхшатишга ҳаракат қилади ва ўзича «ўтиб кетган 20 йилни қўшиб ёздим, уни ҳеч ким текширмайди, архивдан топ-майди», деб, ўйлайди. Кейин меҳнат дафтарчасини бошқа ҳужжатларига қўшиб ижтимоий таъминот идорасига олиб боради. Лекин ижтимоий таъминотдаги хизматчилар меҳнат дафтарчасининг эгаси «Борис»нинг бир жойда 3-4 ойдан ортиқ ишламаганлиги, лекин меҳнат дафтарчасининг варақлари ёзувлар билан тўлиб-тошиб кетганлигини ҳисобга олиб, «18» ва дафтарчадаги ёзувларни текширтириб кўришга қарор қиладилар.

Экспертизада «Борис»нинг меҳнат дафтарчасидаги варақлар алоҳида-алоҳида люминесценция усули билан текширилиб, суратга олинганида «18 йил» сўзи ва рақами қўшимча ёзилганлиги, сиёҳнинг кимёвий таркиби шу қатордаги сўзлар ва рақамларнинг сиёҳидан мутлақо бошқа эканлиги ҳамда «18 йил» сўзининг кейинчалик «Борис» томонидан ёзилганлиги етарли далиллар билан исбот қилиб берилади.

Ҳар бир эксперт мутахассис сифатида ўзининг хизмат ваколати бўйича жиноятчиликнинг олдини олиш ва содир этилган жиноятларни аниқлаш, жиноятни содир қилган шахсларнинг айбини очиш ҳамда жиноятчиларга нисбатан адолатли жазо берилишини таъминлаш учун зарур бўлган барча характердаги текширишларни бажаради ва тегишли хулоса беради.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, текшириш натижасида ҳақиқий айбдорни жавобгарликка тортилмасдан қолмаслиги, лекин айби бўлмаган шахснинг асоссиз жавобгарликка тортилмаслигини таъминлашда экспертнинг ҳиссаси каттадир.

**А.НОРБОЕВ,**
**ТДЮИ криминалистика кафедраси ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди, доцент**

GURUNG

# «ТОПГАНЛАРИМ ВА ЙЎҚОТГАНЛАРИМ»

Халқ артисти Хайрулла САЪДИЕВ билан суҳбат

***— Хайрулла ака, суҳбатимизни санъатга илк бор қадам қўйган дамларингиздан бошласак.***

— Болалигимдан онам менинг актёр бўлишимга қарши бўлган. Уларни ранжитмаслик учун аввал тўқимачилик, кейин халқ хўжалик институтларига ҳужжат топширганман. Халқ хўжалиги институтига кириш учун синов имтиҳонларидан ўтганман. Лекин уйдагиларга «йиқилдим» деб, бир йилга яқин Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлай бошладим. Кейинроқ ҳеч кимга айтмай, амакиваччам Лутфулла Саъдуллаев билан Тошкент театр ва рассомчилик санъати институтига ҳужжат топширганмиз. Синовлардан муваффақиятли ўтиб, талаба бўлдим. Бунда устозим, Ўзбекистон халқ артисти, марҳум Назира Алиеванинг ҳиссалари катта. Мендан ҳар гал «нима учун шу касбни танлагансиз», — деб сўрашганда, ҳар сафар «дадамга ўхшагим келгани учун», — деб жавоб бераман... Талабалик саҳнаси билан театр саҳнаси орасида катта фарқ борлигини кейинчалик сездим. Ҳамза театри саҳнасида устозларимдан бири, режиссёр Зуҳур Қобулов саҳналаштирган «Булутлар тарқалганда» спектаклида илк бор 1963 йилда қатнашганман. Ўшанда Тўлқин Тожиев билан дублёр эдик. «Энди шу театрда ишлаб кетаман», — деб юрганимда, йўлланма Й.Охунбобоев номли ёш томошабинлар театрига бўлди. Биринчи бор И.Аҳмедов саҳналаштирган «Али ва Вали» спектаклида иштирок этгач, болалар саҳнасига бутунлай боғланиб қолганимни сездим.

***— Санъаткорни элга танитадиган нарса нима — меҳнатми, маҳоратми ёки омад?***

— Нафақат санъаткор, балки ҳар бир касб эгасини эл-юртга азиз-у, севимли қиладиган аввало меҳнат. Аслида бизнинг туғилишимиз, яшашимиз, эл ичида ардоқда бўлишимизнинг ўзи омад. Омадимизнинг чопганлиги учун ҳам бу ёруғ дунёда яшаб юрибмиз. Қанчалик кўп меҳнат қилсанг, кўп роҳатланасан, дейишади. Маҳорат ҳам меҳнат туфайли сайқалланади, қанчалик кўп ишлансангиз, ўқиб-ўргансангиз, чарҳланиб, мукаммаллашиб боравесасиз. Истеъдодли кишилар ўзқобилиятларини ишлатмай, нимагадир интилмай, ҳаракат қилмай юраверсалар истеъдод ғуборланади, ўз хусусиятини йўқотади. Меҳнат, изланиш, яратувчанликка интилиш санъаткор учун асосий вазифа.

***— Санъат йўли — машаққатли йўл. Сизнингча, бу топишлар йўлими ёки йўқотишлар?***

— Таъкидлагинингиздек, санъат йўли — жуда машаққатли йўл. Санъат шу йўлга кирган одамдан меҳнат, муҳаббат ва фидойилик кутади. Бу йўлга ўзини бутунлай бағишлаган одам ҳеч нарса йўқотмайди, фақат топади. Тўғри, бу катта йўлга чиққунча бўлган кичкина йўлакларда, албатта нималардир бой берилади. Аммо бу йўлда бирни йўқотганлар, ўнни топадилар. Топилган нарсалар шундай қадрлики, йўқотилган нарсалар эслашга ҳам арзимайди. Мен ҳозир фақатгина йўқотадиган «нарса»лар ҳақида гапирдим холос, лекин йўқотган инсонларим ҳақида гапирадиган бўлсам... Энг аввало ёшликда дадамдан жуда эрта айрилганмиз. Ёстиқдошим Раъно Мадраҳимовадан ажраган куним, соату, дақиқаси ёдимдан чиқмайди... Топганларим эса дўстларим ва асосийси мухлисларим!

***— Хайрулла Саъдиев деганда томошабин кўз олдига энг аввало қайси роль, қайси образ келади, деб ўйлайсиз?***

— Институтдаги диплом ишларимдан тортиб, кино, теле, радиопостановкалардаги ролларимгача, ёш томошабинлар, сатира ва «Илҳом» театрларининг саҳналарида яратган образларимнинг ҳар бири мен учун муқаддас. Мен уларнинг ҳар бирига қалб қўримни беришга ҳаракат қилганман. Чамалаб кўрсам, бир қанча қиёфада кўринибман. Ҳар бир актёрнинг орзуси бўлган Ҳамлетни гавдалантиришга уринган пайтларимни эслайман. «Ревизор»даги машҳур Хлестаков образида ўзимни синаганман. Арсен Исмоилов саҳналаштирган «Уч мушкетёр»да Д`Артанянни ўйнаганман. Лекин, образларим ичида бундан 30 йил аввал яратилган «Шум бола» кучимга-куч, ғайратимга-ғайрат қўшди. Халқ орасида танитди. Ғофур Ғуломнинг машҳур асарини Г.Ёқубов телевидениеда саҳналаштирган эди. Асар ўз миллийлиги ва самимийлиги билан дарҳол эътиборни тортди, тилга тушди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Москва телевидениеси орқали ҳам намойиш этилди. Бу ўша давр учун жуда катта воқеа эди. Ёш томошабинлар театридаги фаолиятимда (1963-1986) кўплаб образларни яратганман.

***— Ўтган 2003 йил ҳаётингизда қандай из қолдирди?***

— Энг аввало «Шайтанат» бадиий фильминнг барча сериалларини суратга олишни якунладик. Бундан ташқари, 2003 ўқув йилидан бошлаб, театр ва рассомчилик институти талабаларига «Актёрлик маҳорати» фанидан дарс бера бошладим.

***— Газетамизнинг асосий ўқувчилари ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари. Уларга тилакларингизни билдирсангиз!***

— Ҳозир барча соҳада бўлгани каби ҳуқуқ соҳасида ҳам анча билимдонлик зарур. Чунки бугун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳам тараққиётнинг энг сўнгги техника воситалари кириб келмоқда. Уларни бошқариш эса, ўз-ўзидан билим талаб этади. Мен бу борада уларнинг кучига-куч, билимига-билим қўшилишини тилаб қоламан. Уйларидан ҳар куни яхши ният ила чиқиб, ёруғ юз билан қайтсинлар.

***— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!***

**Мухлиса МУҲИТДИНОВА**
**суҳбатлашди**

## ДОНОЛАР ДЕМИШКИ...

***Инсониятнинг етказадиган фойдаларидан ва одамийлик дастгоҳини зебу зийнат билан безатиб турадиган ёқимли сифатлардан бири бу дўсту биродарларга меҳрибонлик кўрсатишдир.***

**Бархурдор ибн МАҲМУД**

* * *

***Кишининг тойиши оёғини қопатади, тилнинг тойиши барча неъматлардан маҳрум этади.***

***Одамларнинг яхшироғи ўз қалбида яхшиликка йўл очгани ва ёмонликни ҳамда очкўзликни ҳайдаб чиқарганидир!***

**Муҳаммад ЗЕҲНИЙ**

* * *

***Ақлдек устоддан кўра меҳрибонлик ва қўллаб-қувватловчи дастгир бўлмайди. Ёқимли хулқ кишининг барча айбларини қуёш қорни эритиб юборгандек эритиб, йўқотиб юборади.***

**Абдулбаракот ҚОДИРИЙ**

* * *

***Ҳар қандай нарсада исрофгарчилик бор, аммо яхшилик қилишда бўлмайди.***

**«Оталар сўзи» китобидан**

* * *

***Ҳақиқий кўз эгаси шундай кишики, ўз феъли ва сўзига ҳамиша танбеҳ назари билан қарайди. Доно юрак эгаси шундай кишики, дунё саройида яхши ишлар орқали маломатга қолмайдиган яхши номга эга бўлиб кетади.***

**Муиниддин ЖУВАЙНИЙ**

* * *

***Истеъдод эгаларини тарбиялаш шундай бир кимёдирки, у қора тупроқни тоза олтинга, ноқис тошни эса айбсиз гавҳарга айлантиради.***

**Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ**

TO`RTINCHI HOKIMIYAT HAQIDA SO`Z

**«HUQUQ» газетасида вилоят прокуратуралари муассислигида чоп этилаётган нашрларнинг фаолиятига баҳо берилмоқда. Ана шу анъанани давом этказиб, Андижон вилояти ҳуқуқ-тартибот органларининг «Qonun yo`lida» газетаси ҳақида сўз юритамиз. Газета 1990 йил 13 августдан чиқа бошлаган. 2120 нусхада ойда 2 марта чоп этилади.**

# «ЭМАС ОСОН БУ МАЙДОН ИЧРА ТУРМОҚ»

Фарғона водийсида бугунга келиб 200 га яқин турли номдаги газеталар нашр этилмоқда. Баъзан газеталар ҳақида гап кетса, улар сони ёмғирдан кейинги қўзиқоринга ўхшаб кўпайиб кетди, дейишади. Бу гапларда ҳам жон бор. Илгари туманда туман, вилоятда вилоят газетаси бўларди. Давр ўзгарди. Кимдир ҳуқуқий нашрларни ўқиса, айримлар адабий-бадиий мавзудаги газеталарни мутолаа қилишни ёқтиради. Хуллас, ҳар кимнинг таъби ҳар хил.

«Qonun yo`lida» газетаси мустақиллик йиллари нашри сифатида шакилланди ва ўз ўқувчиларини топди. Газетада қонунлар тарғиботига алоҳида эътибор қаратилган. Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар юзасидан суд, прокуратура, ИИБ ходимларининг мақолалари бериб борилади. Прокурор-тергов ходимларнинг долзарб мавзулардаги чиқишлари, давомли суд очерклари ва қизиқарли мақолалар ўқувчиларни нашрни излаб ўқишга ундайди. Масалан, вилоят прокуратурасининг катта терговчиси О.Отахоновнинг газетада чоп этилган «Ўн минг сўмга «сотилган» домла» номли мақоласи вилоят ёшлари ўртасида катта баҳсларга сабаб бўлди. Мақолада Андижон тиллар институти ўқитувчиси Алижон Дадахўжаевнинг талабалардан пора олиш усули ёзилганди.

Мақоланинг тарбиявий аҳамияти ҳақида соатлаб мулоҳаза юритиш мумкин. Ушбу мақола газетада чоп этилгандан сўнг вилоятдаги олий ўқув юртларида муҳокама қилинди. Талабаларнинг чўнтагига кўз олайтириб келган домлалар учун бу воқеа яхшигина сабоқ бўлди.

«Инсон дунёга бир марта келади. Демак, мана шу умр давомида ҳар биримиз ўз ортимиздан нурли йўл қолдирмоғимиз керак». Бу сатрлар Қўрғонтепа тумани прокурорининг ўринбосари Р.Мадазимовнинг «Қинғир ишнинг қийиғи» мақоласидан олинди.

Унда тумандаги жиноий гуруҳ одамларнинг жами 3874000 сўмлик қўй ва қорамолларини ўғирлаб Қирғизистон Республикасига сотиб юборганлиги ҳикоя қилинади. Мақола қизиқарли ёзилган. Энг асосийси, мулоҳаза қилишга ундайди. Бу жиноятларнинг содир қилинишида одамларнинг қонунларнинг ҳаракати билан жиноят фош этилгани баён қилинган. Газетада Бўз туман прокурори З.Рустамовнинг «Кундошлик қисмати», Андижон шаҳар прокуратурасининг иш ўрганувчиси Ф.Тўхтасиновнинг «Аёл қотиллик қилса» мақолалари муштарийларни ўйлашга ундайди. Газетада қонун тарғиботи юзасидан яхшигина ишлар қилинмоқда.

Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 10 фоизи Андижон вилоятида яшайди. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак 2 минг нусхадан сал кўпроқ ададда чоп этилаётган «Qonun yo`lida» газетаси вилоят аҳолиси учун камлик қилади: 2 минг одамга 1 та ҳуқуқий нашр.

Бугунги ҳуқуқий нашр қандай бўлиши керак? Назаримизда халққа ҳуқуқий маърифат тарқатувчи ҳуқуқшунос журналистларимизнинг ўзлари ҳар жиҳатдан тажрибали ва билимли бўлиши лозим. Бу давр талаби. Акс ҳолда замондан орқада қолган газетанинг ҳеч кимга кераги йўқ. Газетхоннинг қалбига йўл топиш учун эса теша тегмаган мавзулар нашрдан жой эгалламоғи керак. Бунинг учун жамоада аҳиллик, катта билим ва тажриба бўлиши керак. Матбуот майдонида «от» суриш осон эмас. Навоий бобомиз айтганидек: «Эмас осон бу майдон ичра турмоқ»...

**Акмал АСРОРОВ,**
**Республика Бош прокуратурасининг бўлим прокурори**
**ЗАЙНИДДИН,**
**«HUQUQ» мухбири**

**Газетамизнинг навбатдаги сони 2004 йил 3 март куни чиқади.**

«HUQUQ» yuridik gazeta

Bosh muharrir: ABDUXOLIQ ABDURAZZOQOV

TA'SISCHILAR: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi, Toshkent shahar va Toshkent viloyati prokuraturalari, «Qonun himoyasida» jurnali

TAHRIR HAY`ATI: Bahriddin VALIYEV, Dilshod ISLOMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (mas'ul kotib), Lola SHOMURODOVA, Hasan INOYATOV, Muxtor SHODMONOV

Gazetaning ro'yxatdan o'tish tartibi: N 023. Nashr ko'rsatkichi – 231, 232

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Myalliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

MANZIL: Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66.
TEL.: 133-82-34, 133-64-72.
FAX: 133-64-85.
E-mail: Info@huquq.uz.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma Г-0064
23285 nusxada chop etildi

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda

Navbatchi muharrir: Z.MAMADALIYEV

Navbatchi: F.MAMASHARIPOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 19.30

123 6 78